

**АСАРНИНГ БОШИДА МУҚАДДИМАГА ЎХШАШ НАРСА, АММО ҲИКМАТЛАР
БИЛАН БЕРИЛАДИ. АЙТАЙЛИК, МУҲТОЖНИНГ ОЖИЗЛИГИДАН
ФОЙДАЛАНИБ МОЛИНИ ЎЗЛАШТИРМА ЁКИ АРЗОНГА СОТИБ ОЛМА. АСАР
ОХИРИДА ЭСА, ЎША АЙТИЛГАНЛАР ТҮЛИҚ ШАРХЛАНИБ, ЎҚУВЧИ
ИХТИЁРИГА БЕРИЛАДИ. ШАРХЛАР УЗУН БЎЛМАЙДИ. БУТУН АСАРНИ БИР
ЁДГА СОЛДИРАДИ.**

САВДОГАРЛАР УСТОЗИ

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим

Дунёда шундай инсонлар бўлганки, бугун улар ҳақидаги ривоятлар, ҳикоялар эртакдек туюлади. Бугунги кунларда улардек буюклар қайта туғилмайди, деб ишонилади, ишонтирилади. Мен ҳам эл қатори улуғ аждодларимиз ҳақида ўқиганимда ғурурланаман ва қайта туғилмайди буюклар деган ишончимда “содик” қоламан. Ўзим тадбиркор ўлароқ (асли филологман) тирикчиликдаги минг бир қийинчиликларга дуч келаман. Муваффақиятга, омадга, пуллар хазон бўлиб ётадиган келажакка тезроқ етиш учун ўнлаб китоблар ўқидим, ўқияпман. У китоблар пул топишнинг, бу ҳётда яшаб қолишнинг минг бир усулини ўргатади. Тан олишим керак улардан кўп фойда олдим ва самарасини кун сайин сезяпман. Яна шуни ҳам сезяпманки, менга нимадир етишмаяпти. Ўша ниманидир узоқ қидирдим. У нимадир китобларда бўлиши керак. Ўқидим, изландим ва ниҳоят... Ниҳоят топдим. Ўнлаб ўқиган китобларимда йўқ илмлар, ўзимизда экан. Нақ бурнимизнинг тагида, шундоқ қўл узатса етаркан. Ўша илмлардан нега халқимиз шу пайтгача фойдаланиб, яхши бир савдо, тирикчилик (бугун бизнес дейилади) ҳақида китоб ёзмаган? Халқ айбдор эмас, аслида. Чунки улар мустақил бўлгач, тоғдай уйилиб ётган тирикчилик ташвишидан ортиб, илмга эътибор беролмасди. Ҳалиям тирикчилик ташвишидан ортиб янгилик сари илдамлаётганлари кам. Биз шу пайтгача ва ҳозир ҳам бизнес ҳақида, савдо ҳақидаги етти ёт бегоналарнинг таълимотларидан сув ичяпмиз. Ҳалолликни қадоқлаб, темир сандикқа қўйиб қўйганимизга анча бўлган. Нима қилсанг қил, бойи, хар қандай йўл тўғри (ҳалолми, ҳаромми фарқи йўқ, сен танлаган ва тўғри деб билган ҳар қандай йўл ҳақ йўлдир).

Бугун инсонлар ҳалол тижорат деса ажабланадиган ахволга келиб қолаётир. Айни шу сабаблар туфайли қўлга қалам олиб, камтарона бир асар ёзишга киришдим. Бу асар сизга бойишнинг асл йўллари, омаднинг олтин калитлари, муваффақиятнинг ҳақиқий сири, хотиржам яшашнинг бебаҳо йўллари, саҳийликнинг самаралари, дўстликнинг устунликлари, ҳожатбарорликнинг туганмас фойдалари ҳақида ҳикоя қилади. Яна ҳалол тижорат ва тожирнинг сифатлари берилади. Минг афсуски китобда тўлиқ маълумот йиғолмаганим учун кўп қаҳрамонлар ҳақида ёзилмайди.

Сиз китоб ҳақида гапирдику, аммо ким ёки нима ҳақидалигини айтмадику, деб ўйлаётгандирсиз. Айтаман. Марв деган сultonликни ҳамма эшитган. Бугунги Хоразм. Ўша юртдан бир ўғлон чиққан. Бугун уни қўпчилик билмайди, чунки улар қолиб бошқаларнинг ҳаётини ўрганишга киришиб кетилган. Ўша буюқ, тарихда номини-ю, изини то қиёмат инсонлар қалбига ўйиб ёзиб кетган бобомиз – Абдуллоҳ ибн Муборак. Ҳа, азизларим, шу

буюк инсон савдогарларнинг узтози деган мақомнинг эгаларидан бири.

Унинг ёшлиги илмга рағбат ва кучли ғайрат билан ўтади. Жанг санъатида ҳам жуда моҳир бўлиб етишгани эса кучли мусулмонлик сифатига далолат қиласди. Биз унинг тижорий фаолиятини дўсти ва китобдори тилидан ҳикоя қиласмиш.

Отасининг “Савдогарликни обрўингни сақлаш, сахийлик қилиб илм ахлига ёрдам беришинг ва факирларнинг мушкулини осон қилишинг учун касб қил!” деган биргина сўзи учун дунёning бойига айланиб, илм ахлининг ҳақиқий ҳомийси бўлиб етишади.

Ушбу китоб жонимдан азиз бўлган ота-онамга бағишлиланади. Ўқиганингизда ота-онам ва каминани дуоларда йўқлашингиздан умидворман.

Абдуллоҳ ибн Муборакнинг дунёга келиши

Ташқаридан назар солган одамнинг узумзор боғ ичида узумларни парвариш қилиб, қўриқлайдиган ва кўп ҳолларда ўша боғнинг ичида намоз ўқиб ўтирадиган инсонга кўзи тушади. У Муборак исмли такводор инсон бўлиб, Марв сultonлиги қозисининг қули. У шу боғда ишлай бошлаганидан бери, ҳатто унинг шу уйга қўйган қадамидан буён қозининг уйига ўзгача файз, барака ва хотиржамлик киргандай бўлди. Индамай ишини билиб қилаверадиган йигит қозига жуда ёқиб қолган. У боғнинг бир четида қурилган кулбада яшаб, қоровуллик ҳам қиласди. Агар бирор зарурат билан қозининг ҳовлиси олдига келадиган бўлса, ҳатто уйга бир назар солмайди. Унинг одоби кўпчиликни лол қолдири...

Бир куни қози уйига меҳмон чақирди. Узун калта бўлиб бир неча киши кириб келди. Уй соҳиби Муборакни чақириб унга узум олиб келишни буюорди. У кўзни қувнатадиган узумларни ювиб олиб келди. Улар узумдан тотиб кўрганида у нордан чиқди. Унга яна олиб келиш буюорилди. Бу ҳол тўрт марта такрорланди. Тоқати тоқ бўлган қози:

- Нега ҳар сафар нордон узум олиб келасан, тахирлигидан иштахалар бўғилдику. Сен қайси ширин, қайси тахир эканини билмайсанми? - дея жаҳл аралаш савол берди.
- Йўқ, - деди у мулойимлик билан. – Сиз менга боғга қоровуллик қилишни ва парваришлашни буюргансиз, ейиш ҳақида гапирмагансиз, - деди хижолат бўлиб.
- Ё Қудратингдан, бирор марта татиб кўрмадингми?
- Йўқ, хожам татиб кўрмадим.

Қозининг ҳоли ўзгарди. Меҳмонлар билан сухбат ҳам татимади. Ҳаёлида бир ўй: қандай қилиб шунча катта боғдаги узумдан бир татиб кўрмаган бўлса?. Ўйлаган сари фикрлари тиниқлашар, Муборакка нисбатан хурмати ортарди. Охири чидолмади. Уни чақирирди. Улар ўртасида шундай сухбат бўлди.

- Сендан бир маслаҳат сўрасам.
- Қуллардан маслаҳат сўралмайди хожам.
- Биламан, аммо сенга берилган илм, одоб, диёнат ҳаққи сендан маслаҳат олгим

келди.

- Илмим етгунча жавоб бераман, хожам.
- Менинг бир бўйи етган қизим бор. Унга султонлардан, ҳокимлардан, саркардалардан, савдогарлардан совчи келяпти. Уни кимга берганим хайрлироқ?
- Яхудийлар аёлнинг насабига, насронийлар бойлигига, Мухаммад алайхисалом даврларида диёнатига қараб танланган. Бугун аралашиб кетди. Ўзингизга маъқул келганини танлаб узатаверинг.
- Йўқ, мен сенга никохлаб бераман қизимни. Чунки бу умматда диёнат учун қиз олиниб, қиз берилади.
- Уйдагиларингиз билан маслаҳатлашинг. Мен бир қул бўлсан, унинг устига тайинли уйим ҳам йўқ.
- Бугундан озодсан. Қолганига Худо пошишо. Уйдагилар қароримни рад этмайди.
- Раҳмат хожам, сиздан Худо рози бўлсин (Муборак яхшиликдан қаттиқ суюниб ёмонликдан қаттиқ куюниб кетмасди, шунинг учун соддагина миннатдорлик билдириди). Қиз боладан сўралиши керак. Акс ҳолда мажбурланган бўлиб қолади.
- Унда бугун сўрайман. Майли қани озод киши, боғимда ойлик маош учун ишлашга розимисан? Агар истасанг бошқа иш ҳам қилишинг мумкин.
- Ишлайман.
- Жуда соз бомдод намозидан кейин гаплашамиз.

Қози аёлидан сўради, “сиз ёмон куёв танламайсиз, розиман”, деди, қизи ҳам худди шу жавобни берди. Қози хуфтонни ўқиб Яратгандан дуо қилиб, тўйни хайрли қилишини сўради.

Муборак намоздан сўнг узок ўйлади. Шундай улуғ қозикалон оддий йигитга қиз берсая (у қуллигини бир онда унутди). У ҳам ушбу никоҳ унинг икки дунёсига ҳам фойдали бўлишини Аллоҳдан сўраб дуо қилди.

Бугун тонг ҳам бошқача отди Муборак учун. Озод кишининг нафас олиши ҳам бошқача бўларкан. Ҳар кунги боғ, ўз кулбаси кўзига бошқача кўриниб кетди. Ҳовлида қози жаноблари билан учрашувни кутиб тураркан, беихтиёр уй томон назар солди. Бирдан қилмишидан уялиб, кўзини олиб қочди. Ўнгайсизланди.

Қани супага чиқ Муборак, - дея табассум билан қози чиқиб келди. Улар узок сухбатлашмади. Тўйни пешингача ўтказишни мўлжаллашди, асртага келинни олиб кетади. Шунча обрўсига одмигина тўй қилди қози. Нима унинг давлати етмасмиди? Етарди, аммо бойлигини кўз-кўз қилгиси келмади. Ундан ташқари куёвининг ҳамиятига тегиб кетгиси йўқ.

Хуллас тўй ҳам ўтди. Улар узумзорнинг четидаги одмигина уйда яшай бошлади. Қизнинг онаси ҳафтада бир келиб қизидан хабар олиб туради. Бешинчи дафа келишида

қизининг йиғлаб тургани устидан чиқди. Уларнинг сухбати мана бундай бўлди.

- Нега йиғляйсан қизим?
- Танлаб топган куёвларингиз ҳатто юзимга ҳам қарамаяпти.
- Тушунарли...

Жаҳл билан уйига келган аёл хўжайини ишдан келишини сабрсизлик билан кутди. Эри келгач, аввало овқат сузди. Овқатланиб бўлгач, секин гап бошлади.

- Султонзодаларни менсимасдан оддий одамга қиз бергандингиз. У эса мана салкам қирқ кундирки, қизимизнинг юзига ҳам қарамабди. Шунақа зулм қиласр экан нега уйланди?

Қози бир оғиз гапирмади. Хуфтондан сўнг Муборакни чақиртириди. У келгач, қозилигига бориб бақирмади, жахлга минмади. Мусулмон киши олдин сабабини билиб, кейин тадбир қиласрди. У ҳам масала моҳиятини билиш учун куёвидан оддий савол сўради.

- Нега шу вақтгача қизим билан гаплашмасдан, юзига ҳам қарамасдан зулм қилиб келяпсан?

-Минг бор узур. Орада сал англашилмовчилик бўлибди. Сиз қозисиз. Ишончли, шубҳали таом егансиз деёлмайман, аммо барибир совға салом, турли зиёфатлар, ҳукмлар (жанжалли вазият ечимлари) учун олинган пуллар шубҳали бўлиши мумкин. Шунинг учун мен мана салкам қирқ кундан бери ҳалол луқма едиряпман. Томирларидан тоза қон оқиши учун. Аллоҳ гувоҳ – мен бу ишни солих фарзанд учун қилдим.

Қози лол қолди. Яратганинг инояти билан куёвни тўғри танлаганига яна бир бор амин бўлди. Орадан бир йил ўтиб бу оиласда Абдуллоҳ дунёга келди...

Абдуллоҳнинг болалиги

Абдуллоҳ бошқалардек ўйинқароқ эмасди дейдиганлар адашади. У жуда ўйинқароқ эди, аммо болалигидан ўша ўйинқароқлигини ақл эгаллаганди. Бир куни ўртоқлари ўйнаб келиб, “Кетдик ташқарига от ўйин ўйнаймиз”, деди. Абдуллоҳ уларга ҳатто ақлини таниган инсонлар, улардан ўтиб олимлар ҳам ҳайрон қоладиган гап айтди. “Аллоҳ мени ўйин кулгу учун яратмаган”...

У ота-онасига ҳақиқий ёрдамчи. Ишлардан ортиб, жанг санъати билан шуғулланади. От миниш ва камондан отишни ўрганади.

Жуда қизиқувчанлигидан кўп хато қиласрди. Отаси унга қаттиқ таъқиқ қўймайди, чунки ортиқча танбех ва таъқиқ болани бетарбия қилиб қўяди. Отасининг тарбиядаги ажойиб услубини у сўнги нафасигача гапириб юрди.

У Куръон ёдлашдаги отасининг услубини кўп эслайди. От миниш, камондан ўқ узиш, қиличбозлик, жанг санъатига қаттиқ қизиққани учун отаси айни шунга мос услуб топган. Агар бир бет ёдласа, жанг санъатига, икки бет ёдласа от миниш, уч бет учун ўқ отиш, тўрт бет учун қиличбозлик, беш бет мусобақага руҳсат, олти бет учун сувда сузиш

мукофоти. Абдуллоҳ жон дили билан ёдлашга берилган. Отасини қойил қилиш учун баъзан ўн, ўн беш бетлаб ёд олган. Шу тариқа қисқа муддатда Аллоҳнинг Каломини қалбига жойлаган. Отаси ҳеч замон мукофотни бермай қолмаган.

У ҳали еттига тўлмасдан отаси савдо сирларини ўргата бошлаган. Узум, майиз сотиш, катта савдогарлардан улгуржи сотиб олиб, доналаб сотиш, уйга бозор қилиш каби илмларни у анча эрта олган. Отасининг ишларини дикқат билан кузатган.

Илмий йифин, савдо мажлисларида бўлганида араб тилини билиш жуда муҳим эканини отаси унга тушунтирган. У араб тилини жуда тез ўзлаштиргани учун отаси унга от совға қилган. Кейин мадрасага дарсга қатнай бошлаган.

Оддий танишликдан қиёмат дўстликкача

Мен Абдуллоҳ билан ҳадис ўрганаётганда танишганман. Ҳеч эсимдан чиқмайди, у кўпчилик олдида мени ҳимоя қилганди. Ҳатим чиройли бўлгани учун, негадир китоб кўчиргим келаверар, баъзан дарс тайёрлашга вақтим етмай қоларди. Бир куни ҳадисдан дарс қилмаганим учун устозим қаттиқ жазолади. Бошка болалар мен билан гаплашмай қўйди. У пайтларда дарс қилмайдиган бола билан бошқалар гаплашмасди. У билан гаплашган бола зехни пасайиб кетишидан қўрқарди. Аммо, Абдуллоҳ ундаи қилмади. У мен билан гаплашди. Ёш бўлсақда (6 ёш эдик) ўзимизча ўртоқлашдик. Мени хайрон қолдирадигани, унинг қорилиги, юзлаб ҳадисларни ёд билиши эмас, ғайрати, шижаоти ва ўта кучли хотираси эди. Бирор нарсани бир эшитишда, китобларни бир ўқишида ёд оларди. Оддий мисол. Бир куни масжид олдидан ўтиб кетаётганимизда имом узун дуо қилиб, саловат айтди, бир неча оят Қуръондан ўқиди. У менга “мен тўлиқ ёдлаб олдим”, деди. Ишонмадим. Унинг гапларини ўша атрофдагилар эшитиби. Улар ундан ёдлаганини айтиб беришини сўради. У имом қандай айтган бўлса, ўшандай қайтариб айтиб берди...

Ордан бир ой ўтиб, у билан жуда қалин бўлиб кетдик. У менинг ёзишни яхши кўришимни билгач, ёзиладиган дарсларини менга берди. Мен ўз навбатида ундан устоз айтганларини ўзидек қайта эшитаман. Шундай қилиб у билан дўстлашиб кетдик. У таъсиrlаниб кўп ривоятлар, ҳадислар айтиб беради, мен эринмасдан ёзиб олардим. Ана шундан унинг энг яқин дўсти ва китобдорига айланба бошладим. Тез орада тенгдошларимиздан илмда ўзиб кета бошладик. Бир куни устоз бизни бошка устозга жўнатди. Шундан илм излаб йўлга тушдик. Аввалига Марв (Хоразм) ни айланиб тахсил олдик. Унинг ғайрати ва шижаоти борган сари ортиб борди. Дарсдан бўш вақтларимиз жанг санъати, сувда сузиш билан шуғулланардик. У жанг қилишда ҳам тезда кўпчиликдан ўзиб кетди. Қиличлашиш, от устида камондан нишонни беҳато уриш, сувда сузишда унга тенг келадигани кам эди. Улғайгани сари ҳар томонлама етилиб бораверди. У Қуръон тафсири, ҳадис шархи, турли масалалар баёнида Марвдагилардан олдинга ўтиб кетди. Бир куни менга “Абдусалом устозларим менга илм олиш учун Ироққа боришим кераклигини айтди. Сен билан бирга кетишини истайман. Чунки сендеқ яқин дўст ва китобдорни қаердан ҳам топардим”, деди. Табиийки мен бирдан жавоб беролмадим. Ота – онамдан сўрашим керак эди. Уйга келиб улардан рухсат сўрадим. Отам ҳеч иккиланмай “**боравер, дунё кез, олим бўл, ўзингдан из қолдир, сендан кейин келадиганларнинг ҳаётларини енгиллаштириш учун ҳаракат қил**”, деди. Онам йиғлади. Биз тўрт ўғил бўлсақда, онам мени бўлак яхши кўрарди. Лекин отамнинг раъийга қарши бормади. Дуо қилди...

Илк саёҳат бошланди

- Абдусалом сен қанча пул олдинг?, - деб сўраб қолди у дабдурустдан.
- 10 динор, деб жавоб бердим. Кейин сұхбатлашиб кетдик.
- Биласанми, мен бир чақа ҳам олмадим. Аллоҳга таваккал қилиб чиқяпман. Отам савдогарликни обрўйимнгни сақлаш учун, сахийлик қилиб илм аҳлига ёрдам беришим ва фақирларнинг мушкулини осон қилишим учун касб қилишимни тайинлаб дуо қилди. Отамдан савдода ўргангандаримни бошқа мамлакатларда ҳам қўллайман. Тажриба ўз сўзини албатта айтади.
- Нега бир чақа ҳам олмадинг, ахир йўлда нима бўлишини билмайсанку Абдуллоҳ.
- Тўғри, билмайман, аммо Парвардигорим мен билан бирга. Ота-онамнинг дуоси билан қийинчиликлар осон ҳал бўлади.

Шу билан сұхбатимиз тугади. Зикр қилиб кета бошладик. Аммо ҳаёлимда унинг гапи. Энди нима бўлади? Каби ўйлар. Мана йўлга чиққанимизга ҳам роса уч ой бўлди. Бир ойга қолмай етиб олишимиз керак эди, аммо йўл-йўлакай дарс олдик. Озгина ишладик. Ниҳоят Ироққа ҳам салкам етиб келдик. Бир ҳафталик йўл қолди. Пулимиз, озуқамиз тугаган. У ов қиласиди. Мен таом тайёрлайман. Кечалари намоз ўқиб, узок сұхбаташардик. Базан тонг отишини истамасдим...

Бомдоддан сўнг, у билан яна йўлга тушдик. Бир кичик бозорнинг устидан чиқдик. Бир аёл яхши отни олиб чиқиб сотувга қўйган экан. Кўпчилик тўпланиб савдо қиляпти. Аёл отни боғлаб бир четда турибди. Бир даллол аёлнинг номидан савдо қиляпти. “Сотилди!”, дея энди отни қозигидан бўшатмоқчи эди. Абдуллоҳ қўлидан ушлаб қолди.

- Мусулмонмисиз?, деб сўради даллолдан. Даллол бу саволни кутмаган шекилли довдираб қолди. У олувчига ҳам юzlаниб, шу саволни берди. У ҳам довдираб қолди. Аммо шарт ўзига келиб “Алҳамдуиллаҳ мусулмонман”, деди.
- Унда нега отни асл баҳосида сотиб олмаяпсиз?, дея савол берди у. Шу тариқа тортишув бошланди.
- Мен уни асл нархида сотиб оляпман.
- Асл нархи бунча эмас, сиз яrim баҳосига сотиб олдингиз. Даллол фойдага шерик.
- Сен бизга ақл ўргатма, ҳали ёш экансан.
- Илм ва ҳақгўйлик ёш танламайди. Келинг аёлдан отни нима учун сотаётганини сўраймиз.
- Сўра!
- Кечирасиз, отни нега сотяпсиз она?
- Эрим касал, болаларим оч. Ишлайдиган ёшда эмас улар. Шу ерда бозор бўладиган кунлар уйимизда қўлга илинадиган нарсаларни сотиб, рўзғор қилиб кетаман.

Бугун кунимизга яраб турган отимизни сотиб, рўзғордан ортганига эримга дори-дармон олмоқчи эдим. Аммо сотган пулим харажатларимга етмайди. Иложсизман. Отни қайтариб кетсан, рўзғор ўтмайди, - дея йиғлаб юборди. Одамлар гунгур-гунгир гаплашиб бошлади. Лекин ҳамма воқеа қандай якун топишини кутарди. Абдуллоҳ сотиб олган одамдан яна пул қўшиб беришини талаб қилди, аммо у кўнмай туриб олди. Бошқалар бизнинг ёнимизни олди. Лекин у савдо ҳалол бўлганини айтиб туриб олди. Шунда Абдуллоҳ ўз отини аёлга бериб юборди. Бир киши воқеани кузатиб турган экан. Аёлга:

- Мен табибман. Дорини сизга текинга бераман, -деди. Шу тариқа кўпчилик аёлга қўлида боридан бера бошлади. Даллол билан савдогар мулзам бўлиб бир четда қолди.

Унинг миниб турган отини бериб юборгани ортиқча бўлди. Йўл машаққатли, у бўлса, ўйламай нетмай отини шарт бериб юборди. Ана жўмардлик. **“Аллоҳ жўмарддир, жўмардларни яхши кўради”**. Ушбу ҳикматнинг маъносини энди тушунгандекман. Чунки унга нисбатан муҳаббатим минг чандон ортди. Аллоҳнинг оддий бир қули шунчалик таъсирланиб, меҳри товланган экан, Холиқнинг яхши кўришини тасаввур қилиш қийин.

Машаққатли сафар ортда қолиб, Ироққа кириб келдик. Катта жоме масжида пешинни ўқиб, илм мажлисига бордик. Асрни ўқиб бўлгач, тунашга жой қидирдик. Мен маҳаллий аҳолини бунчалик меҳмондўст деб ўйламагандим. Исломнинг гўзаллиги, адолатлилига, тенглик дини эканига яна бир бор амин бўлдим. Марвдаги мусулмонлар қандай одобли бўлса, маҳаллий халқ ҳам шундай гўзал ахлоқли эди. Биз бошқа мамлакатга келганимизни ҳис қилмадик. Гўё узоқ айланиб яна Марвга келгандек. Сиз табиати ўхшамайди дерсиз. Ҳақсиз, аммо қалб яқин бўлса, инсонлар бир-бирини тушунса, бошқа омиллар иккинчи даражали бўлиб қолаверади. Хуфтон намозини ўқигач, у билан узоқ сухбатлашдик.

- Абдусалом энди мен тижорат қилишим керак.
- Сармояни қаердан олмоқчисан?
- Аллоҳ меҳрибон. Сармоя чўнтакда эмас мияда бўлади.
- Сен доим мени лол қолдирасан. Аммо бу сафар ростдан ҳам ахволимиз танг. Чиндан ҳам савдо қилишимиз керак.
- Бомдоддан кейин катта бозорга тушамиз.
- Яхши, аммо пулни қаердан олами? Қарз олишга таниш бўлмаса, отни сотай десак, ўзи биттагина от. Уни ҳам сотсак, узғимизни яқин қиласиган воситадан айриламиз.
- Таваккул қил, Худонинг Ўзи йўл қўрсатади. Яхши дам ол.

Мен дам олишга қанча ҳаракат қилмай, тириклий ташвиши устун келиб уйқумни кочиради. Таваккал қилиб уйқуга кетдим. Тушимда олтин-кумуш хазон бўлиб ётган жойда уларни тепкилаб юрибмиз. Абдуллоҳ қайрилиб ҳам қарамайди.

Ёқимли азон товуши бомдодга чақирди. Таҳорат олиб, масжидга чиқдик. Намоздан сўнг бозорга бориб, газлама, ипак сотиладиган растани айландик. Мева, ширинлик, мол, қўй бозорларни кўздан кечирдик. Бир пайт Абдуллоҳни тополмай қолдим. Бир соат қидириб, газлама бозоридан топдим. У тилмочлик (таржимонлик) қилиб турган экан. Халал бермадим. Ишлар битгач, тушлик қилиб, пешин ўқидик. Кейин қизиқиш устун келиб, ундан сўрадим.

- Абдуллоҳ савдогарга тилмоч кераклигини қандай билдинг?
- Атрофни кузатиб турсам, бир савдогар ташвишли кўринди. Бир – икки одамнинг олдига борди, аммо улар қўлларини кўтариб, “тушунмадик” ишорасини қилди. Олдига борсам, форс ўлкасидан келган савдогар экан. Араб тилини яхши билмаслигидан молларини сотолмаётган экан. Олдинги тилмочи жуда қиммат нарх айтиби. Мен кўнглидан чиқариб берганига рози бўлдим. Шу тариқа моли сотилди, мен 15 динор ишлаб олдим. Бу пул икки ой бемалол яшшимизга, илм олишмизга етади, - дея жавоб берди табассум қилиб. Шу йўсин бозорда таржимонлик қила бошлади. У ҳам илмдан ортган вақтида. Кечки пайт эса ўргангандаримизни ёзамиз, аникроғи у айтиб туради, мен ёзаман. Орадан бир йил ўтиб, устозлар Абдуллоҳга бошқа устозга боришни тайинлади. Шу билан бир неча йил илм талабида шахарма шаҳар, мамлакатма мамлакат кезиб юрдик. Ироқ, Яман, Жазира, Миср ва Шомда илм таҳсил қилдик. Қаерга борсак, узоғи олти ой туардик. Шу орада 3 мингдан дан ортиқ шайх билан кўришдик. Бир куни бир устозимиз бизга Куфадаги отаси Термизлик Нўмон ибн Собит (Абу Ҳанифа) ҳазратларининг олдига боришни тайинлади. Вақтни қўлдан бой бермай йўл тадоригини кўра бошладик. Аммо кўнглимнинг бир четида йўлга қўйган тижоратимиз, топаётган пулларимиздан айрилгим йўқ эди. Чунки бу ерда ишларимиз яхши эди. Мен ҳам хатлар, мурожаатномаларни таржима қила бошлаган, озми-кўпми фойда қилаётган эдим. Лекин илмга рағбатимиз устун келди. Абдуллоҳнинг олтинларни босиб ўтиб кетаётгани ҳаёлимда тез-тез гавдаланадиган бўлиб қолди. Қалби дунёга боғланмаган унинг. Бир лаҳзада ҳаммасидан кечиб юборади-я, Субҳаналлоҳ.

Биз шом вақтида Абу Ҳанифа ҳазратларининг уйларига етиб келдик. Узоқдан ажralиб туаркан. Бадавлат эканда деган ўй ўтди ҳаёлимдан. Эшикни бир йигит очди. Очик чехра билан меҳмонхонага бошлади. Устоз билан эртага учрашишимизни айтди. У ерда бизга ўхшаган мусофиirlар кўп экан. Бир мусофиir билан гаплашиб қолдик. У устозимиз уйни атай катта қилиб қурганини, одамлар ёрдам сўраб мурожаат қилиши осон бўлишини, уй қидирса мўлжал аниқ бўлишини ният қилган экан. Бу одам бой, ёрдам бера олади, деган ишонч бўлиши учун шундай йўл тутганини айтди. Нўмон ибн Собит ҳазратларига хурматимиз янада ортди. Ҳуфтондан сўнг Абдуллоҳ менга қараб шундай деди.

- Абдусалом мен бундан ҳам катта уй қурдираман. Ҳовлим ҳам ундан икки баравар катта бўлади. Токи юзлаб одамлар сиғадиган бўлсин. Мусофиirlар ҳеч иккиланмай ҳовлимга кириб келсин. Мен унинг нияти амалга ошишини сўраб дуо қилиб қўйдим. У айтганини қиладиган одам.

Асл барака

Мана устознинг уйида туриб ўқиши ҳам бошладик. Аммо Имоми Аъзам ҳазратлари билан пешингача кўриша олмадик. Сабабини кейин билдик. Хабарчилар пешинга яқин биз хақимизда айтишган экан.

Устозни минглаб одамлар орасидан бемалол ажратиб олса бўладиган даражада экан. Ўрта бўйлардан узунроқ, буғдойранг, кенг елкали, катта кўзли, қорин қўймаган қотмадан келган. Киймлари нафис ва тоза. Ўзидан энг сара мушк иси келади. Гаплашмасдан туриб, у кишини яхши кўриб қоладиган даражада истарали. Юзидан нур ёғилиб туради.

- Қани ота юртимдан келган меҳмонлар, юрт ҳавосидан баҳраманд бўлай, - деди устоз биз томон яқинлашиб.

Кучоқлашиб кўришдик. Абдуллоҳга узоқ термулди. Биз келмасимииздан шамолимиз келган экан. Балки устоз унга термулганида олис келажакда эмас яқин орада илмда, авлиёликда, савдода пешқадам бўладиган инсон сиймосини кўргандир. Балки юрт соғинчи устун келиб, ватадошидан ота ватан кенгликларини, ширин булоқлари-ю, чўққисига қараганда дўппи тушадиган тоғларини кўз олдига келтиргандир...

Биз ичкарига кириб анча гаплашиб ўтирдик. Пешиндан сўнг дарсни бошладик. Устоз кунларини жуда аниқ режа асосида ўтказаркан. Кечаси умуман ухламасди. (бир шогирди 20 йилдан бери елкаси тўшак кўрмади деганида ишонмаган эдик). Кечаси Қуръон тиловат қиласди. Бомдоддан кейин Аллоҳни зикр қиласди. Савдо ишларига қарайди. Пешиндан сўнг асргача дарс беради. Асрдан шомгача масала сўраб келганларнинг, хожатмандларнинг хожатларини чиқаради. Шомдан ҳуфтонгача тафаккур қиласди, масжидда бўлади. Ҳуфтоннинг таҳорати билан бомдод ўқийди. Илми денгиз қадар. Зеҳни ўта ўткир. Жуда талабчанлигидан баъзан шогирдлари қийналиб ҳам қолади. Савдода жуда ҳалол ва эҳтиёткор.

Бир куни бозорга ипак ва газламаларни тартиблаб, тахлаш учун бизни олиб борди. Унинг бир шериги бор экан. Бир шойини 200 дирхам эмас 400 дирхамга сотиби. Шеригини койиб, харидорни топиб келишни буюрди. Харидор келгач, унга 200 дирхамини қайтиб берди. Уларнинг ўртасида гўзал “тортишув” бўлди.

- Мана бу пулни олинг. Бу матони биз 200 дирхамдан сотамиз.
- Йўқ, устоз сиздан Аллоҳ рози бўлсин. Мен берганимга розиман. Бозорда шу мато 500 дирхам туради.
- Мен 200 дан сотаман. Устига фойдамни ҳам қўшганимдан кейин шу нарх ҳосил бўлган. Қолгани ҳалол бўлмай қолади. Бозорни биламан, аммо Худодан қўрқаман.
- Майли устоз, Аллоҳ савдоингиз ва илмингизга баркалар ато этаверсин.
- Омин.

Ўша куни устоз шериклари балан ишни тўхтатди. Ҳалол тирикчиқлик учун шундай қилди. Биз кечаси шу воқеани Абдуллоҳ билан узоқ муҳокама қилдик. Абдуллоҳ билан кун келиб савдода ҳам устоздек иш тутишни режа қилдик.

Бомдоддан кейин ҳовлига чиққандик, устоз бир пора тиловат қилгудек муддатдан сўнг олдига ўтишимизни тайинлаганини айтишди. Мен китоб ўқидим, Абдуллоҳ Қуроън тиловат қилди. Бир пора тугатгач, туриб устознинг олдига бордик.

- Келинглар, - деди устоз ўрнидан туриб. – Мен сизлар ҳақингизда суриштиридим. Мисрдаги илм таҳсили ва тирикчиликларингизни ҳам сўраб билдим. Тижоратга иқтидорларингиз борлигини сезганим учун ҳам кеча бозорга олиб боргандим. Сизларнинг тижоратдан етарлича илмингиз борми?
- Йўқ, устоз, - деди Абдуллоҳ. (У одатда озгина билса ҳам билмайман дер ва ўрганишга киришарди). Аммо йўл-йўриқ кўрсатсангиз ўрганиб кетамиз. Берган қўлга айланиб, инсонларнинг ҳожатларини умрим сўнгигача чиқаришни ният қилганман. Аллоҳдан дуода ҳам сўраяпман.
- Илмга иштиёқинг жуда баланд. Келганинга унча кўп бўлмаган бўлса-да, баракангдан баҳраманд бўлдим. Ҳозир сизларга Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тижоратлари ҳақида бироз айтиб бераман. Гапимни ҳадис билан бошлайман. **Эй мусулмон тижоратчи, олишда ва сотишда, қарз беришда ва олишда доимо осонлик ва қулайликни асос қилиб олки, тижоратингни хотиржам бир тарзда амалга оширган ҳолда Аллоҳнинг раҳматига эришгайсан** (Бахридин аканинг китобидан), деган Мұхаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам. Шунга мувофиқ кеча шеригим билан ишни тўхтатдим. Хўш, мавзуга қайтай. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳақиқий тижратчи эди. Маккадан мол олиб Ясриб, шомга бориб сотар, у ёқдан турли буюмлар сотиб олиб, Маккада сотарди (бугунги кунда экспорт-импорт дейилади бу. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом ilk экспортёр ва импортёр бўлган Муаллифдан). Бугун мен ҳам тўрт томонданга карvon жўнатиб олди - сотти қиляпман. Кун келиб сизлар ҳам моҳир савдогар бўлиб етишингизга ишонаман. Қани энди илм олишга ғайрат қилаверинг.

Биз бу даргоҳда асосан ҳадис ва фиқҳдан дарс олардик. Абдуллоҳ шу даражада закий ва иштиёқли эдики, баъзан таомланиш ёдидан чиқиб қоларди. Илм олиш истаги ўта кучлилигидан устознинг ҳар бир сўзини қалбига жойларди. Бир куни ундан хотираси нега бу қадар кучлилигини ва ёдлаган нарсалари ёдидан чиқмаслигини сўрадим.

-Мен нимани қалбимга ишониб топширган бўлсам, у мени ҳеч қачон ноумид қилмаган ва унугиб қўйиш қўркувидан озод қилган, - деб жавоб берди. Унинг жавобидан лол қолдим. Қалбга ишониб топшириш нима эканини билмасдим. Кейинчалик англадим. Илмни бутун вужуд билан, роҳати дил билан олинса, қалбга мустаҳкам ўрнашар экан. Аммо Устоз бу қарашим озгина хато эканини тушунтириб қўйди. Илмни тақво билан ҳосил қилиш керак экан (Тақво Аллоҳ буюрганларини қилиб, қайтарган ишларини қилмаслик). Яъни гуноҳлар, харом ишлар, шубҳалардан тийилиб, илм, савдо қилиш ҳақиқий барака келтирас экан. Тушунчам ниҳоят бутун бўлди.

Илм қалбга мустаҳкам ўрнашиши учун, тижорат баракали бўлиши учун ҳаром ишлардан, гуноҳлардан, шубҳалардан, ғирромлиқдан тийилиб, роҳати дил билан ҳаракат қилиш керак.

Куфада ҳам катта бозор бор экан. Илмдан бўш вақтларимизда бозорга чиқа

бошладик. Мисрда йиққан пулларимизга форсдан, шомдан келадиган қарвоңлардан мол олиб сота бошладик. Бу ишимизга устоз қаршилик қилмади. Аммо күпчилик шогирдларига рухсат бермасди. Бир куни бир аёл келди. Устозда иши бор экан. У устозга хурмат билан гап бошлади.

-Ассалому алайкум имоми аъзам ҳазратлари. Ўғлимни олиб кетмоқчиман.

-Нега олиб кетмоқчисиз?

-Оилада боқувчим йўқ, у эса ишлаш ўрнига бомдоддан шомгача илм билан машғул.

-Ишлаш учун олиб кетмоқчимисиз?

-Ха, ўзим ишломайман.

-Бир ойда рўзгор учун қанча сарфлайсиз?

-50 дирҳам.

-Илтимос ўғлингизни олиб кетманг. Унинг зехни ўткир, китоб ёзадиган, илм тарқатадиган қобиляти бор. Мен сизга ойига 100 дирҳам бериб тураман. Яна бирор хизмат бўлса, тортинманг.

-Сиздан Аллоҳ рози бўлсин. Умрим охиригача сизни дуо қилиб ўтаман.

Шу воедан кейин биз билдириласдан савдо қиласидиган бўлдик. Лекин устозга билдириласдан илож йўқ эди. Охири Абдуллоҳ устозга айтишга қарор қилди. Устоз унинг гапларини табассум билан тинглади. Кейин сўз бошлади.

-Сен айтаётган гапларни бир ойдан буён кутиб юргандим. Тушунаман, мендан хайиқиб турибсан. Савдони тўхтатиб қўяди деган хавотирдасан. Кўнглинг хотиржам бўлсин. Мен сен билан илк кўришганимдаёқ, етти иқлимга донғи тараладиган тижоратчи бўлишингни сезгандим. Тўхтама, аммо илмдан қолма.

-Худо хоҳласа илмдан ортган вақтимдагина тижорат қиласман. Аммо кунимни қандай режалаштиришга хайронман.

-Кунингни мендек режалаштири. Аммо ухлашни тарк этма. Сенга бир саволим бор. Айтчи итлар бир болалаганда 12 талаб кучукча туғилади. Қўй эса бир йилда бир марта нари борса икки марта болалайди, аммо битта ё иккитадан. Лекин қўй кўпу, аммо итлар кўп эмас. Аслида итлар дунёни босиб кетиши керак эмасмиди?

-Билдиринг устоз, саволнинг жавобини билмайман.

-Итлар туни билан акиллаб, сахар вақти ухлаб қолади. Қўйлар туни билан ухлаб сахар вақти уйғоқ бўлади. Мараб эгасини уйғотади. Улар қуёшни уйғотади. Орадаги фарқ ризқ тарқатиладиган вақтда. Сен ҳам қуёшни уйғотишдан тўхтама. Энди кунингни режалашингга келсак, ҳозир баъзи қилишинг керак ишларни айтаман. Аввало бомдодни ўқиганингдан сўнг кунлик зикрларингни қил, Қуръон ўқи ва ҳадис ёдла. Кейин тижорат қил. Пешин намозини ўқиганингдан кейин менинг дарсларимни тингла. Асрдан сўнг яна тижоратинга қара, улуғларни зиёрат қил. Шом ўқигач масжиддан чиқиб уйингга бор ва

тафаккур қил. Ҳуфтондан олдин бугунги кунингни ҳисоб-китоб қил. Савобинг кўпроқми, гуноҳингми аниқла. Дангасалик қилган ўринларингни белгилаб қўй. Фиқҳни, ҳадис шархлашни, тафсирни ўрган ва иложи бўлса, китоб ёзгин. Ундан сўнг эртанги кунингни режалаб ол. Бугунги режалашга кетган вақтинг сенинг бир кунингни тежаб беради. Ҳуфтонни ўқигач, ўрганганди билимларингни бир такрор қил ва таҳоратли ҳолда ухлагин. **Беш вақт намозини ўринлатиб қўймаган одамнинг бошқа ишларни қойил қилишига ишонмайман.** Намозга эҳтиёт бўл.

-Аллоҳ сиздан рози бўлсин устоз. Айтган тавсияларингизга албатта амал қиласман.

Ана шу кундан эътиборан янада шижаот билан илм ола бошладик. Ибодатнинг завқини теранроқ ҳис қила бошладик. Тижоратимиз ҳам гуллай бошлади.

Кунлик режаларни намозлар орасига қўйиб олганимиз учун адашмасдик ва чалғимасдик. Абдуллоҳ бир вақтнинг ўзида фақат бир ишни қиласди. Ўша ишни битирмагунча бошқа ишга ўтмасди. **“Чала қилинган иш бошланмаган ишдир”,** деган гапни кўп такрорларди.

Мана орадан беш йил ўтди. Шу вақт ичида Абдуллоҳ 10 та китоб ёзди. У ҳадис ўрганиш мақсадида дунёning тўртдан бир қисмини кезиб чиқди. (Дарвоҷе, мен ҳам у билан бирга юрт кездим) Тижоратини кенгайтириди. Янги ҳовли сотиб олди. Ҳовли жуда катта бўлиб, минг кишини бемалол сифдирарди. Мана салкам бир йилдан буён усталар девор айлантириб, уй қурмокда. Абдуллоҳ ният қилган орзусига эришаяпти. Умуман устознинг кўрсатмалари асосида режали ишлаганимиз босиб ўтадиган қийинчилкларимизни енгиллаштириди. Устозсиз бир ҳафталик йўлни, етти йилда босиб ўтасан, деган гап рост экан. Бу орада устоз Абдуллоҳни чақириб уйланиш таклифини берди.

Абдуллоҳнинг тўйи соддагина бўлди. Оиласи ҳақида батафсил айтолмайман. Чунки у алоҳида масала. Хуллас уйлангач ҳам илмни тўхтатмади, ишларини қолдирмади. Унинг Ироқда ҳам Марвда ҳам камида минг кишини сифдирадиган ҳовлиси бор эди. Тижорат билан Хуросондан араб диёрларига, Шомга қатнаганида ўз уйида турарди. Ундан ташқари илм истаб ва тижорат билан юриши сабабли ўндан ортиқ мамлакатда уйлари бор эди. У уйлар бўш эмас, муҳтоҷ ёш оиласаларга берилган ва қачон борса ўша ерда туриш учун рухсат олинган эди (одам ўз уйини бировга бериб, яна ҳар замон келганида яшаб туриш учун рухсат сўраганини энди кўришим эди).

Устоздан абадий ибрат

Бир куни устознинг илм мажлисида ўтиргандик. Устоз бизга фиқҳдан дарс берётганди. Имоми Аъзам ҳазратларининг ўrnак бўларли одатлари кўп эди, аммо бир одати бор эдики, бизни доим лол қиласди. Устоз ўзи савол бериб, ҳар биримиздан жавоб эшитар ва охирида ўз жавобини берарди. Ўша куни ҳам бир савол берди.

-Айтингларчи, қайнаб турган шўрвага қуш тушиб кетди. Энди шўрванинг масалси нима бўлади? Биз бирин – кетин жавоб бера бошладик.

-Шўрва ҳалол бўлади.

-Қайнаган сувда ҳамма нарса пишиб кетади ва ҳалолдир.

-Эгаси билмагани учун ҳалол бўлади. Навбат Абдуллоҳга келди.

-Устоз қушни олиб ташлаб шўрвани ичса бўлади. Чунки қуш ҳалоллаб сўйилмаган. Устоз куиб турдида, ўзлари жавоб берди.

-Шўрвага тушган қуш тозаланмаган ва ҳалоллаб сўйилмаганидан нажосатдир. Нажосат тушган шўрвани ичиб бўлмайди, ҳаромдир. Шўрванинг ҳаммаси тўкиб ташланади. Биз умримизнинг охиригача устознинг олдидан кетолмаслигимизни, илмлар денгизидан баҳраманд бўлиб туришимиз лозимлигини яна бир бор англадик. Бир вақт бир киши шошиб дарсга кириб келди. Устоздан узр сўраб, келагни сабабини билдириди.

-Устоз шомдан йўлга чиқкан карвонингизни қароқчилар талабди. Афсусдаман. Устознинг ҳолати умуман ўзгармади. Бир мартагина “Алҳамдуилилах”, деб қўйди. Кейин яна дарс ўта бошлади. Орадан икки пора Қуръон ўқийдиган вақт ўтгач, ўша киши тағин ҳаллослаб келиб қолди.

-Минг бор узр, устоз, сизни ташвишга қўйдим. Қароқчилар урган карвон сизники эмас экан. Сизники соғ-омон келаётган экан, - деди. Бу гапни эшитган устознинг ҳолати яна ўзгармади. Тағин бир мартагина “Алҳамдуилилах”, деб қўйди. Жавобдан ажабланган хабарчи савол сўаради.

-Устоз карвонингизни қароқчи урди, деганимда ҳам “Алҳамдуилилах”, дегандингиз, карвон соғ-саломат экан деганимда ҳам “Алҳамдуилилах”, дедингиз. Бунинг ҳикмати нима? Устоз табассум қилиб жавоб қилди.

- Сен менга карвоним талон-тарож қилинибди, деганингда қалбимга қулоқ солдим. Агар у дунёга боғланиб қолганида ҳам чекиши керак эди. Аммо ўзгариш сезмадим. Шунинг учун “Алҳамдуилилах”, деб қўйдим. Сал туриб карвоним саломат эканини хабар қилганингда яна қалбимга қулоқ солдим. Дунёга боғланган қалб тезда хурсанд бўлиб кетади. Аммо қалбимда ўзгариш сезмадим ва бу сафар ҳам “Алҳамдуилилах”, дедим.

Устознинг жавоблари ва гўзал ахлоқи қиёматгача келадиган умматлар учун ҳақиқий ибрат бўлди. Дарс олиб бир хурсанд бўлган бўлсак, шундай кенг кўнгилли устоз билан сұхбатлашиб турганимиздан бир қувонамиз. Абдуллоҳ билан савдо иши юзасидан кўп мамлакатларга боришга тўғри келади. Устоздан йироқда илм мажлисларини чўлда қолган инсон сув истаганидан ортикроқ хоҳлардик.

Омад омадсизлар қилишни истамаган ишларни қилишингдадир

Биз одатдагидек устознинг олдида масала тинглаб ўтирибмиз. Биз у зотдан файз олардик. Барка олардик. Шунинг учун тез – тез олдиларига бориб, дарс олишни канда қилмасдик. Яна шуни ҳам билардикки, ҳар сафар бу даргоҳдан янги бир нарса ўрганиб кетамиз. Бу сафар устоз дарсдан сўнг, бизни Хурмозорга бошлади. Ўз хурмозори ва бошқа боғларни кўрсатди. У ерда ҳатто устознинг боғидан ҳам чиройлироқлари, серҳосиллари бор эди. Умуман яхши ишлов берилмаган боғлари ва шохлари тарвақайлаб ётганлари айниқса кўп эди. Устоз ҳар доимгидек аввал бизга савол берди.

-Шу боғларни кўриб, қандай хулосага келдиларинг? Нега ҳамманинг боғи ҳар хил?

Биринчи мен жавоб бердим.

-Устоз, менимча боғ парваришилашга уқувсизлик туфайли бу ерда мева бермаётган хурмолар кўп бўлса керак.

Мендан сўнг Абдуллоҳ жавоб берди.

Устоз, менимча бу ерда меҳнатга эътибор бериш керак. Мана бу гуллаб-яшнаб турган боғларнинг эгалари муносиб меҳнат қилган, ёвойи боғга айланганларида меҳнат яхши бўлмаган.

Бизнинг жавобларимизни тинглагач, устоз ўз саволига жавоб бера бошлади.

-Иккалангизнинг жавобларингиз ҳам тўғри. Аммо мен сал бошқачароқ жавоб бераман. Бу ерда омадсизлик ва омаднинг чегараси бор. Мана бу боғга қаранглар курий деб колган. Эгасини танийман. Биз у билан бу ерга хурмоларни бирга экканмиз. Боғимнинг ёнидаги меникиданда серҳосил ва чиройли ишлов берилган боғ эгаси ҳам биз билан бирга эккан. Боғлар орасидаги фарқ шу қадар аниқки, хурмони парваришилаш нима эканини билмаган одам ҳам сезади. Биз бу ерни ўзлаштиришни бошлаганимизда жуда унумсиз ва ўғитталаб эди. Аммо тавакkal қилдик. Меҳнатни бирга бошладик. Биринчи йили эккан хурмоларимиз қўкармади. Иккинчи йили ерни ўғитладик. Қайтадан экдик. Яна биз кутган натижа бўлмади. Учинчи йили қўкарди. Кейин сув бериб, ўғитладик. Парвариш қилдик. Мен савдо иши билан ва илим билан кўп банд бўлдим, аммо боғга қарашни унутмадим. Икки тарафдаги боғ эгалари ҳам меҳнат қилди. Аммо гуллаб турган боғ эгаси биздан кўпроқ ишлади. У совуқни совуқ, иссқни иссиқ демасди. Боғга биздан олдинроқ келиб, кейинроқ кетарди. Аксига олиб, унинг ери унумсизроқ экан. Қайта-қайта меҳнат қилишга, қуриб қолган кўчатлар ўрнига янгисини экишига тўғри келди. Унинг бошқа тириклиги йўқ эди. Ҳосилдорликни оширишга мин мартараб уринишлари самара берди ва бойиб кетди. Иккинчи тарафдаги қўшним ҳам меҳнат қилди. Аммо биздан кейинроқ келиб, олдинроқ кетарди. Қуриб қолган кўчатлар ўрнига янгисини экмасди. Совуқ пайтлар уйидан чиқмас, иссиқ пайтлар фақат жуда кам меҳнат қиларди. Оқибат у ҳамон фойда кўргани йўқ. Умидини узиб ҳам қўйган. Бозорга борсаларинг ҳозир ўша одам мардикорлик қилиб юрибди. Менинг боғимга келсак, ўзим меҳнат қилмаганим учун ишчилар кўнгилдагидек меҳнат қилмади. Ҳосилдорлик қўшниникидан уч баробар кам. Айтганларимни тушундингизми?

-Тушундик, - деб тасдиқладик.

-Йўқ сизлар тўлиқ тушунмадингиз. Англамаганингиз кўзингиздан маълум, - дея устоз гапида давом этди. – Бу ерда муваффақият ва муваффақиятсизлик орасида аниқ фарқни кўрмаяпсизарми? Камғал одамнинг такрор-такрор уринишлари самараси ва омадсизнинг қилишни истамаган ишларини қилгани учун бойиб кетгани зўр ибратку. Ўртахол одамнинг дангасалиги ва ўзига ёқмаган, лекин фойда келтириши муқаррар ишларни қилмасдан мардикорга айлагани асл фожиадан бўлак нарса эмас. Бугунги дарсимни ҳеч қачон унутманглар. **Омад – омадсизлар қилишни истамаган ишни қилишингда.**

Биз устознинг гапларидан шу қадар қаттиқ таъсирландикки, то боғдан чиқиб, масжидга келгунча бир оғиз гапирмадик. Мен Абдуллоҳнинг ёзган асарларини қўчиришга

дангасалик қилғанларимни, савдо ишидаги баъзи келишувларни арзимас баҳоналар билан ортга сурганимни, оқибат ўша ишлар ўхшамаганини эсладим. Яна ёғингарчилик пайтлари муҳим сафарларни бекор қилғанларимни, оқибат фойдадан қуруқ қолғанларимизни афсус билан ҳаёлдан ўтказдим. Абдуллоҳга қарасам шиҷоати янада ортган, кўзлари ёниб турарди. Яна ҳам қаттиқроқ меҳнат қилишга бел боғлаганини ва натижада даромадларимиз мислсиз ортиб кетишини ҳис қилдим. **Ва ўзимга ўзим вада бердим: энди қулай фурсатн кутмайман. Омадсизлар қилишни истамаган ишларни қиласман.**

Ҳисобчининг ишга олиниши

Мана бир неча йилдан буён тижоратимиз гуллаб-яшнаяпти. Абдуллоҳнинг карвони дунёнинг тўр тарафига қатнаб тижорат қиласди. Асосан газлама ва мўйна сотилади. Тижорат бошланиб то шу кунгача энг моҳир ишчилар йифилди. Савдо ва бошқа ишларга жами 300 киши ёлланди. Уларнинг орасида ҳисобчилар алоҳида танлаб олинди. Чунки агар ҳисобчи қинғир бўлса, ишлар олдинга юрмайди. Шу ишни бошқаришга Абдуллоҳ роса икки йил деганда бир одам топди. **Унинг бир шиори бор: “Ишга секин, синаб оламиз, бўшатсак, норози қилмаймиз ва муддат берамиз”.**

Марвда (Хоразм) тижорат қилиб турганимизда Абдуллоҳ тез-тез бозорларни айланар, ишлаб чиқариш, хунармандчилик ишлари билан танишар ва янгилик изларди. У ишлаб чиқарувчилар билан савдо фақат у орқали бўлишини келишиб оларди. У бу ишни нархлар кўтарилиб кетмаслиги ва чайқовчилар оддий халқни қийнаб қўймаслиги учун қиласми.

Бир куни у менга бир жойга ўтиб келишимизни айтди. Кўчираётган китобимни тўхтатиб, унга эргашдим. Биз хунармандлар бозоридаги бир дўконга кирдик. У ерда 20 ёшлар атрофидаги бир йигит алоҳида дафтарларга бир нималарни ёзиб ўтиради. Бизга қайрилиб қарамади ҳам. Абдуллоҳ салом бергач, бизга эътибор қилди. Ҳижолат бўлиб, ишларини тўхтатди-да, муздек сув олиб келди. Абдуллоҳга “устоз”, деб мурожаат қиласди. Мен таажжубланиб турганимда Абдуллоҳ гап бошлади.

-Бу йигитни мен икки йилдан буён кузатаман. Ўз ишини билиб қиласди. Мана шу дўкон хўжайнининг ҳисобчиси. Мен дўкон эгаси билан гаплашдим. Энди у биз билан ишлайди. Мана икки ойдан бери ўзига шогирд тайёрлайяпти. Шогирди дўкондаги ишларни эплайдиган бўлиб қолди. Яқинда биз билан Ироқقا қайтади. Кейин менга бир имлаб қўйди-да, ўзи ташқарига чиқиб кетди. Бу ишонмасанг, ўзинг бир ишини кўргин дегани эди. Ундан иши билан таништиришини илтимос қиласди. У менга бир неча дафтар олиб келиб қўрсатди. Мен шу вақтгача бу қадар аниқ ҳисоб-китобли ишни кўрмагандим. Дафтarlари алоҳида ишлар учун тутилган экан. Биттаси фақат кириб келаётган пуллар учун, яна бири харажатлар, яна бири қарзлар, тағин биттаси шартномалар, биттаси режаланган харажатлар, биттаси соғ фойда, биттаси бажарилган ишлар учун экан. Яна бир неча дафтарлари бор эдики, уларда нархлар ёзилган бўлиб, ҳар катакчасида ўзгарувчанлари, янги ва эски нархлари ёзилган эди. Азбаройи қойил қолганимдан уни кечки овқатга таклиф қилиб келдим. Шомдан сўнг у Абдуллоҳнинг уйига келди. У билан узоқ сухбатлашдик. Абдуллоҳ унга саволлар берди, у одоб билан жавоб қайтариб турди.

-Уйинг тинчми?

-Аллоҳга шукр, тинчмиз.

-Синглингнинг тўйини қачон қилмоқчисан?

-Озгина пул йигсам, келаси йили кўкламга тўй қиласан.

-Сенга қанча пул керак?

-2 динор.

-Сенга шу пулни ортиғи билан бераман. Синглингнинг тўйини эртагаёқ ўтказгин. Яхши ишларни кейинга суриш мўминнинг иши эмас. Тўй ўтгач, биз билан Ироққа кетасан.

-Рахмат, сиздан Аллоҳ рози бўлсин.

-Хўжайнингга шогирдинг маъқул келдими?

-Ха, ишлар унчалик кўп эмаску. Ундан кейин янги ходим мендан анча ёш, тезда ўрганиб олди. Эплаб кетади.

-Жуда соз. Сенга ҳозир Абдусалом пул беради. Тўйга ҳозирлик кўр. Тўй ўтгач, сиёҳ, қалам, дафтарлардан керагича олиб ол. Бу ерларда анча арzon бўлади.

-Хўп бўлади. Кечки таомдан сўнг у ҳовлига чиқди. Дарвоҷе унинг исми Содик экан. Мен 2 динор олиб чиқаётган эдим Абдуллоҳ тўхтатди ва 5 динор беришимни айтди. “Ахир бу жуда кўпку”, деганимда “**У ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб пул сўради, мен ўз эҳтиёжимдан келиб чиқиб пул беряпман**”, деди.

Орадан уч кун ўтиб биз янги ҳисобчи билан Ироққа қараб йўлга чиқдик. Лекин мен учун ҳамон Абдуллоҳ уни қандай топгани жумбок эди. Охири ундан бу ҳақда сўрадим.

-Мен уни икки йилдан бери кузатаман. Аслида уни ўша дўкончига мен ишга жойлагандим. Унинг ҳаракатлари маъқул келгани учун.

Бир қуни бир дўконга кирдим. У ерда бир неча киши овора бўлиб ўтирган экан. Сабабини сўрасам, ҳисоб-китоблар аралashiб кетаётганини айтишди. Дўкончи билан танишлигим учун ишни кузатиб турдим. Бир пайт шу йигитча келди. У дўкон эгасини сўради. Айтишича, у турли тижоратчиларга ёлланиб, ҳисоб-китобларини қилиб бераркан. Ушбу дўкончига ҳам ҳисобчи кераклигини айтибди бир таниши. Дўкончи дўстим уни ичкарига чақирди. Йигитча пухта экани сезилиб турарди.

-Ассалому алайкум, - деди у одоб билан. Алик олингач гапида давом этди. – Сизга ҳисобчи керак экан. Бир танишим тавсия қилганди. Ишингиз билан таништирсангиз.

-Албатта, қани омборга ўтайлик, - деди тожир дўстим. Улар омборхонада то пешингча ишлар билан танишди. Нихоят пешинни ўқиб бўлганимиздан кейин уни ишга қабул қилишини билдириди.

-Бу йигит менга ишларимни бир ҳафтада тартибга келтириб беришга вада берди, - деди дўстим. Мен қизиқиб қолдим. Чунки унинг тижорати меникидек катта эди. Шунчалик катта тижорат ишини бир ҳафтада тартибга туширадиган одам менга жуда керак эди.

Шу-шу бир ҳафта унинг ишини кузатдим. Муддат яқинлашганда у 7 дона дафтар

билин дўстимнинг олдида турарди. У ҳар бир ишни ўта аниқлик билан алоҳида қилиб ёзиб чиққандики, дўстим қойил қолганидан икки баравар тўлашини айтиб юборди. Асли шу йигитни тавсия қилган мен эдим. Менлигимни айтмаслигини тайинлагандим. Хуллас унинг моҳирлигига ишондим. Аммо яна синаш керак эди. Уни икки йил обдон ўргандим. У шу икки йил ичида дўстимнинг тижоратдаги фойдасини йигирма баробар ошириб берди. Унинг ҳалоллигига қойил қолганман. Мени энг лол қолдирган жойини сенга айтаман. Айнан шу сабабли уни ишга оляпман.

Хуллас бир ҳафта бурун бу ерга келганимизда, ўша тижоратчи дўстим келганди. У билан узоқ сухбатлашдик. Содик ҳақида антиқа бир воқеа айтиб берди. У Содикқа маош берибди. У эса бир қисмини унга қайтарибди. Ажабланиб турганини кўрган дўстимга:

-Ажабланманг, - дея гапида давом этибди. – Мен маошни тўлиқ ололмайман, чунки бу ой бошқа тожирларнинг ҳам ишини сизнинг корхонангизда ўтириб бажардим. Тўғри сизнинг ишингиз ҳам ҳар доимгидек битди, аммо уларнинг ишларини сизнинг ишхонангизда ва иш вақтига ажратилган соатларда бажардим. Илтимос мендан рози бўлинг.

Дўстим роса хайрон бўлиб қолибди. Нима қиларини билмасдан менга айтди. Аммо Содикни қаттиқ ҳурмат қила бошлабди. Агар иложи бўлса, у билан бир умр ишламоқчилигини айтди. Мен унга ҳақиқатни айтдим. У бироз ўйланиб қолди, аммо рози бўлди. Сен нега ҳисобчини унинг олдига жўнатганимини биласанми?

-Йўқ, - дедим қисқа қилиб.

Чунки дўстимнинг талабчанлиги ортида унча – бунча одам ишлолмасди. Агар шу йигит ишлаб кетолса, мен билан бемалол катта – катта ишларни қила олишига ишондим. Дўстим ишчиларини мавсум пайти тонг отгандан кун ботгунча ишлатади. Аммо ҳаққини ортиғи билан беради. Бу атрофда унингдек кўп ҳақ тўлайдиган одам йўқ. Аммо унингдек кўп ишлатадиган одам ҳам йўқ. Унинг босимиға чидаған ҳар қандай ишчи, дунёнинг исталган бурчагида ўзига иш топиб кета олади. Агар унга рақобат қилиб ишлашни эплсанг, дунёнинг ҳар қандай бурчагидаги улкан тожирлар билан осонгина рақобатлаша оласан. Сенга бир воқеани айтиб берай.

Икки йил олдин у бошқа мамлакатдан яхши сопол идишлар олиб келарди. Бир куни ўзи ишлаб чиқара бошлади. Кейин шу атрофдаги бозорларда сопол буюмлар нархи тушиб кетди. Қолган савдогарлар энди ундан ола бошлади. Нега бундай қилганини сўрадим. Жавоби жуда ажойиб бўлди.

-Мен сопол буюм оладиган савдогардан бир сафар факат мен учун катта миқдорда сопол буюмлар ясад бера оладими, йўқми сўрадим. У мижозлари кўплигини, ҳатто улгурмай қолаётганини айтди. Ўн кунга боргандим Шомга. Аммо шу билан уч ой қолиб кетдим. Обдон сополга ишлов бериш сирларини ўргандим. Унинг сирларини ўрганиш учун ҳатто сармоямдан ҳам пул тиқдим. Ниҳоят ўрганиб олгач, Марвга қайтиб келиб ясай бошладим. Мана кўриб турибсан одамлар хурсанд. Чунки улар яrim баҳосида сотиб оляпти маҳсулотларни.

Мана Абдусалом шунинг учун ҳам Содикни унинг олидга жўнатгандим. Биринчидан

у савдо сирини ўрганади, иккинчидан обдон пишади. Ўйлаганимдек бўлди. Қани шомни ўқиб олайликчи. Намоздан сўнг Абдуллоҳ бизга ҳадис ривоят қилди. Фикҳдан масалалар айтди. Хуфтонни ўқиб бўлганимиздан сўнг чодирга дам олиш учун кирдик. Менинг уйқум қочди. Бир вақтлар Абдуллоҳнинг газлама ва мўйна ишлаб чиқарувчиларни қандай топгани ёдимга тушди...

Ўзига ишонган инсон сўрашни ҳам билади

Бир неча йил олдин Абдуллоҳ газлама ва мўйна сотишни ният қилди. Устоз Абу Ҳанифа ҳазратларидан рухсат бўлгач йўлга тушдик. У билан кўп бозорларни айландик. Ниҳоят биз хоҳлаган маҳсулотларни топдик. Аммо улар жуда қиммат эди. Пулимиз ҳам унчалик кўпмасди. Биз катта миқдорда қарз олиб, ишлаб чиқарувчининг ўзидан олмоқчи ва халқ қийналмаслиги учун нархни пасайтироқчи бўлдик. Шу пайт Абдуллоҳ мени яна лол қолдирди. У биринчи кичик бир хонтахтacha устига матоларни ёйиб савдо қилётган одамнинг олдига борди. Унда нари борса икки тўп мато бор эди. Абдуллоҳ ундан:

-Менга шу матодан 20 тўп керак эди, деб сўради. Унда унча мато йўқ эди. Бошқа дўконни кўрсатди. У айтган дўконга бордик. У ерда 15 тўпча мато бор экан. Абдуллоҳ улардан 30 тўп сўради. Унда йўқ экан, бошқа дўконни кўрсатди. Кейинги дўконда ҳар хил матодан 10 тўп, 15 тўпдан бор экан. У бу сафар бир газламани ушладида айни шундан 60 тўп кераклигини айтди. Улар ҳам топиб беролмади. Бошқа дўконга бордик. Улардан 100 тўп сўради (Абдуллоҳ агар биз сўраган молни ишлаб чиқарувчига етказмасдан “бор” деб қоладиган савдогар чиқса иккиланмай сотиб олишимизни режалаган эди). Шунда дўкончи қизиқ гап айтди.

-Сизлар бизга мол тарқатадиган савдогарнинг олдига боришиларингиз керак. У асрдан кейин келади. Ўша одам сизларга истаганингизча газлама топиб беради. Биз унга раҳмат айтиб, мажсидга жўнадик. Асрни ўқиб бўлгач, яна бозорга келдик. Излаган одамимизни топдик. Унинг дўкони ҳақиқатда катта экан. Бизга ҳатто 300 тўп ҳам топиб бероларди. Шунда Абдуллоҳ қўрқмасдан тожир билан гаплаша бошлади.

-Ассалому алайкум! Сиз ҳқингизда бозордагилардан сўраб билдик. Шу бозорда энг катта садогарлардан экансиз. Бизга газлама керак, аммо бозорда биз сотиб оладиган миқдорда газлама йўқ экан.

-Ваалайкум ассалом! Сизларга қанча керак?, - деди у хушламайгина.

-Икки минг тўп, деди Абдуллоҳ дадил. Шунда тожир ўрнидан туриб кетди. Кейин жиддий туриб саволлар берди. Абдуллоҳ эса хотиржам жавоб бериб турди.

-Качонга керак?

-Шу бугунга.

-Бугун бунча молни сизга етказиб беролмайман. Аралаш қилиб бер десангиз, ҳар хилидан бериш имумкин.

-Менга мана бу оқ матодан керак. Бошқасини кейинги сафар оларман, агар талаб бўлса.

-Унда сизга фақат ишлаб чиқарувчигина айтган молингизни, хоҳлаган миқдорда сота олади. Шомгача улгурсангиз келишиб оласиз. Мана манзил: катта карвонсарой, учинчи бурилиш. Мўлжал: Катта оқ масжид. Абдусомад тожир.

Биз тезда берилган манзил томон ошиқдик. Ҳамон кўнглимда хавотир бор. Ахир у айтаётган миқдордаги молни яқин йиллар ичида ололмаймиз. Нега Абдуллоҳ ўзига ишонч билан жуда катта миқдордаги газламани сўраяпти? Саволларимни очиқчасига унга беролмасдим. Одатда у ишлар битгач, менга сабабларини тушунтиради. Лекин менга хозирги ҳолатди бир нарса жуда қизиқ: нарх борган сари пастлаб кетяпти. Биринчи савдогарнинг айтган баҳосидан деярли икки баравар тушди. Шом вақтига улгурдик. Аммо тожирнинг олдига эмас, шом намозини ўқиш учун тўғри масжид томон йўл олдик. Намоздан сўнг манзилга бордик. Катта дарвозага оддийгина илгак қулф сифатида осиб қўйилган экан. Тақиллатдик. Дарвозанинг четида бир мушт сиқадиган жой бор экан. Бир одам ўша жойдан “Нима хизмат”, деди. Муддаомизни айтдик. У эртага эрталаб бомдоддан кейин келишимизни айтди ва ортига қайтиб кетди. Абдуллоҳ “Кутамиз”, дегандек ўёқдан буёққа бориб кела бошлади. Мен чидолмасдан унга савол бердим.

-Абдуллоҳ қоровул эртага келинглар дедику, нега яна кутяпми?

-Хўжайнини агар жамоат билан намоз ўқийдиган бўлса, хуфтон вақти албатта ташқарига чиқади, -дея гапида давом этди. – Биз ўша вақтда у билан гаплашиб оламиз. Маҳоратли тижоратчи харидорни рад этмайди. Устознинг гапи ёдингдами? “**Мижоз биринчи ўринда туради. Харидор, халқ биринчи ўринда. Агар улар бўлмаса, биз маҳсулотимизни қаерда сотамиз. Уларнинг хурматини сақлашимиз керак. Дўконимиз улар билан обод. Агар халқ бўлмаса дўкон кимга керак?**” Бу худди бепаён чўлга дарвоза қургандек гап”, - деганди. Шунинг учун кутамиз. Биз зикр қилиб савдогарни кутиб ўтиридик. Абдуллоҳ кутганидек, савдогар хуфтонга чиқди. Абдуллоҳ унга яқинлашиб:

-Ассалому алайкум, Абдусомад ака, биз Марвдан тижорат мақсадида шу ерларга келдик. Сизга ишимиз тушиб турибди. Хожатимизни чиқаришингиздан умидвормиз, - деди.

-Ваалайкум ассалом, муҳтарам меҳмонлар, дея саломга очиқ чехра билан алик олган савдогар бизга яқинлашиб, гапида давом этди. –Марв дедингизми? Ахир у юртлардан ҳалиттдан олимлар етишиб чиқа бошлади. Абу Ҳанифа хазратлари ҳам асли ўша тарафлардан деб эшитгандим. У зотнинг сухбатига муштоқман. Хуфтонни ўқиб олайлик меҳмоним бўласизлар, хожатларингизни қўлимдан келса албатта чиқараман. Биз масжидга бирга бордик. Намоздан сўнг у уйига бошлади. Қуюқ зиёфатдан сўнг, муддаомизни айтдик. У мол сотишга рози бўлди. Мени энг лол қолдирган жойи Абдуллоҳнинг гапи бўлди.

-Бизга 200 тўп мато керак, - деди у. Ахир шунча мато бозорда ҳам бор эдику. Ётиш олди ундан изоҳ сўрадим. У табассум билан бирма-бир тушунтириб берди.

-Сенинг гапинг тўғри бозорда ҳам бор эди. Аммо у ерда қиммат эди. Мана бу ерда арzon бўлади Худо хоҳласа. Ҳали савдогар нархини айтмаган бўлса-да, арzon бўлишини сезиб турибман. Биз келажакда шу одамдан сотиб олиб сотсақ, халқ қийналмайди. Биз уларга арzon сотамиз. **Чайқовчилардан шундоғам одамлар азият чекяпти.** Биз савдогарникида тунадик. Бомдоддан кейин омборхонага бордик. Абдуллоҳ ўйлагандек

нарх арzon экан. 200 тўп эмас 600 тўп олдик. Агар истасак, қарзга ҳам яна шунча мол олишимиз мумкинлигини ҳам айтишиди. Юкларни олиб, карвон билан Марвга келдик. Шу билан савдомиз мислсиз кенгая бошлади.

Фирибгарлик инсонни хароб қилади

“Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартиргунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирас” (Раъд сураси 11 оят).

Устозимиз шу оятни доимо такрорлаб, бизларга эслатиб турарди.

-Ўғлонларим, ёдларингда бўлсин, фикрлашларинг ўзгармагунча, ҳаётларинг ўзгармайди. Ўзларингни ўзгартиргунларингча, Аллоҳ ҳам сизларни ўзгартирамайди.

Биз олдинлари инсонни ўзгалар ўзгартиради, устоз тарбиялаб қўя қолади, деган фикрлар билан яшарканмиз. Аслида инсон аввало ўзгаришга ўзи қарор қилиши ва устозга бориши керак экан. Акс ҳолда ҳеч ким инсонни ўзгартириб қўёлмас экан.

Хозир орада бир воқеани айтиб ўтишни лозим топдим. Биз ҳам бу воқега озгина алоқадормиз.

Биз тижоратни бошлаган вақтда бир катта фирибгар ҳақида эшитдик. У одамлардан қарз олар, муддати келганида бошқадан қарз олиб ёпар, иш касодга учраганини айтиб, тўловни йиллар ортга сурарди. Баъзи пулдорлар билан музораба қилас ва шерикликни бузиб, сувдан қуруқ чиқарди (Музораба шериклик қилишдир. Бунда бир томон пул иккинчи томон меҳнатини тикади. Иш касод бўлса, пул берган пулига, меҳнат қилган одам меҳнатига куяди). У бошқа шаҳарлардаги бойларнинг қизига ўйланиш учун совчи қўяр ва тўйгача бойдан пул олиб, еб кетарди. Аксар бузғунчилигини Куфада эмас бошқа шаҳарларда қиласди.

Ўша пайтларда тия айниқса, қизил тия ҳақиқий обрў эди. У мана шундан ҳам устамонлик билан фойдаланган. Қизил тия савдоси султонлик тасарруфидаги иш эди. У одамларга арzonроқ нархларда қизил тия олиб бермоқчи бўлган. Султоннинг амалдорлари билан келишиб, ишни бошлаган. Улар фирибгарлик йўлида бирлашган ва натижада тия сотиш яккаҳокимликка айланган. У одамлардан пул йиғиб олиб, аввал бошда туяларни етказиб берган, аммо оҳирида тия танқислигини, амалдорлар пора бермаса сотмаслигини айта бошлаган ва одамлардан тия нархидан зиёдроқ пул олган. Амалдорларга ҳам бир қисмини доимий етказиб турган. Султон уларнинг ишини билиб қолгач, тия сотувини эркинлаштиришга буйруқ берди ва бошқа туясотарларни ҳам мамлакатга жалб қилди. Аммо фирибгар ва Худобехабар амалдорлар дастидан тия нархи ўша кўтарилигани билан қайтиб тушмади. Одамлар ижарага тия олиб минадиган, айни тия керак бўлганида ижарачилар ҳам нархни кўпроқ сўрайдиган бўлиб қолди. Вазият шундай келди, энди амалдорлардан таниши борлар кўплаб туяларни навбатсиз сотиб оладиган ва икки баравар нархida халққа пуллайдиган бўлди...

Айтганча фирибгарнинг исми Қосим эди. Ишларимиз айни авжида бўлган паллада олдимизга келиб, шериклик таклиф қилган. Абдуллоҳ билан бироз сухбатлашганди.

-Исмим Қосим, катта савдогарман. Амалдорларнинг ярми билан танишман. Чегарадан мол олиб кириш муаммо эмас. Отам ҳам савдогар ўтган. Сизлар билан савдода шериклик қилмоқчиман. Айтишларича бозорда энг арzon баҳода сифатли газлама ва мўйна сотаётган экансизлар.

-Исмим Абдуллоҳ. Отам қул эди. Ўзим илм толибиман. Савдо қилаётганимиз рост. Аммо ҳозирча шерикка эҳтиёжимиз йўқ.

-Хато қилипсизлар. Катта савдогарлар мен билан иш бошлагач, савдолари мислсиз кенгайган. Бош қозининг ўғли, соқчи бошининг жияни, вазирнинг куёви, ғазна бошининг ўзи барчаси мен билан ҳамкор. Улар билан катта ишларни амалга оширяпмиз.

-Зарурат туғилса, сизлар билан ишлаймиз. Омон бўлинг.

Абдуллоҳ ўрнидан туриб уни кузатиб қўйди. Кейин менга у хақда гапирди.

-Абдусалом агар уни тўхтатиб қолмасак, келажакда улкан фалокатлар олиб келади. Қозидан фойда йўқ. Султонга етказишимиз керак. Чунки у яқинда тахтга келди. Халқ дардини эшитади. Аммо ўзимиз унга етолмаймиз. Етказишмайди. Бошқа тасири катта инсонлар орқали вазиятни билдирамиз. Шу орада бир ойча вақт ўтди. Бир куни қози одам жўнатиб, асоссиз равишда ишларимизни текширишни бошлади. Жарима ҳам солди. Шу тариқа сергак тордик. Қосим билан ҳамкорлик қилишга рози бўлдик. Унинг бизни чув тушириб кетишини ҳисобга олиб, Маккадаги танишлар билан бир ишни келишиб олдик. Савдо карвони йўлга тушгач, ясама қароқчилар орқали молни талатиб, Қосимни ўғирлатдик (савдо учун беш юзта түя ва икки юз динор тикканди). Макка ҳокими орқали султонга хат жўнатдик. Ниҳоят уни Марв зиндонига қамашди. Ишлари очилиб, қози, вазир, соқчи боши ва бошқалар амалидан айрилди. Айримлари қочиб кетди...

Сиз шунчалик осон бўлдими, деб ўйлаётгандирсиз. Таассуротингиз тўлиқ бўлиши учун ғазна боши аралашуви билан мамлакатда судхўрлик авж олиб кетганини ҳам айтмасам бўлмас. Мамлакатда рибо (судхўрликнинг авж олишига бозорда исломни билмаган савдогарларнинг кўпайиб кетгани ва порахўрлик авж олгани ҳам сабаб бўлди) яширин тарзда ривожлана бошлади. Динни тушунмаган одам фоизга аралашиб қолиши аниқ. Шундай қилиб ғазна боши савдогарларга фоизга қарз бера бошлади. Ўзи эмас қариндошлари орқали. Ошкора эмас яширин. Натижада барака қоча бошлади. Хуллас уларнинг ишларида Қосим катта кўмакчи бўлди. У одамларни рибога ўргатди. Рибони муомалага киритган яхудийлар ва насоролар энди ошкора иш олиб бора бошлади. Янги султон ишларни тартибга солишини бошлади, аммо энди рибони тўхтатиб бўлмасди. Чунки рибо расмий тус олган. Пулдорлар уюшиб, рибо уюшмасини тузган ва ғазна уларни қўллаб турганди (буғунги банклар, ломбардлар Муаллифдан). Шундай бўлсада, султоннинг аралашуви билан фирибгарларнинг фаолияти тўхтатилди.

Қосим ва амалдорлардан азият чеккан халқнинг пуллари секин аста эгаларига қайтарилиди. Қосим тавба қилмагани учун қатл этилди. Ростдан ҳам инсон ўзини ўзгартираса, одамларнинг қўлидан ҳеч нарса келмас экан. Суд жараёнидан қизиқ бир воқеани айтиб ўтсам.

Амалдорлар ва Қосим суд қилингати. Давогарлар кўп. Шунда ғазнабоши ва Қосим

давогарлар билан музокарага киришмоқчи бўлди.

-Агар сизлар шикоятларингизни қайтиб олмасангиз, бизни зинданга тикишса, икки дунёда ҳам пулларингизни қайтариб ололмайсиз, - дейишди улар.

-Пулимизни султон олиб беради. Шикоятларимизни қайтариб олмаймиз, - дейишди пули куйганлар.

Хуллас ўртада анча тортишув бўлди. Энг ачинарлиси, халқнинг кўксидаги дарди, алами, эзилгани, айrim кучишилатар тизимларнинг дастидан қўрқиб қолгани бир жабрдийданинг айтганларида яққол исботини топди. У қози хузурида шундай деди.

-Майли шикоятимизни қайтиб оламиз, уларнинг қутулиб қолиши учун товон пул ҳам йигайлик. Агар шундай қилмасак, улар тез орада зиндандан чиқиб оддий халқни баттар эзади. Менинг ҳеч кимим йўқ, фарзандаларим, аёлим вафот этди. Бу гапларни айтишимдан мурод, бир сафар қўриқчилар бошлигининг устидан арз қилгандик, аввалига арзни кўриб чиқишиди, кейин бироз тинчланди, аммо бир ойга қолмай шикоят қилганлар уруғ-аймоғи билан зуғумга учради. Кўпи қатл қилинди, кўпи зинданбанд қилинди. Афсуски, ўша бегуноҳ ўлдирилганлар ичида икки ўғлим ҳам бор эди. Аёлим фарзанд доғига чидолмай оламдан ўтди. Қозининг олдида шу гапларни айтиб қолмасам, билмадим ҳақиқатни султонга қандай етказаман...

Биз айтилганларни қўзда ёш билан тингладик. Сарой уламоларидан бир садо чиқмади. Улар зулмга қаршилик қилолмаса, оддий халқ нима қилсин. Амалдорлар истаган ишини қилади. Бугун яна шуни ҳам англадикки, агар сарой уламоси, амалдорлардан қўрқиб, ҳақиқатни айтолмас экан, оддий халқ эзилиб юраверади. Одамлар ҳам Холикдан эмас маҳлуқдан қўрқадиган уламонинг ҳурматини жойига қўяверар экан, амалдорларни алқашда давом этар экан, тинч турмуш, фаровонлик орзу бўлиб қолаверади.

Янги ходим ўз ризқи билан

Устоз Имоми Аъзам хазратларининг бир гапи бор: “Ишга олган ходиминг ўз ризқи билан келади. Уйлансанг хотининг ўз ризқи билан, фарзандларинг ўз ризқи билан келганидек, янги ходимга Аллоҳ ажратган ризқ бор. Шунинг учун сенг ишлаётган инсонларнинг иш ҳаққида адолатли бўл ва даромадинг сал камайганида уларнинг маошларини камайтирганин. Шунда асл баракани кўрасан”. Мен доим устознинг ҳақ бўлиб чиққанига гувоҳ бўламан. Бу сафар ҳам ҳисобчининг қадами қутлуғ келди. Ризқи ортиғи балан келди. Ишлар тезда шундай тартибга келди, даромадимизнинг уч баравар ошаганига ишонмай қолдик ҳатто. Илгарилари ҳисоб китоб, мол туширгандан то чиққунча давом этар ва мол сотилиши бир неча кун кечикарди. Одамлар бир кун кутиб ҳам қоларди. Содик келгач, молнинг кирди-чиқдиси жуда содда бўп қолди. Одамлар энди кутмас, Абдуллоҳнинг илмга вақти кўпроқ эди. Мен ҳам ўз навбатида китобдорлигимни бамайлихотир қиляпман. Бу орада “Тарих китоби” асари битди. Абдуллоҳ бу китобни бир неча йиллик сафарлар таъсирида ёзди. Бу китоб буюклар, жойлар, миллатлар ҳақидаги мўжазгина қўлланма бўлди. Ҳа, майли мақсаддан чалғимайлик. Ўрни келганда бошқа китобда унинг асарлари ҳақида батафсил тўхталиш ниятим бор. Хуллас, Содикнинг баракасидан ишлар жадал ривожлана бошлади. Даромадлар ҳам ортиб боряпти. У бозорларга мол етказиб бериш, пулларни йифиб олиш, буюртмалар қабул қилиш, зарур

моллар рўйхатини тузиш, бозорни ўрганиш ишларини ҳам тезда ўз қўлига олди. Энди илмга вақтимиз янада кўпайди. Ўз навбатида ҳисобчининг маоши ҳам икки баробар ошди. Ундан яна бир яхши одатни ўргандим.

Бир куни хонасига бир иш билан кирсам, пулларини тақсимлаб ўтирган экан. Мен ундан:

-Карзинг борми?, - деб сўрадим.

-Йўқ, - деди у қисқагина. Кейин у билан шундай қизиқарли сухбат бўлди.

-Унда нега пулларингни алоҳида тақсимляяпсан?

-Отам ўргатган. Тақсиларимни сизга ҳозир тушунтираман. Ойлик топган даромадимнинг 10 дан бирини ота – онам учун, 10 дан бирини эҳсон қиласман, 10 дан бирини ўзимнинг келажақдаги эҳтиёжларимга ажратаман. Қолган қисмини заруратга қараб сарфлайман.

-Хаммасини тушундим, аммо ўзинга икки марта пул ажратганингни менга тушунтири.

-Биринчи ажратган бир қисм бу кедажагим учун. Эртага қандай кунлар бўлишини билмайман. Шунинг учун доимо ўзимга маош ажратиб бoramан. Ўтган йилги ўз пулимга ўнта китоб сотиб олдим. Жуда ноёб китоблар, лекин жуда қиммат экан. Бу йилги пулимга қўй сотиб олмоқчиман. Тақсимотдан ортган пулларимни ўз эҳтиёжимга ишлатаман. Агар ортиб қолса синглимга юбораман.

-Сен бу одатингни бошқа ходимларга ўргатишинг керак экан. Шунда кўпчилик ҳали маош олмай туриб, ишлатиб қўйишдан сақланган бўларди.

-Ўргатаман. Бирор кун ҳовлида барча ходимлар йиғилганда уларга айтаман.

-Яша. Ҳа, айтганча, Шомдан келган моллар савдосидан тушган пуллар ҳсиобини берсанг. Хўжайн сўраётганди (мен ишчилар олдида Абдуллоҳни хўжайн дейман, токи улар топшириқ оладиган ва ҳадди сифмайдиган бир кишилигини билсин). Китоб ёзаётганларга эҳсон қиласми.

-Хўп бўлади. Сиз хўжайнинг олдига етгуенингизча, орtingиздан ҳисоб-китобларни етказаман.

У ҳақиқатдан аниқ ишлайди. Ўзи вада бергандек, тезда дафтарни олиб келди. Абдуллоҳ даромадни кўргач, харажатларни ҳисобладида, бира тўла минг динор пулни эҳсон учун ажратди. Бу пул кичикроқ савдогарнинг ўн йиллик даромади эди. Шошиб қолдим. Лекин бир сўз деёлмадим. Чунки Абдуллоҳ бировга пул бермоқчи бўлса, фикридан қайтариб бўлмасди. Қайтаришга уринган одамга шундай муомала қиласди, унга тоабад дарс бўларди.

Ҳисобчига дарс бўлди

Бир куни Абдуллоҳ билан илмий мажлисда ўтиргандик. Одам кўп эди. Савол бергувчилар ҳам жуда кўп эди. Бир киш унга шундай савол берди.

-Устоз Аллоҳ наздида кучли мўмин кучсиз мўминдан устун экан. Шуни бизг изохлаб бероласизми? Абдуллоҳ табассум билан одатича одамларга бир қур назар солди. Кейин сўровчига қараб жавоб бера бошлади.

-Сиз ҳақсиз, кучли мўмин афзалдир. Аллоҳ буйруқларини бажариб, қайтариқларидан қайтган барча бандаларини яхши қўради. Аммо ҳар томонлама кучли мўминни афзал билади. Агар мўмин киши жисмонан, моддий томондан, ақлан кучли, илми баланд бўлса, жамият ундан наф олади. Бой, билаги бақувват, ақли тўла кишига фитначиликнинг найранглари ўтмайди, у яшаб турган жамиятда ахлоқсизлик урчимайди. Бўлмағур одатлар шаклланмайди. Агар шундай кишилар жамиятда кўпайса, аёллар хор, эркаклар қул бўлиб қолмайди. Мамлакат мустақил бўлади. Агар ўз фикрига, таъсирига эга виждонли кишилар кам бўлса, мамлакат оғиздагина мустақил бўлади. Аслида бошқа давлатга қарам, унинг йўриғига юриб турган бўлади. Ахлоқсизликлар, рибоҳўрлик (фоизга пул олди берди қилиш), қотилликлар, тухматлар, бегуноҳларнинг зинданга ташланиши авж олади. Шунинг учун ҳар бир ақлини таниган киши илмли, жанг санъатини ўзлаштирган ва албатта бой бўлиши керак. Мусулмонлар мана айни дамда шу сифатлари билан дунёга машхурдир. Бирор мамлакат уларга қарши чиқолгани йўқ. Агар молиявий мустақилликка харакат қилинмаса, жанг санъати ўрганилмаса, ҳар томонлама илм олинмаса, **ҳар бир оғзи шалоқнинг ҳар бир суюқоёқнинг сўзи ҳикмат, ҳаёти ибрат бўлиб қолади**. Ўтирганлар Абдуллоҳнинг сўзларини зўр қизикиш билан тинглаб ўтиради. У сўзини тамомлаганини жойига ўтирганидан билса бўларди. Шунда бир киши олдига яқин келиб:

-Устоз етти юз дирхам қарзим бор. Бир йилдан бери тўпланиб шунча бўпти. Қарз эгаси ёқамдан ушлаб, бермаганимга қўймаяпти. Мен учун шу пулни тўлаб тура оласизми? Қурбим етса қайтараман Худо хоҳласа, -деди ерга қараб.

-Бераман, -деди Абдуллоҳ ва ҳисобчига бир хат ёзди. Хатда “Шу хатим сенга етиб борса ва маъносига тушунсанг, уни олиб борганга етти минг дирхам бериб юбор”, дейилганди. Хатни бояги муҳтоҷ киши олиб кетди.

У етиб боргач, ундан хўжайин қанча беришини сўраган. У етти юз дирхам деган. Хатда етти минг дирхам ёзилган. Ангалшилмовчилик бўпти, дея у қайтадан хат ёзган. Хатнинг мазмuni қуидагича, “Хўжайин хатда озгина хатолик ўтиби. Пул сўраган одам сиздан етти юз дирхам сўраган экан, сиз етти минг деб ёзибсиз. Аниқлик киритиб юборсангиз, мен пулни бериб юборардим”. Абдуллоҳ индамай қуидаги мазмунда хат ёзди: “Шу хатим сенга етиб борса ва маъносига тушунсанг, уни олиб борганга ўн тўрт минг дирхам бериб юбор. Агар сен менинг ходимим бўлсанг айтганимни қил, агар мен сенинг ходиминг бўлсам, ўрнимга кел мен сенинг ишингни қилай. Мен ушбу ҳадисни эшитгач, савобидан умидворман. Ибн Аббос айтади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтадилар: “Кимки бир мусулмон биродарига тўсатдан бир хурсандчилик келтирса, Аллоҳ таоло унинг гуноҳларини кечириб юборади». Мен ҳам у биродаримга кутилмаганда бир хурсандчилик келтиришни хоҳладим”.

Ана шу воқедан кейин Абдуллоҳ бирор жойга пул чиқармоқчи бўлса, ҳеч биримиз сабабини сўрамаймиз. Ҳисобчи айниқса, анчагача унинг кўзига қаролмай юрди. Ушбу воқеа унга катта дарс бўлган эди.

Бормасдан қабул бўлган ҳаж

Биз тижорат билан турли мамлакатларда бўламиз. Уйда кам турамиз. Шунинг учун ҳам атрофдаги одамлар билан тез – тез борди – келди қилолмаймиз. Бу сафар Абдуллоҳ уйга келгач, савдо ишларини менга топшириб, ўзи ҳазга кетишга тайёргарлик кўра бошлади. У ҳажга борадиган бўлса, катта маблағ тўпларди. Кетиш олдидан бир эҳсон қилиб, сафарда ҳам садақалар берарди. Маккада ҳам муҳтожларни эсидан чиқармасди. Бир куни унинг ўғли Абдураҳмон йиглаб келиб қолди. Сабабини сўраган отасига: “Қўшнимиз қозонида гўшт қайнатаётган экан, менга бермади. Шунга изза бўлдим”, деди. Абдуллоҳ таажжубланиб қўшниникига чиқиб кетди.

Қўшнимиз бева бир аёл эди. Абдуллоҳ эшикни тақиллатди. Мен девор оша қараб тургдим. Аёл эшикни очгач, уялиб савол берди.

-Ассалому алайкум!, хуш келибсиз.

-Ваалайкум ассалом, яхшимисиз?, - дея алик олди Абдуллоҳ. Кейин қалбларни ўртайдиган сухбат бўлди. – Сизни мусулмон деб, биламан. Мехрибонлигинги фарзандларингизнинг тарбиясида сезилади. Аммо бир англашилмовчилик бўлганга ўхшайди. Ўғлим қизиқ гап айтиб чиқди. Болаларингиз билан ўйнгани кирганида гўшт қайнатаётган экансиз, аммо ўғлимни изза қилиб бермасдан уйга чиқариб юборибсиз.

-Минг бор узр. Ўғлингизни қаттиқ ранжитдим. Аммо бесабаб дилозорлик қилмайман. Эрим вафот этганидан кейин қийналиб қолдик. Биласиз илгари пулга муҳтожлик сезмаганмиз. Қўшниларга билдиrmай уйдаги нарсаларни сотдим. Қўлга илинадиган бирор нима қолмагач, уч кун оч қолдик. Мен иш қидирдим, аммо тополмадим. Яқин атрофдаги жарлик олдиdan туш пайти ўтаётсан, бир катта буқа харом ўлиб ётган экан. Қош қорайганда бориб, бир бўлак кесиб келдим. Аммо эрта тонгача пиширолмай ўйлаб ўтирдим. Болаларимнинг ноласи юрагимни эзгач, қозонга солдим. Тушгача қайнади. Абдураҳмон болларим билан ўйнаётганди. Улар тез – тез қозон олдига келиб, қват қачон пишишини сўрашарди. Охири тайёр бўлгач, ўғлингизга жавоб бериб юбордим. Чунки бизга ҳалол у гўшт. Сизнинг ўғлингизга эса харом бўлади.

-Мени кечиринг. Сизни нотўғри тушунибман. Шундоқ ёнқўшним муҳтожлигини билмаган одамни кечиринг. Мен ҳозир. У қайтиб чиқдид-да ҳажга йиққан пулларинг ҳаммасини аёлнинг олдига олиб келди. Унга:

-Сиз муҳтож бўла туриб мен ҳажга борсам, ибодатим мақбул бўлмайди, - дея пулларни унга берди. Аёл қўллари қалтираб узоқ дуо қилди.

-Садақага берган пулларингизнинг ҳар сафар икки баравар бўлиб тўлиб қолаверсин. Аллоҳим сизни дўзахига туширмасин...

Абдуллоҳ уйга келгач, кечги таомни емади. Тонг отгунча йиглаб чиқди. Йиғи аралаш “қўшнисининг ҳолидан беҳбар мен ғофилни кечир Аллоҳим”, дерди. Мен ҳам ухломай чиқдим. Орадан маълум вакт ўтгач, ҳожилар қайта бошлади. Улар бир тўп бўлиб Абдуллоҳниги келди. Бирин кетин табриклаб кетди.

-Устоз ҳажингиз қабул бўлсин!

-Устоз ибодатлар қабул бўлсин!

-Ҳазрат, нега биз билан бирга келмадингиз? Қанай қилиб биздан олдин келишга улгурдингиз?

Шу каби саволлар, англашилмовчиликлар ўла бошлади. Табиийки биз таажжубда эдик. Абдуллоҳ уларга ҳажга бормаганини тақрор – тақрор айтди. Шунда бир кексарқ қўшнимиз сўз қотди.

-Эй, Абу Абдураҳмон, сиз билан биз бир сафда ҳаж қилдик. Сизнинг ростгўйлардан экнингизни биламиз, аммо нега бу сафар ёлғон гапираётганингизни тушунмаяпмиз.

Охири Абдуллоҳ уларга ўша воқеани айтиб берди. Кейин қўрган тушини ҳам сўзлади.

-Кўнига ҳажга йиққан пулимни берганимдан кейин туш кўрдим. Тушимда бир нидо қилувчи “муборак бўлсин, ҳажингиз қабул бўлди”, деди. Ҳозир сизларнинг сўзларингизни охиригача эшитганимдан кейин Аллоҳнинг қудрати олдида ожизлигимни яна бир бор ҳис қилиб, марҳаматини сўзлаб беришдан ўзга чорам қолмади. Шу қўшнимнинг баракаси ва дуосидан шу ишлар бўлди. Унга Холиқ Зот икки дунё саодатини насиб этсин. Қани ичкарига киринглар, меҳмоним бўлинглар. Сизларнинг дуоларингиз биз учун ғанимат.

Ўша кунигўзал сухбат бўлди. Ҳожилар хурсанд бўлиб уйларига тарқалди. Биз бўлган ишлардан ҳамон қаттиқ таъсирда эдик. Шу кундан бошлаб савдо ишларимз баттар авж олди. Пуллар ақлни шоширадиган даражада оқиб кела бошлади.

Абдуллоҳдан ҳаридорлар хурсанд

Абдуллоҳ бозорга тез-тез бориб савдонинг бошида туради. Мен у ёзган қўлёзмаларни оқка кўчиришдан дам олиб турганимда унинг савдо ишини кузатаман. Ҳуллас у гўзал савдо қиласи. Ҳаридорлар дўконга кирганида бутун эътибори уларда бўлади. Агар ҳаридор ҳамма молларни кўриб, индамай чиқиб кетса ҳам кайфияти ўзгармайди. Баъзи савдогарлар “шунча оввора қилдинг, олмасанг нима қиласдинг мени умидвор қилиб”, “Кийиб кўрдингми, энди оласан”, “Донага сотмаймиз”, каби нағмалар қиласи. У эса бирор мижознинг дилини оғритмасди. Чунки устоздан дарс олганди.

Бир куни устоз бизни бозорга чақирди. Ишлари кам бўлгани учун шу ерда баъзи масалаларни муҳокама қиласидиган бўлдик. Уч пора Қуръон ўқийидиган вақт оралиғида ўн битта ҳадисни шархлаб берди. Шу пайт бир аёл ҳижолатдан юzlари қизариб кириб келди. Минг истиҳола билан салом берди.

-Ассалому алайкум, ҳазрат. Минг бор узр. Икки кун олдин олган матом ёқмай қолди. Қайтариб ололмайсизми?, - деди зўрға. Биз ҳайрон эдик. Мен агар сотсан, икки кундан кейин қайтиб олмасди. Олсан ҳам пулинин тўлиқ қайтриб бермасдим ёки ўрнига бошқа мато олишини талаб қиласдим. Устоз бутқул бошқача йўл тутди.

-Ваалайкум ассалом. Қайтиб оламан. Қўлингиздаги матони сизга уч юз дирхамга сотгандим. Мана пулингиз. Ҳижолат бўлманг, деди табассум билан. Кейин бизга туринглар. Энди бозорда қиласидиган ишимиз қолмади. Мен Бир ҳадисга амал қилиб

кўрмоқчи эдим. **Ҳадиснинг тўлиқ матнини кейинроқ келтираман мазмуни сотган молини оғринмай қайтиб олган савдогарнинг саодати ҳақида эди.** Энди бозорга келмайман. Иш бошқарувчиларим ўзлари эплайди. Ёдларингдан чиқмасин харидор ҳар доим ҳақ. Бутун дикқат эътиборларинг халқни рози қилиш ва қандай қилиб уларга сифатли хизмат қилишда бўлсин. Шундагина ўндан тўққиз барака сизники бўлади (бу ҳадисда айтилган).

Шунинг учун Абдуллоҳ харидорларга жон дили билан хизмат қиласи. Мен ҳаёл суриб ўтирсам, бир кексароқ одам дўконга шошиб кириб келди.

-Ассалому алайкум бу Абу Абдураҳмоннинг дўконими?, - деб сўаради. Тасдиқлдаик. Кейин гапида давом этди. –Бир ҳафта олдин ўғлим мана бу газламани олиб кетган экан. Энди зарурати йўқ. Тўйга деб олинган экан. Агар пулинни қайтариб берсангиз, озгина қарзимиз бор эди шуни тўлардик. Ўғлим онасинг гапига юриб олган экан. Менга қолса ортиқча чиқим эди бу. Узр ўғлим, қўлингдан келса менга яхшилик қил. Бўлмаса шу молни сал арzonроққа сотиб ола қол қайтариб. Ўғлим матони қайтриб келишга уялгани учун келгандим.

-Ота хижолат бўлманг, деди Абдуллоҳ. -Ўғлингиз келганида ҳам матони олиб пулинни қайтарардим. Сизни овора қилибмиз. Маъзур тутинг. Бу мато икки юз дирхамлик. Мана сизга пули. Абдуллоҳнинг муомаласидан хурсанд бўлганидан у узок дуо қилди. Ҳа, у устознинг ҳақиқий шогирдига айланибди.

Абдуллоҳнинг китоб ёзиши

Ўзи аслида фақатгина савдо ҳақида айтмоқчи эдим. Аммо озгина Абдуллоҳнинг китоб ёзишидан ҳам айтмасам бўлмас. Юқорида айтганимдек, Абдуллоҳ ўта аниқликда ишлайди. Унинг вақти ҳатто бир ойлаб режаланган бўлади. Китоб ёзишга эса алоҳида меҳр билан эътибор беради. У китоб ёзадиган вақтларда савдо ишига кам вақт ажратади. Хисобчи кўпроқ ишлайди. У бир қуни тафсир қилишга киришди. “Тафсир китоби” устида узоқ вақт маълумот тўплади. Кейин бирдан ёза бошлади. Унинг бир кечада ёзганларини уч тўрт киши кечгача оққа кўчирадик. Қандай қилиб бу қадар баракали бўлиб кетишини тушунмасдик. Нихоят уч ойда Қуръон тафсирини тамомлади. Кейин дўстларини зиёфатга чақирди. Муҳтожларга ва илм ахлига минг динор эҳсон қилди. Дўстлари шомдан сўнг йиғилди. Гўзал сухбатлар бўлди. У масала ечмаган, ҳадис шархламаган вақтлари жуда қисқа гапиради. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

-Дўстларим, қадрдонларим, - дея гап бошлади Абдуллоҳ. – Келганингиздан севиндим. Тафсир қилиш мақсадим бор эди. Ниятимга етдим. Яна бир қанча мақсадларим бор, Аллоҳ етказсин. **Кимнинг мақсади бўлмаса, мақсади борларга хизмат қиласи.** Шу билан гапини тамомлади. Ҳамма жим бўлиб қолди. Ўша вақтда кўпчилик “мен мақсади борларга хизмат қиляпманми, ё ўз мақсадим сари қадам ташлаяпманми?”, деб ўйлаётган бўлса не ажаб!?

Мана орадан бир ҳафта вақт ўтди. Шу вақт оралиғида савдода жиддий ўзгаришлар бўлди. Шу Абдуллоҳ савдога аралаша бошалashi билан баракаси сезилади. Шу қадарки, юрмай турган ишлар чопиб кетади. Менимча қилган эҳсонлари сабаб Аллоҳим ишларига баракаларини кам қилмасдан берса керак. Ўзимча ўйлар билан ўтирсам, елкамга кимдир қўлини қўйди. Абдуллоҳ экан.

-Хаёл суриб ўтирибсанми, Абдусалом?, - еди у табассум билан.

-Келанингни сезмай қолибман, бирор хизмат бормиди?, - дедим саволига савол билан. Кейин у менга қараб ўйчан гапира бошлади.

-Абдусалом, қара ўнлаб китоблар ёзяпман, тижорат қиляпман. Тижоратим шу қадарки, карvonларим дунёning тўрт томонига бориб келади. Мени бир ҳаёл баъзан қийнаб қўяди. Китобларим ва савдо илмим келажак авлодга бус-бутун етиб борармикан? Улар аждодларининг тижорий сирларини ўрганиб улардан-да кучлироқ бўлармикан? Ё бошқалар ўзиб кетадими? **Агар дунёда бошқа диндагилар мусулмонлардан бойиб кетса, ислом дини аёвсиз зулм ва таҳқирлар остида қолиши аниқ.** Ишқилиб авлодларимизни дин уламолари адаштириб қўймасин. Икки дунё учун ҳам қаттиқ ҳаракат қилишга чақирсин.

-Нега бирдан бу ҳақда гапириб қолдинг?, - деб савол бериб юборибман гапини бўлиб. У бир тўхтаб гапида давом этди.

-Бир ҳафта олдин шаҳарга боргандим. Жума маъruzасини тингладим. Имом кўпчилик олдида қаттиқ хато қилди. У бойликни аёвсиз танқид қилди, бойларни жаннатга кирмайди, кирса ҳам энг охирида киради, деди. Бойларнинг ҳисоб – китоблари жуда қаттиқ бўлишини айтиб одамларни қўрқитди. Фақат ибодат қилиш ҳақида гапирди. У билмайдики, ҳалол тириклик қилган, ҳалол тижорат юритаётганлар ҳам ибодатда аслида. Фақат охират учун ҳаракат қилиш керак, дейилди у ерда. Абдусалом, агар шунаقا имомлар кўпайиб кетса, ислом олами камбағаллашиб қолади. Оқибатда рибоҳўрлар ўз ишини катталаштириб юборади. Бошқа диндагилар кучайиб, мусулмонни эзади. Аслида имомлар асл ҳадисни яширмасдан айтишлари керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо Саллоллоҳу алаҳи васаллам шунадай деган: **“Ҳам охират учун, ҳам дунё учун ҳаракат қилган одам хайрлидир(аслини топиб киритаман)”**. Бизнинг имомлар ҳозирдан одамларни қўрқитади. Бойлар кўпайса, тадбиркорлар бойиса ҳалқ бой бўлади. Йўллар, шаҳарлар обод бўлади. Мухтоҷлар қийналмайди. Ишсизлар иш билан таъминланади. Одамларни қўрқитмасдан бой бўлишга, молиявий мустақилликка, пулдор бўлиб, жаннатга олиб борадиган садақаларни қилишга тарғиб қилиш керак. Шунда қиёматгача мусулмонларнинг қўли баланд бўлади. **Бу - адолат бўлади дегани.** Мен жумадан кейин имомга хатосини айтдим. Узр сўради. Бошқа қайтармаса керак хатосини. Лекин калта ўйлаб, одамларни ишбилармонлик, бадавлатлиқдан қайтарадиганлар чиқяпти. Бу яхши эмасда. Қара ҳадисларга қанча сохталари қўшилиб кетди. Росулуллоҳ алайҳисаломнинг тижорий сирларига мингта ёлғон қўшиляпти. **Мен ҳам китобларим атай йўқотиб юборилишидан ва авлодларим тижорий илмлардан бебахра қолишидан қаттиқ хавотирдаман.**

-Хавотириинг ўринли, - дедим унга тикилиб. – Аммо китоб ёзишдан тўхтамаслигинг керак. Юзлаб китобларингдан биттагинаси етиб борса ҳам катта хазина бўлади келажак учун. Душманлар, кўролмаслар ҳар доим топилган. Асарларинг етиб боради Худо хоҳласа, аммо менда бошқа ўй бор. Эсингдами, шом тарафга борганимизда султон кутубхонасидаги қўлёзмалардан фойдаланишга рухсат йўқ эди. Гўёки улар асрамоқчи эмиш. Китоб ўқиб турилса, вараклаб турилса, яхши сақланади. Султон китобни асрамоқчи эмас, йўқотмоқчи аслида. Менинг хавотирим келажакда золим шоҳлар устозимиз Абу Ҳанифа хазратлари, ундан олдингилар, сен ва сен каби фидоийларнинг асарларини сақлаш баҳонасида

қўлёзмалар сақланадиган жойга тўплаб йўқотиб юбормасайди. Ҳалитдан асарларни халқдан яшириш бошланган пайт, ҳадисларга ҳужум қилиняпти. Ишқилиб келажак авлодимизга Аллоҳ инсоф берсин.

-Шуни мен ҳам ўйлагандим, - деди Абдуллоҳ жиддий. – Авлодларимизни агар инсофли шоҳлар бошқармаса, динларини унутсалар, ўзлари ва қариндошларини таъминотларини қилолмасалар, ишчи ўрин яратишга тиришмасалар, бошларига кўп кўргуликлар ёғилади. Худо асрасин уларни. Аммо ислом дини ҳамиша ғалаба қозонади. Шу умид билан китоб ёзавераман. Авлодларим барибир асарларимни излаб топади. Агар дин уламоси асарларимни яшириб, ёки ўзгаришиб юбормаса, асрлар оша китобларим одамларга эзгулик улашади...

Абдуллоҳ “йўқ” сўзини ишлатмайди

Биз тижорат қилиб кўп тажриба тўпладик. Аммо ҳамон баъзи бир камчиликлар бор эди. Аммо Абдуллоҳ ўрганишдан тўхтамасди. У абадий ўқувчи. Бир куни ундан сўрашди.

-Устоз сиз ўқиши – ўрганишни қачон тўхтатасиз?

Абдуллоҳ уларнинг саволига шундай жавоб берди.

-Хеч қачон. Чунки илм олувчи, ўрганувчига ҳатто дарёдаги балиқлар ҳам барака тилайди, уларни Аллоҳ кечиришини сўраб дуо қиласди. Шундай экан ўқувчиликни ташлаб бўладими!?

Абдуллоҳ савдо соҳасидаги барча қўлланмаларни ўрганишдан эринмайди. Ҳатто шу соҳада ёзилган бирор китоб бўлса, тuya баҳосида сотиб олади. У тижорат қилиб турганда хеч қачон йўқ демайди. Унинг ўрнига бошқа сўзларни ишлатади. Кимdir газлама сўраб келса, у истагани бизда бўлмаса, “Ўрнига мана буни кўрингчи”, “Бизда ундан бошқачароғи бор”, дейди, аммо “йўқ” демайди. Бир куни бир кекса киши бўялган яхши мато сўраб келди. Аммо бизда йўқ эди. Мўлжали юз дирхам экан. Абдуллоҳ унга эринмай бошқа матоларни кўрсатди. Чолга ёқмади.

-Бошқа дўкондан сотиб оламан унда, - деди у раҳмат айтиб. Шунда Абдуллоҳ:

-Сиз шу ерда ўтириб туринг. Мен омборни қараб келаман, - дея чиқиб кетди. Бироз вақт ўтиб харидор истаган матони олиб келди. Унга юз дирхамга сотди. У миннатдор бўлиб чиқиб кетгач, мен чидолмасдан:

-Нега унга уч юз дирхам турадиган матони юз дирхамга сотиб юбординг, кейин бу мато омборда йўқ эдику - дея ундан сўрадим. У менга бироз тикилиб турдида жавоб берди.

-Абдусалом, бу кекса киши ҳақида эшитганман. У юз дирхамни йиққунча бир йил ишлаган. Кампири ва қизларини хурсанд қилиш учун бугун мато сотиб олгани келган. Агар йўқ, деб қайтариб юборганимизда у қўлидаги пулига ундей мато сотиб ололмасди. Эҳтимол яна ишлаб пул йигар ёки тушкунликка тушиб қоларди. Шунинг учун бошқа дўкондан бу матони уч юз дирхамга сотиб олиб келдим ва унга юз дирхамга сотдим. У яқин орада газлама олиш учун бозорга тушмайди. Умри узоқ бўлсин. Фарзандлари бадавлат бўлсин.

Мен унинг жавобидан ва жўмардлигидан лол бўлиб қолдим. Агар менга валломати

келса ҳам ўша мато бизда йўқлигини айтиб қайтариб юборардим. Лекин Абдуллоҳ ундей қилмайди. Мижознинг кўнглини олади. Уни рози қиласди.

Инсонларнинг иложсизлиги фойда учун имкон эмас

Бир куни устоз бизни йўқлатибди. Шошилиб йўлга чиқдик. Уйларигача икки кунлик йўл. Абдуллоҳнинг яхши бир одати бор. Агар хазрат йўқласа, бор ишини ташлаб ўша ёқса чопади. Етиб борганимизда аср вақти эди. Намозни ўқиб олдиқда, олдилариға кирдик. Салом алиқдан сўнг кўзимизга тикилиб қаради. Кейин табассум билан гап бошлади.

-Ўғлонларим, тижоратларингиз сиз ўйлагандан ҳам, мен умид қилгандан ҳам гуллаб яшнаб кетди. Ота-онангизнинг дуоларини олиб турганингиз учун шундай бўляпти. Абдусалом охирги марта ота-онангнинг олдига қачон боргандинг? Сенчи Абдуллоҳ?

Биз жавоб беришдан олдин ўйланиб қолдик. Олти ойдан буён Марвга бормабмиз. Уялдик. Бирдан уларни эсладим...

Биз Марвдалигимизда ота-онамизнинг хизматларини жону дил билан қиласми. Абдуллоҳнинг отаси ҳам тижорат қиласди. Аммо ҳозир кўпроқ ибодат қиляпти. Онаси уй ишлари билан банд. Бир икки марта уларни ва ота-онамни ҳажга олиб бордик. Бир муддат Ироқда ҳам яшади. Лекин ота маконларини қумсайверди. Улар кексайган, аммо қадлари тик. Ҳалол тирикликлари туфайли жонлари ҳаловатда. Бир куни отам менга “**Ўғлим ҳалол яша тинч ухлайсан**”, деганди. Абдуллоҳнинг отаси ҳам шундай фикрда. Уларнинг дуоларини кўпам ололмаётганимиздан баъзан сиқиласми. Ана шундай лаҳзаларда молиявий мустақилликнинг қадри ва ўзгаларга тегадиган фойдасини ўйлаб, яна тижоратга зўр берамиз.

... – Олти ойча бўлди, - дедим жавобни куттирганимдан ҳижолат бўлиб. Узтоz ним табассум билан гапира бошлади.

-Мусо алайҳиссалом Аллоҳга эркаланиб дуо қиласкан. Бир куни шундай дуо қилиб турса, нидо келибди “Эй, Мусо, бошқа эркаланиб дуо қилмагин!”. Мусо алайҳиссалом бу гапни эшитгач, илтижо қилиб “Ё, Роббим, шу вақтгача шундай дуо қиласдим, аммо танбех эшитмагандим, сабабини менга билдир Аллоҳим”. Аллоҳ таоло жавоб берибди. “У пайтларда онанг тирик эди”. Она дуо кўрғони. Мен онамнинг дуоси билан шу даражаларга етганман. Абдуллоҳ ҳам, сен ҳам дуо кучи билан ҳимоялангансиз. Хизматларинг кам эмас, аммо фурсат бўлди дегунча, албатта уларнинг ёнига шошилинглар. Хизматини қилинглар. Омонат дунёда омон бўласизлар. Ота-онангизга пул ажратиб турасиз, бу барака омили. Савдоингиз шунинг учун гуллайверади. Ҳолидан хабар олсангиз, жаннат эшиклари очилади. Ҳа, майли асли бошқа сабаб билан чақиртиргандим. Бир ўгитим бор сизларга. Қалбингизга муҳрлаб олинг. **Ҳеч қачон бирорнинг иложсизлигидан, ё ҳалқнинг ноиложлигидан фойдаланиб дунё орттируманг!** Кейин шом ўқидик. Кечаси оптимизга қайтдик. Устознинг насиҳати ҳақида жуда узоқ ўйладик. У зот бизга ҳеч қачон ёнғоқни чақиб бермасди. Шундоқ бутун берарди. Биз чақиб олардик. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Эртасига яна савдо ишига киришиб кетдик. Ҳисобчимиз бир ойлик ҳисоботни менга берди. Даромад, харажат ва биздан қарздорлар рўйхати. Уларни Абдуллоҳга кўрсатдим. У қарздорларнинг моддий аҳволи, тўлов қобилятини сўради. Улар ҳақида батафсил маълумот

бердим. Кейин бироз савдо ҳақида гаплашдик. Шу пайт Абдуллоҳни йўқлаб бир киши келганини айтишди. Ташқарига чиқдик (Абдуллоҳ ишда бўлса, одатда уни сўраб келганларнинг олдига катталик қилмасдан ўзи чиқарди). Одмироқ кийинган одам бизга салом берди. Алиқдан сўнг гап бошлади.

-Сизлардан ўтган ой мўйна сотиб олгандим. Тўлашга пулим етмаяпти. Бир саман отим бор. Уни нархлаб сотиб олинг. Қарзимга етса, хурсанд бўламан, етмаса бошқадан қарз олиб тўлайман.

-Қарзинг қанча?, -деб сўради Абдуллоҳ унга яқинлашиб.

-Бир динор, - деб жавоб берди харидор ерга қараб. – Вақтида қайтаролмадим, аслида шу отимни олиб келиб, олинг деб мажбурлашим хато. Аммо иложим йўқ бошқа. Унинг жавобидан сўнг қуидаги гўзал савол – жавоб ва савдо бўлди.

-Оting қанча туришини биласанми?

-Бозорга олиб бормадим. Бир савдогарга пул кераклиги учун сотмоқчилигимни айтгандим етти юз дирхам беришини айтди.

-Бу от ундан қиммат туради.

-Тўғри, бир танишим уни бир динор сўраган эди.

-У бундан ҳам қиммат туради.

-Майли бир динору икки юз дирхамга олинг.

-Мен отингни уч динорга оламан.

-Нега бунча қимматга оляпсиз?

-Икки ҳафта олдин бозорда шундай отлар шу нархда сотилётганини кўргандим.

-Савдонгизга, умрингизга, илмингизга Аллоҳ барака берсин. Ўлгунимча унутмайман бу яхшилигингизни.

-Бу яхшилик эмас, оддий савдо. Миннатдорлигинг ортиқ даражада бўляпти. Ўз баҳосида бозорга сотсанг, шу нархда сенга тўлашганида ҳам уларни шундай дуо қиласмидинг?

-Хали мол сотганимда бундай дуо қилмаганман. Бараксини берсин деб кетаверардим.

-Бугун ҳам шундай дегинда, уйингга қайтавер. Сенга ҳисобчи икки динор ҳозироқ беради.

-Рахмат. Баракасини берсин Аллоҳим.

Ҳисобчи унга икки динор берди. Мен аллақачон ичкарига кириб кетган Абдуллоҳнинг олдига бордим. Қарасам, дуо қилиб ўтирган экан. Юзига фотиха тортгач, менга юзланди.

-Биласанми Абдусалом, устознинг кечаги айтган гапининг мағзини чаққандекман. Бояги қарздордан қарзи эвазига отни олиб қолишимдан устозимнинг ўгити қайтариб қолди, -деди у кўзи ёшланиб.

Қалб бойлиги

Бир куни Абдуллоҳ талабаларга дарс ўтиб турганди. Уни ҳамма жон қулоғи билан тингламоқда эди. У ўқувчиларга бойлик тўплаш ва уни тасарруф қилиш ҳақида гапиради.

-Хурматли талабалар бой мусулмоннинг зиммасида ўзгаларни бойлик сари тўғри бошлиш, садақа ва эҳсонлар қилиш, одамларни иш билан таъминлаш, жамиятга янгилик олиб кириш, илм оладиганлар ва олимларга ёрдам бериш каби мажбуриятлар бор. Шунинг учун бой бўлишга қарор қилган одам, хасисликдан воз кечиши, кўнглини кенг қилиб ишлаши керак. Бойликнинг қалбга кириб олиб, васваса қилишига йўл қўймаслиги лозим. Унинг сўзини Фузайл ибн Иёз деган шогирди бўлди.

-Устоз бойликни тасарруф қилиш ва қалбни ундан қаттиқ эҳтиёт қилиш ҳақида гапириб турибсизу, савдо карvonларингиз дунёning тўрт томонига бориб келмоқда. Ишингиз билан сўзингиз тўғри келмаяптику устоз. Абдуллоҳ унга оталарча меҳр билан боқиб шундай деди.

-Агар сизлар бўлмаганингизда мен савдони бу қадар кенгайтирган бўлардим. Кейин у ташқарига чиқиб кетди. Ҳамма жим бўлиб қолди...

Мен юқорида Абдуллоҳнинг орзу ва мақсадларини айтгандим. У орзу қилгандек катта уй солди, минглаб шогирдлар сиқадиган жой ҳозирлади. Хайр – эҳсонда ҳам пешқадам бўлди. Тижоратини устозницидан ҳам каттароқ қилиб кенгайтирди. Илм ахлига минглаб динор хайрлар қиляпти. Устозларига ҳам катта – катта эҳсонлар қилади. Кимдир китоб ёзяпти деб эшитса, ўша одамга пул жўнатади...

...У Фузайлга айтган гапини асло миннат учун айтмади. У миннатчи эмасди. Ўзи ўтаётган дарсидагидек, бойлар сифатига эгалик учун айтди. Ўз зиммасидаги ишларни бажариш учун улкан тижорий иш қилаётганини билдириб қўйди.

Ўрни келганда яна баъзи маълумотларни ҳам айтиб қўйишим керак. Унинг савдоси Хурсоңдан Макка, Мадина, Шомгача кенгайган эди. Унинг тижоратидан мақсади мол тўплаб, бойлик йиғиш эмас, балки бу мол-дунё билан ўз обрўсини сақлаш ва илмли дўстларига ҳайру-эҳсон қилиш эди.

... Бир куни бизни меҳмонга айтиб кетиши. Бордик жуда чиройли суҳбат бўлди. Абдуллоҳ бирор нафи бўлмаган учрашувларга бормас, борган жойида халққа фойдаси тегадиган бир масала ечишга уринар ё ишсизларга иш ўрни яратишни тарғиб қиласади. Бора – бора одамлар ҳам ўрганди. Бефойда суҳбатдан кўра ҳаммага нафи тегадиган амалий ишлар қилинадиган бўлди. Бу сафар бир дўстимиз китоб ёзаётган қўшниси ҳақида гапириб.

-Кўшним китоб ёзяпти. Қандай мавзудалигини сўрасам, ҳадислардаги тадбиркорлик, тириқчилик, ҳалол ризқ топиш, бой бўлиш ҳақидаги ўринларини шархлаётган экан. Рона кизиқиб қолдим. Кўпчилик имомлар бойликни ёмонлаб, “Қалбни ўлдиради, камбағаллик, фақирлик яхши, ҳисоб осон бўлади, бойлар жаннатга кеч киради”, деб нотўғри гапириб

турганларида, қўшнимнинг иши бир жасоратда. Қози танишим бўлади. Унга қўрқмай ёзавер агар сенга кимдир тазиик ўтказса, ўзига тазиик ўтказиб қўямиз дедим. Аммо ўзи бой эмас. Баъзан мардикорлик қилиб чарчайди. Китоби қўлимизга келиши кечикиб кетяпти. Мен бироз ёрдам қилдим, аммо барибир бутун оилани таъминлаш осонми.

Унинг гапларидан рости ҳайратга тушдик. Ҳамма катта қизиқиш билан тинглаб турарди. Шунда Абдуллоҳ химмат қилди. Китоб хабарини етказганга қаратадил шундай деди.

-Мен ўша одамга икки юз динор бераман. Унинг гапидан шошиб қолдим. Чунки харажатлар кўп эди. У бераётган пул китоб ёзадиган кишига ўн йиллаб яшашига ва китобинии чиқаришига ҳам етарди. Бу пулни ўртача савдогар бир йил ишлаб топарди. Аммо бир нима деёлмадим. Пул уники, истаганини қиласди. Ўтирганлар ҳам ҳайратда эди. Китоб ёзадиганга шунча эҳсон қилсая. Даврада ўтирганларнинг кўпчилиги бунча пулни ҳатто ушлаб ҳам кўрмаган. Орзу ҳам қилмаган. Шу ўйлар миямни чизиб турганида Абдуллоҳ қозини танишим деган дўстимизга яна бир гап айтди.

-Қозига тайинлаб қўйинг илтимос, қўшнингизнинг пулига кўз олайтирганни жазоласин, солиқчиларнинг қадамини унинг уйидан узсин. Унинг беш йиллик солиғини эртага ҳисобчим тўлаб қўяди. Бой ва кучли мусулмон инсон бўлишга тарғиб қиласидиган одам учун бу хизматим жуда ҳам оздир. Китоби чиққанида насиб этса, карвоним етган жойгача уларни сотаман. Мусулмонлар бой бўлишлари қерак. Шунда дунёда адолат ҳукм суради. Ишсизлик камайиб, инсонлар баҳтли яшайди. Йўқсиллар топталмайди, илм хор қилинмайди, ўқитувчи ва табиблар камситилиб, обрўлари тўкилмайди. Аёллар ишлаш учун ташқарига чиқмайди. Ислом дини ёмонотлиқ қилинмайди.

Яна бир борилмаган ҳаж

Мана ниҳоят яна ҳаж мавсуми бошланди. Абдуллоҳ ҳажга отланди. Биз барча нарсаларни тайёрлаб, йўлға ҳозирлик кўра бошладик. Бу сафар Абдуллоҳнинг ҳисобидан эллик киши ҳажга борадиган бўлди. Мен ва ҳисобчи бутун карвондаги ишларга бош бўлдик. Йўлга чиқадиган куни юз динор ҳайр қилди.

Мана зикр қилиб йўлда кетяпмиз. Чўлда тез – тез шоқолларнинг овозлари эшитилиб туради. Тунча айникса ҳаёлни бўлади. Мен ҳар доимгидек Абдуллоҳнинг кечаси ёзганларини фурсат бўлди дегунча оққа кўчираман. Дилемдаги умидим: келажакда шу асарларни ўқиганида бутун аждодларининг ҳаққига авлодлар дуо қилса. Айтганча, жамоат бўлиб намоз ўқиб турганларимизда ҳам шундай дуолар қиласиз.

Тонгда биринчи Абдуллоҳ уйғонади, аниқроғи тунда ухламайди. Олдинда йўлни билиш учун беш – олти кишини жўнатадида, уларни пойлаб ўтиради. Ўзи моҳир жангчи бўлгани учун, карвонга жанг санъатини яхши биладиганларни олади. Доимий савдо карвонларида бундай соқчилар сони юздан зиёд. Мана хабарчилар ҳам қайтиб келди. Абдуллоҳга тўлиқ ахборот бера бошлади.

-Яқин ўттиз чақиримда шубҳали бирор нарса сезмадик. Қароқчиларнинг изи йўқ. Турли йиртқичлар ҳам кам экан. Кечаси олов ёқсак, улардан ҳам хавфсрамасак бўлади.

-Яхши, раҳмат. Энди дам олинглар. Соқчи бошига вазиятни тушунтиринглар йўлга

хозирлик кўраверсин. Абдуллоҳ кўрсатма бергач, пешиндан сўнг йўлга тушдик. Икки кун тўхтамасдан юргач, карвонга дам берилди. Хуфтонни ўқиб бўлганимиздан кейин яна китоб кўчириш иши билан банд бўлдим. Абдуллоҳ тиловат қилди. Унинг овози шундай ёқимлики, қалбларни эритиб юборади. У Қуръонни ўқиб бўлгач, албатта тафсир ҳам қилишга ҳаркат қиласди. Бу сафар ҳам анча фикр қиласди. Узоқ тафаккурдан кейин менга қизиқ гап айтди.

-Абдусалом, Мусо алайҳиссалом Фиравндан қочиб, қизилденгизга борганидаги холатни эслайсан. Денгиз қоқ иккига бўлинган. Қандай бўлинганини тафсилотлари билан ўқигансан. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга асо (ҳасса) сини денгизга уришни буюради. Сенингча бир зарб билан денгиз бўлиниб кетдими? Йўқ, Роббим пайғамбарига озгина сабаб қиласа, қолган ёрдамини Ўзи бериб юборишини маълум қиляпти. Сенингча бизнинг юз минглаб топаётган динорларимизга ўзимиз барака бериб юборяпмизми? Ишларни ўзимиз юргизиб юборяпмизми? Йўқ биз озгина ҳаракат қиласди. Қолган ишни Аллоҳим битириб қўйяпти. Бугунги тирикчилик, савдо, оила тебратиш ҳақидаги тушунчалар жуда саёзда қара. Парвардигор сендан ҳаракат мендан баракат қабилида иш тутяпти. Аммо банда шу озгина ҳаракатини ҳам қилмаяпти. Майли дам олақол, қолганини эртага гаплашамиз. Мен лол бўлиб қолдим. Яна бир бор унинг илми баландлигига, Қуръон маъноларини теран англашига амин бўлдим. Рости ишларим кўплигидан ухломадим. Бомдодгача ишларимни битирдим.

Эртасига карвондан илгарилаб кетдик. Чунки у фикр қилас, ёзадиган китоби ҳақида кўпроқ ўйларди. Шунинг учун доим олдинда юрарди. Олдимиздан кичик бир қишлоқ иқди. Биз билан ҳисобчимиз ҳам бирга эди. Ҳаммамиз жим ўз ҳаёлларимиз билан эдик. Яқинмизда бир тепалик бор экан. Унинг атрофида турли чиқиндилар ташланган, бадбўйроқ экан. Бир аёл ўша ердан нимадир қидираради. Яқинлашгач, мен ундан сўрадим.

-Ассалому алайкум! Бу қайси қишлоқ? Масжид борми бу ерда? У жавоб беришдан уялди чамаси индамасдан кўлига нимадир олиб, уйига кириб кетди. Абдуллоҳ яна сезгирилик қиласди.

-Содик ичкарига киргинда, уй эгасидан бугун шу ерда тунасак майлим, деб сўрагин. Қолганини кейин кўрамиз, -деди. Ҳисобчи ичкарига кириб, уч марта салом берди. Бояги аёл чиқди. Унга муддаони билдирганида, у қимтиниб жавоб қиди.

-Хеч вақомиз йўқ. Акам бемор ётибди. Мехмон қилолмаймиз. Абуллоҳ унга савол берди.

-Уйингиз ҳашаматлигина экан. Мехмон атойи Худо. Сиздан ош сўрамаймиз жой сўраймиз. Уч кишилик жой топиладими? Аёл кўзда ёш билан гапира бошлади.

-Биз меғмондўст одаммиз. Уйга келган одамга таом бермасдан жўнатмаганмиз. Сизларни киритсан, емоқ учун ҳеч нарса беролмаслигимдан уялиб кетяпман. Биз яқингача бой эдик. Қароқчилар ҳужум қилиб, отамни ўлдиришди. Боримизни талаб кетишди. Мен ва акам бекиниб, жон сақлаб қолдик. Анчадан буён очмиз. Тиланчилик қилолмайман, юзим чидамайди. Мана шу атрофда ўлимтикли ё бирор қушми учраб қолса, деган умидда ҳар куни атрофни айланаман. Бугун бир жонсарак қуш топдим. Сизлар салом берганингизда мен уни олгандим. Уялганимдан уйга кириб кетдим. Акам хаста. Очликдан силламиз

куриган. Бугун шу қушни пишириб емоқчимиз. Худо хайрларингизни берсин, илтимос бизни қийнаманг.

Унинг юракларни ўртагувчи гапларидан бизнинг кўзларимиз ёшланди. Абдуллоҳ хисобчидан.

-Қанча пулимиз бор?-деб сўради. У:

-Минг динор, -деб жавоб берди. Абдуллоҳ унга ўта вазминлик билан буйруқ берди.

-Марвга қайтиб, уйга етиб олишимизга йигирма дирхам етади. Сен қолганини бу кизга бергин. Улар олдингидек меҳмондўстлигини давом эттирсин. Ҳамиятларини йўқотмасин. Аллоҳ қалби бой иффатли инсонларни яхши кўради. Роббим севганига биз ҳам муҳаббат билан муомала қиласиз. Энди қайтдик ортга. Биз лом-мим деёлмадик. У бой савдогарнинг бир йиллик даромадини бериб юборди. Биз эса ҳажга бормайдиган бўлдик. Адашмасам бу ҳаж ўн бешинчиси эди. Карvonнинг олдига келгач, карвонбоши ва соқчибошига қўрсатмалар берди. Улар йўлида давом этди. Биз тезда ортимизга қайтдик.

Марвга қайтганимизданоқ яна тижоратга зўр бера бошладик. Ишимиз шундай жонланиб кета бошладики, яқин йиллар ичида бу қадар кўп фойда қилганимизни эслолмайман. Чунки ҳисобчимизнинг ўзига ажратадиган пули (юкорида ҳисобчининг маошининг бир қисмини йифиши ҳақида айтгандим) олдин оладиган маоши баробар бўлди.

Абдуллоҳ мақсади йўқлар билан ишламайди

Устозимиз Абу Ҳанифа хазратларидан дарс ола бошлаганимиздан буён ҳаётимизда улкан ўзгаришлар содир бўляпти. Энди биз дунёга ҳайрон боқадиган одамлар эмасмиз. Аниқ мақсадларимиз, бутун инсониятга фойда келтирадиган орзуласиз, пухта режаларимиз бор. Нега бу ҳақда гапираётганимдан ҳайрондирсиз. Ҳозир сабабини айтаман.

Хуллас Абдуллоҳга бемақсадлар ёки тўғри орзу қилишни билмайдиганлар ёқмасди. У билан савдони бошлаганимизда ишга қабул қилиш учун яхши саволлар рўйхатини тузиб чиқсанмиз. Улар қўйидагилар.

-Тўлиқ исмингз ва насабингиз ҳақида айтинг.

-Яшаш жойингиз ва ижтимоий муҳитингиз ҳақида гапиринг?

-Куръондан неча пора ёд олгансиз?

-Шархсиз ҳадисни нечоғлик тушунасиз?

-Таваккалчимисиз?

-Мақсадларингиз ҳақида қисқача сўзлаб беринг.

-Қандай орзуласингиз бор?

-Иш борлиги ҳақида кимдан эшитдинги?

-Агар ишга олсак, савдомиз учун нима қила оласиз, қандай фойда келтира оласиз?

-Маошингиз қанча бўлишини истайсиз?

Яна бир қанча саволлар борки, айтсан гап чўзилиб кетади. Иш қидириб келганлар билан сұхбатни мен ўтказардим. Кейин улар ҳақидаги хулосааримни Абдуллоҳга айтардим. У биринчи навбатда яхши гумонли, яъни доимо яхши томонлама ўйлайдиган, ҳар қандай ишдан яхшилик умид қиласидиган ва аниқ мақсади борларга қизиқарди. Қолганларини қайтариб юборардик. Гарчи у пайтларда ислом дини ривожланиб, дунёдаги ҳар бир ишлардан яхшилик кутадиганлар кўп бўлса-да, ёмон гумонлилар ҳам учраб турарди. Шундай қилиб Абдуллоҳга мақсади аниқ эмаслар умуман ёқмасди. У тез-тез фаолиятимизнинг мақсадини ҳодимларга тушунтириб, эслатиб турар, ўз мақсадларига эга бўлмаган ёки мақсад қўйишга дангасалик қилаётгандарни уч огоҳлантиришдан сўнг ишдан бўштардиди. Ишга кунлик режа билан келиш одат эди бизда. Эсимда, ишни энди бошлаганимизда устозимиз бизга мақсадни аниқ қўйишни тайинлаганди.

-Мақсадларингиз аниқ бўлсин. Ноаниқ мақсад сари юрсангиз, натижа ҳам ноаниқ бўлади. Юраверайликчи олдимиздан бир нима чиқиб қолар, қабилидаги ишнинг натижаси ҳақиқатдан бир нима, аммо номаълум нимадир бўлади. Мақсадингиз султонларни шошириб қўйиши, инсониятга фойда келтириши керак. Аллоҳ ишларингизга ривож берсин.

Ушбу сўзлар қулоқларимиз остида ҳар куни жаранглайди. Орадан кўп вақт ўтмасдан Абдуллоҳ бир пишиқ матога сифатли бўёқ билан ўттизта мақсад ёзди. Яқин эллик йилда эскирмайди, ўчмайди ундаги ёзувлар. Мақсадлари шунчалик аниқ, кенг қамровли эдикли лол бўлиб қолдим. Энг тепасига “Аллоҳ хоҳласа шу мақсадларимга албатта эришаман”, деб ёзиди қўйибди. Ҳайратланиб турсам, табассум қилди ва елкамга қоқиб гапира бошлади.

-Аллоҳ таоло қарз олди бердисидан тортиб, қилинажак ишларни ёзиди қўйишгача таълим берган. Ишонмасанг Қуръонга бок. У ерда ақл эгалари учун яхши тавсиялар бор. Мен ҳам мақсадларимни, режаларимни ёзиди боришни ният қилдим. Бутун инсониятга фойда келтирадиган ишларни орзу қиласман. Мана шу мақсадларимга ҳар куни қараб тураман. Токи улар эсимдан чиқиб кетмасин ва қалбимга жойлансин. Қалбга ўрнашган нарсанинг таъсири аъзоларда сезилади. Ҳаракат қила бошлайсан. Қорнинг очганида овқатланишга интилганингдек, ушбу мақсадларга етиш учун ҳам тинимсиз ҳаракат қиласан. Сен ҳам мақсадларингни ёзиди қўйгин. **Миянга яхши фикрлар келса ҳам қоғозга туширгин.** Чунки улар бекорга эмас. Қани ишга кириш.

Ўша кундан бошлаб мен ҳам мақсадларимни ёздим. Режаларимни қоғозга туширдим. Орадан бир ойча вақт ўтгач, ҳар бир қадамим олий мақсадларим сари ташланаётганини, беихтиёр улар сари одимлаётганимни сеза бошладим. Ёшимиз қирқдан ўтганида ёзяпмиз шу ёзувларни. Мана ёзувнинг кучини англадик. Ана шундан кейин биз ҳодимлардан ҳам мақсадларини, орзуларини сўраб чиқдик. Қисқа вақт ичида савдомизда мислсиз ўзгаришлар бўлди. Энди юзлаб ишчиларимизнинг кўзлари ёниб турарди, аниқ режа билан ишларди. Фойдамиз эса тобора ортаверди. Пулимиз кўпайгани сари Абдуллоҳнинг хайр – эхсонлари ҳам ортиб борди.

Устознинг вафоти оламни фарёдга тўлдирди

Бир куни Абдуллоҳ бомдоддан сўнг менга тез йўлга чиқишимзни айтди. Отларни тайёрладим. Йўлда сабабини айтди.

-Бир туш кўрдим. Кўнглим безовта. Устознинг олдига тезда бормасак бўлмайди.

Мен ҳам хавотирга туша бошладим. Чунки устозга қаттиқ зулмлар қилинмоқда эди. Ирокда Хубайра ҳокимлигига қозилик таклиф қилиниб, рози бўлмагач, азобланганди. Ҳоким вафот этгач, Мансур ҳоким бўлди. У зотни аёнлар ва мусулмон бўлмаганларнинг зодогонлари фитна қилиб, азобга гирифтор қилишди. Улар устозни кўролмасди ва билардиларки, Имоми Аъзам ҳазратлари қозиликни икки дунёда ҳам қабул қилмайди. Кейин уюшиб ҳокимга устознинг кибрланиб кетганини, ҳатто ҳокимларнинг гапларини ҳам олмай кўйганини айтишган. Мансур у зотни чақириб, қозикалонликни таклиф қиласди. Аммо устоз унамайди. Улар бахслашади.

-Аллоҳга қасамки сизни қози қиласман, - дейди ҳоким.

-Аллоҳга қасамки қози бўлмайман, -деб устоз ҳам қасам ичиб юборади.

Ана ундан кейин устозни қамаб қўяди. Ҳар куни олдига чақириб, таклиф билдираверади, аммо устоз рад этаверади. Кунига ўн дарра уришни буюради. Биз бу ҳақда эшиганимизда устозни қамоқдан чиқариб олишга роса уриндик. Абдуллоҳ амалдорлар билан гаплашди. Аммо ҳокимнинг қарорини ўзгартириб бўлмади. Устоз билан учрашганимизда бизга насиҳат қилди.

-Азаматларим, ҳақни айтишдан ҳеч қачон тортинманглар. Аллоҳдан қўрққандан ҳамма қўрқади. Савдонгизни кенгайтириб, илм таратинглар. Бой бўлингларки, таъмадан кутуласизлар ва обрўларингизни доимо сақлаб юрасизлар. Душманларингдан доимо бир қадам олдинда юринглар. Мендан ҳавотир олманглар. Аллоҳ меҳрибон, яқинда бу азоблар тутайди...

Биз отларга дам бермасдан манзилга шошилдик. Борсак, тумонат одам. Дуч келган биринчи одамдан:

-Устозни қамоқдан қўйиб юборищдими?, -деб сўрадим. У бўлса қўзларида ёш ғилтиллаб:

-Устоз оламдан ўтди, - деб жавоб берди.

Кўзларимга дунё тор келди. Ҳеч нимани эшийтмай қолдим. Тилимда “Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун (Аллоҳдан келдик ва Аллоҳга қайтамиз) калимаси тушмасди. Бир замон Абдуллоҳга қарасам, кўзлари тўла ёш одамлар оша ичкарига қараб кетяпти. Лаблари пичирлаб дуо қиляпти. Ичкарига кирсак, бош шогирди Абу Юсуф йиглаб ўтирган экан. Бизни қучиб, унсиз яна йиғлади. Ўғли Ҳаммодга таъзия билдирик, аммо гапирай десак, ўпкамиз тўлиб, гапимиз бўғзимизда қолаверди. Бизни Фассолнинг сўзлари хушёр торттириди.

-Устоз бизни ташлаб кетди. Бир умр илм излади, аммо ўргатгани учун бирордан бир нима таъма қилмади. Қирқ йил елкаси кўрпа кўрмади (ухламади демоқчи). Шунчалик кўп илм жамлаганидан қиёматгача умматни чарчатадиган бўлди.

Мен минг хасратда бўлсанда фассолнинг гапларидан қаттиқ таъсирландим. Дардим икки баробар оғирлашди. Бир томондан устознинг энди орамизда йўқлиги бўлса, иккинчи

томондан илмларини ёзаётган шогирди Абу Юсуфдан хавотирда эдим (Аммо орадан йиллар ўтиб, хавотирим ўринсиз эканини вақт кўрсатди. Унга султонлар зуғум қилмади ва устознинг бутун илмларини китобат қилишга эришди).

Жанозадан сўнг кўпчилик устознинг ҳаққига дуо қилди. Шундай буюк зотлар устознинг тириклиги учун жонларини фидо қилишга тайёр эдилар. Аммо вақт соати етган инсон бу дунёдан чин дунёга кетаверади. Ҳамма ҳам оила даврасида ё хурсандчиликда жон беравермас экан. Устозимиз минг қийноқ ичра қамоқда вафот этибди. Ҳуфтон намозидан сўнг Абдуллоҳ вафоти сабабрини қисқагина, тафсилотларга берилмай гапириб берди. Мен ҳам борича айтиб ўтирмайман. У зот ҳақида ёзилажак асарларда батафсил баён қилинади Худо хоҳласа.

Роса йигирма кун оптимизга қайтмадик. Устознинг шогирдлари илмий масалаларни, хазратдан қолган илмий меъросларни жамлаш билан банд. Абдуллоҳ эса Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ўғли Ҳаммодга савдо ишини юритиш, пул билан муомала қилиш, бозор қонуниятлари, нархлардаги фарқлар, маҳсулотлардаги алоҳида белгилар, рақобат иши, тижорат одобларини ўргатарди. Мен Абу Юсуфнинг ёзажак асарлари учун устознинг маълумотлари асосида тўпланган қофозларга белги қўйиб тўрт энлик изоҳ ёзиб турдим. Ишлар битач йўлга тушдик.

Оптимизга минг дард билан қайтдик. Аммо биз ҳадисга амал қилишга тиришамиз. Мўл-кўлчиликка шукур, бало-офтларга сабр, қазога рози бўламиз. Устознинг жойлари жаннатнинг энг юқори поғоналаридан бўлсин.

Тожирлар уюшмаси ёки савдогарлар йиғини ҳақида

Устозимиз вафот этгач, васиятларига кўра биз янада қаттироқ илм қилиб, савдони кенгайтиришга ҳаракат қила бошладик. Савдомиз ва ишларимиз шу қадар кенгайдики, фойдамиздан ақл шошарди. Дунёнинг тўрт томонида бизни танишарди. Маҳсулотларимизни мамнун харид қилишар, сотиб оладиганларимизни савдогарлар арzon нархларда сотишарди. Устознинг вафотига мана ўн йил тўлибди. Ёшимиз ҳам элликдан ошиб қолди. Ҳамон савдогарликни **обрўмизни саклаш, одамларни иш билан таъминлаш ва илм ахлига моддий кўмак бериш учун қиляпмиз**. Аллоҳ ҳаракатларимизга баракалар беряпти. Икки кунимиз бир хил эмас. Ҳар кунимиз илм, тижорат ва иш бериш, одамларга ёрдам билан бойимоқда. Устознинг васиятларига қўлимиздан келгунча амал қилиб боряпмиз. Мана бугун ҳам бир янгилик билан кунимизни қаршиладик.

Абдуллоҳ доимо яхши гумонли ва келажакка ишонганлиги учун янги ғоялар устида ишларди. Бу сафар ҳам ажойиб фикр айтиб қолди.

-Абдусалом биз савдогарларни бир ерга тўплаб ҳар олти ойда йиғилиш ўтказишимиз керак. Мажлисни ўзим бошқараман. Мажлис учун харажатлар менинг зиммамда. Мақсад битта – халқقا осон бўлсин. Бозорга тушган одам нарҳдан ранжимасин.

-Яхши таклиф. Энди буни савдогарларга билдириш керак, - дедим мен завқланиб.

Шу кундан бошлаб, савдогарларга бу хабарни етказа бошладик. Мен юздан ортиқ қоғозга олти ойдан кейин бўладиган йиғилишга Абдуллоҳнинг уй манзили кўрсатилган таклифнома тайёрладим. Кейин савдо карвонлари орқали машхур тожирларга жўната

бошладим. Уч ой деганда деярли барчасидан жавоб хати келди. Бу орада биз уйни таъмирладик, ўтирадиган жойлар тайёрладик. Мехмонхоналарни созладик. Мен йиғилишни интизорлик билан кутардим. Чунки ўнлаб катта савдогарларни бир жойда кўриш бошқача бир ҳайрат эди.

Орадан олти ой ўтиб, кутилган кун келди. Мусулмонлар жуда тартибли ва вақтига яхши эгалик қиласидиган бўлади. Айтилган жойга вақтида келади. Ҳатто олдинроқ келиб кутиб ҳам туради. Вадабоз эмас мусулмон. Ишқилиб, биздан кейинги авлодлар ҳам вақтни исроф қилмаслик ва қадрлашда бошқаларга доимо ўрнак бўлсин. **Акс ҳолда вақтини қадрлайдиган ажнабийларга йўл бўшатиб беради.** Хуллас савдогарлар бирин-кетин кириб кела бошлади. Дарвоза олдига тўрт йигитни қўлида обдаста билан сув қўйишга тайинлаганмиз. Елкасида сочик, чиройли салом билан уларга хизмат қиляпти. Қўлларини ювгач, меҳмонхонага икки йигит йўл қўрсатиб туради. Эшикдан кираверишда икки йигит уларнинг оёқ киймларини бир четга териб туради. Киргандан ўнг ва сўлда тўрт йигит уларнинг киймларини илгакка илади. Ичкаридаги тўрт йигит тортилган таомларни меҳмонлар олдига қўяди. Ва бўш идишларни йиғишириб туради. Пешин вақтигача меҳмондорчилик бўлди. Таомларни исроф бўларлик даражада хилма – хил ва кўп тайёраламадик. Аввалига мева, туршаклардан турли шарбатлар, қуруқ мевалар ва қайнатма шўрва. Кейин эса гўштдан кабоб қилинди. Қимиз ва табга қараб чой ҳам берилди. Пешин намозини жамоат бўлиб ўқиб бўлганимиздан сўнг йиғилиш бошланди. Абдуллоҳ тик туриб гапира бошлади.

-Ассалому алайкум дўстларим. Сизлар билан бир жойда халқнинг оғирини енгил қилиш ва қулайлик яратиш мақсадида йиғилиб турганимиздан ва таклифимизни рад этмасдан келганингиздан мамнунман. Орангизда мендан олдин савдо ишини йўлга қўйганлар, мен билан бирга тижорат бошлаганлар ва мендан кейин шу ишга таваккал қилганлар бор. Бу ерга йиғилишмиздан мақсад битта – бозордаги фирромликларга ва нарх навонинг суний қўтарилишига йўл қўймаслик. Мен бу ҳақда таклифномада ёзгандим. Келганлар таклифга розилиги билиниб турибди. Энди кўриб чиқиладиган ва тартибга солинадиган масалаларга келсак. Аввало буғдой, арпа ва ёғнинг нархини одамларнинг чўнтаклари қўтарадиган қилиш керак. Ундан кейин туз, қанд, газлама, мўйна, махси, ковуш, бош кийим, от савдоси, гўшт, мушк (атир), тилла буюмлар, кумуш буюмлар, гилам, сиёҳ, қофоз, китоб, чинни, араб хурмоси, тўн (чопон), гуруч кабиларнинг нархларини иложи борича ушлаб туришимиз керак. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзига тўқ ва пул билан муаммоси йўқ одамлар. Мен нархни бир хил ушлаб туриш ҳақида гапирмаяпман. Ошиб кетишининг олдини олишни назарда тутяпман. Аллоҳ таоло ҳам яхшилик қилиш йўлида бирлашишини таълим берган. **Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз! (Моида сураси 2 оят Аловиддин Мансур тафсири).** Таклифлар бўлса эшитамиз. Кейин хулоса қиласиз.

Абдуллоҳдан сўнг бирин кетин тожирлар фикр билдира бошлади. Бизга мўйна ва газлама сотадиган одам биринчи сўз олди.

-Гапларингизга қўшиламан. Аммо баъзан мўйна тайёрлаш жараёнида хом-ашё

етишмай қолади. Биз ўша вақтларда қиммат нархга маҳсулот оламиз. Нарх ошмасдан иложи йўқ. Етказиб берувчилар вазиятни билгани учун нархни ошириб юборади. Биз ҳам ўз навбатида қиммат сотишга мажбур бўламиз.

Кейинги сўзга чиқкан одам от савдосининг энг каттаси.

-От савдоси қизиқ. Бугунги кунда турли урушлар кўп. Натижада мен отни қимматроқ сотаман. Чунки улар отсиз жангта чиқолмайди. Шунинг учун бозорда икки хил нархда савдо қилолмайман. Карвонлар ва ҳалқ учун ҳам ўша нархда сотаман. Сабаби уруш бошланганда отлар тақчил бўлиб қолади. Мен катта сармоя эвазига бошқа жойлардан сотиб оламан. Устига меҳнатимни ҳам қўшаман. Бу борада бир нима дейиш қийин.

Ундан кейин тўн ва бошқа кийимларни сотадиган гапирди.

Бизда ишлар мавсумий деса ҳам бўлади. Абдуллоҳнинг шарофати билан совук жойларга ҳам сота бошладик. Бу дегани мавсум йўқ энди. Нархларни бир хил ушлаб турибман. Аммо бошқа мамлакатга қимматроқ сотаман. Чунки йўл харажатлари бор. Ростини айтсам, четга мол сота бошлаганимдан кейин чинакамига бойидим. Яна шуни ҳам тан олишим керакки бизнинг диёрларда қиммат дейилган тўнларнинг энг баланд баҳоси бошқа мамлакатларда энг паст ҳисобланади. Шунинг учун бемалол савдо қилипмиз. Таклифни ўйлаб кўришим керак.

Шу тариқа ўнга яқин одам гапирди. Айниқса мушк сотадиган катта тожирнинг гапи кўпчиликка маъқул келди.

-Мен авваллари мушкни тайёрлаб жойида сотардим. Табиийки арzon баҳога. Аммо маҳаллий бозорларни, бошқа жойларни суриштириб ўтирасдим. Кетган меҳнат, тикилган сармоя, ишлатилган маҳсулотни ҳисоблаб нарх чиқарадим. Аммо бир куни ўз мушкимни бир кичик бозорда кўриб қолдим. Нархини сўрасам мендан олиб сотадиганларнинг нархидан ҳам икки баравар қиммат экан. Шундан кейин катта бозорларда ўз дўконимни очдим. Ўша ердан одамлар тўғридан тўғри оладиган бўлди. Одамлар хурсанд. Орада Абдуллоҳ билан танишдим. Кейин бошқа мамлакатларга ҳам сотишни бошладим. Энди қайси мамлакатга сотсан, ўз дўконимни очиб, ўша жойдан тарқатаман. Тўғри бир мамлакат ичида битта дўкон кам, аммо оз бўлсада, ҳалққа ёрдам бўлади.

Унинг гапларини эшитганлар раҳмат айтиб юборди. Аср намозигача баҳс, мунозара бўлди. Олти савдогар норози бўлиб чиқиб кетди. Қолганлари бир тўхтамга келди. Ниҳоят Абдуллоҳ хулоса қилди.

-Дўстларим, ниҳоят бир тўхтамга ҳам келдик. От савдосида икки хил нарх бўлади. Уруш учун қиммат нарх, ҳалқ учун арzon. Ёғ нархи ички бозор учун арzon, ташқи бозор учун чорак фоиз қиммат. Газлама, тўн, бош кийим, масси, ковушлар эҳтиёжларга қараб ҳар олти ойда йигилганимизда бир муҳокама қилинади. Ун, қанд, туз кабиларда нархлар жиддий ўзгармайди. Қачонки қурғоқчилик келса оширилади. Аммо ҳалқни қийнار даражада эмас. Биз энди катта савдогарлармиз. Инсоф чегарасини билишмиз керак. Бозордаги чайқовчиларнинг нархни кескин ошириб юборишларига йўл қўймаймиз. Олиб – сотарларга ҳам ўта қиммат сотганини билиб қолсак, маҳсулот сотмаймиз. Ҳалқ қийналган

вақтларда ҳатто ўз баҳосида ҳам сотишимиз керак. Мана ёғ сотадиган дўстимиз Жафар ўтган йили зайдун, зигир, масхар яхши бўлмаганида ўз баҳосидан паст нархда заарига ҳам сотди. Оддий қийналгандар учун ойда бир марта текинга ҳам тарқатди. Унинг омборида уч йиллик захираси бор. Биз ҳам у каби ҳимматлироқ бўлишмиз керак. Абдусалом пишиқ газламадан ишланган матога исмларингизни ёзиб қўйган. Шартларга розилигингизни билдириб, бармоқ босинг. Олти ойда шу ерда ёки Ироқдаги уйимда йигиламиз. Муаммоларни ҳал қиласиз. Яна бир муҳим масала: иш бериш. Газламачи дўстимиз ўтган йили олтмиш кишига иш берган. Бу олтмиш рўзғор обод дегани. Биз ҳам иш беришни кўпайтишимиз. Қўлидан иш келадиган одамларга ўз ишларини бошлашлари учун кўмак беришмиз керак. Самарқандлик чинни сотувчи дўстимиз олти ой аввал Ёш йигитларга иш бошлашлари учун пул берди. Шу баҳона ўттизта устахона очилди. Этиқдўзлик, махсидўзлик, каштадўзлик, нонвойчилик, тикувчилик каби устахоналар эди улар. Бир карvonбошининг сўзларига қўра икки юздан ортиқ одам ишли бўлган. Дўстимизнинг айтишича уларга беш юз динор қарз берган. Қарз муддати уч йил экан. Ҳатто нонвой ва тўкувчиларга пулни шундай берган. Қайтариш шарт эмас. Биз ҳам одамларни мана шундай қўллашмиз керак. Шунда улар янгиликлар яратади. Яна бир дўстимиз ўз шаҳридаги муҳтоҷларнинг икки йиллик қарзини тўлаб, меҳнатга лаёқатлиларга иш топиб берибди. Ҳаммаси мақтагулик жиҳатлар. Боя биздан норози бўлиб чиқиб кетганлар, инсофисизлик қилса, бизга боғлиқ бўлган алоқалаларини узамиз. Токи хатоларини англасин. Кейинги йигилишмизга Аллоҳ етказсин. Эслатиб қўйишим керак. Йигилишда муаммолар ечилиб, янгиликлар ўйлаб топилади. Ҳалқнинг оғири енгил қилинади.

Шундай қилиб уюшма ўз ишини бошлади. Тўғри у расман эълон қилинмаган, кўпчиликнинг умуман хабари йўқ бўлса-да, тадбиркор доира у ҳақда биларди. Чайқовчиларнинг ҳалқни ортиқ қийнашларига анча чек қўйилди. Одамлар харидни хурсанд ҳолда қиладиган бўлди. Бу орада яна ўн йилча вақт ўтиб кетди. Бу вақт ичida Абдуллоҳнинг ёзган асарлари ҳам элликдан ошди. Тижоратимиз ҳам кенгайди. Аммо сўнги пайтлар у кўп эҳсон қилиб, ҳатто сармоядан ҳам ишлатиб юборадиган бўлди. Бу ҳақда сал кейинроқ яна айтаман. Ҳозир эса одоб ҳақида озгина.

Тадбиркорларга подшоҳларнинг эътибори

Абдуллоҳ менга бир гапни кўп такрорларди.

-Абдусалом унутма, амалдор, соқчи кабилар миллат қаҳрамони, қутқарувчиси унвонига эга бўла бошласа, нуқул улар айтар сўзи устун бўлаверса, аҳвол оғирлашади. Тадбиркорнинг қадами қирқилиб, оддий ҳалқнинг оғзига муҳр босилади. Ҳалқни тожирлару, тадбиркорлар қутқаради. Амалдорлар, сultonлик, соқчилар уларнинг ишларини осонлаштиришда ёрдам берсалар, мамлакат бой бўлиб, куч-кудрати ортади.

У нимани гапирса, минг марта ўйлаб сўзлайди. Айтганлари айни ҳақиқат. Шу жиҳатдан Марв сultonидан миннатдор бўлсак арзийди. Тожирлар, тадбиркорларга етарлича шароитлар яратиб қўйган. Соликлар жуда паст (аммо шу озгина соликларни кўпчилик савдогарлар тўлагани ва кўп мол олиб кирилиб, олиб чиқилгани, сотилгани

эвазига ғазнага яхшигандаромад келади), амалдорлар ўзича ишларимизга аралашолмайди, солиқчилар султондан қўрқанидан бизга яқинлашмайди.

Султоннинг ислоҳотлари ҳақида озгина айтиб ўтишим керак. Шунда инсофдан бўлади. Чунки эркин савдомиз ва бойиб кетишимиз, нархларни қимматлаштирумай халқа ҳам, ўзимизга ҳам фойдали савдо қилаётганимизга султоннинг ёрдамлари эавазига эришдик. Шоҳимизнинг энг катта ёрдами – тадбиркордан давлатнинг қўлини торттиргани бўлди. Бу орқали порахўрликлар, тожирларнинг синиб кетишилари, солиқчиларнинг ортиқча пул йифимлари ва беҳуда текширишиларидан қутулдик. Ундан ташқари карвонга тужа, от етмаса ёрдам олишлар, пул етмаса ғазна орқали қарзга пул ажратилиши, карвонсаройдаги арzon тўлов, чегара орқали савдо қилганда соқчилар кузатуви кабилар ҳам султоннинг ғамхўрликларидан.

Мен дунё кезиб бизнинг султончалик тадбиркорларни, дехқонларни тушунадиган, юрт ривожи, илм – фан равнақи учун тиришган подшоҳни кам кўрдим. Ишқилиб умри узок бўлсин. Тадбиркор бой бўлса, давлат бой бўлса, халқа эътибори кўп бўлди. Халқ ғамхўрлик кўргач, кўпроқ ишлайди ва яна давлатни бой қиласди.

Шунга амин бўлдикки, давлат бозордан қўлини тортса, мамлакат гуллаб-яшнаб кетаркан. Бунга жонли гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ҳар бир мусулмон султон халқига мана шундай эътибор берса, қиёматгача, қўлимиз баланд бўлди. Акси бўлса, ўзгаларга муҳтож бўлиб, номусулмонларнинг қўлида эзилиш кутади. Улар чалган ноғораларга ўйин тушишдек ноиложлик етади. Аллоҳим мусулмонларнинг қўлини доимо баланд қиласин.

Ха, яна бир гап: агар марвлик бирор савдогар бошқа мамлакатда бир хато қиласа, ёки ноҳақ зулм қўрса, султон бир нома билан мурожаат қиласди. Аскари билан жангга чиқмаса-да, яхши музокара йўли билан муаммоларни ҳал қиласди. Бу каби ишларни бошқа султонлар ҳам амалга оширадики, шунинг учун келишув осон кечарди.

Давлат эътибор қиласа, шўрхок ердан гул униши бор гап. Халқ билан султон бирлашса, унча-бунча кучлар уларни енголмайди. Тадбиркор қўллаб-қувватланса, султонлик камбағал бўлмайди.

Бир пайтлар, яъни тадбиркорликни бошлаганимизда аҳвол оғир эди. Солиқлар баланд, чегарадаги муаммолар, порахўрлик, амалдорларнинг кирдикорлари, қозининг адолатсиз ҳукмлари авжида эди. Шу сабаб, кўп тадбиркорлар ўз юритидан бошқа мамлакатга кўчиб кетган ва ўша ерларда бойиб кетганди. Янги султон келгач, биринчи навбатда қозиларни ишдан олиб, соқчибошиларни жиловлашга киришди. Кейин бозорга эътибор берди. Ортиқча текширувларни тўхтатиб, шаҳардан ташқаридаги ҳудудларда солиқларни халқ мамнун бўладиган даражада туширди. Халқ билан очиқдан очиқ мулоқот қиласиган бўлди. Натижада яна юзлаб муаммолар ўз ечимини топа бошлади. Бошқа мамлакатдаги юртдошларимизни мамлакатга жалб қила бошлади. Бу султон тожирлар ва тадбиркорлар юрт равнақи учун ҳал қилувчи омил эканини англашиб етди. Биз ҳам қўрқмай Марвда савдони бошлаб юбордик.

Солиқлар пастлиги учун, тожирлар қийналмай қолди. Натижада закот, хайр-эҳсон

кабиларни бемалол қила бошлади. Айримлари мадраса очди, устахоналар ташкил қилди, ишлаб чиқаришларни йўлга қўйди. Халқа енгиллик бўлди.

Аммо сарой уламоси бироз журъатсизроқ. Улар амалдорларнинг таҳдидлари олидида ҳамон мум тишламоқдалар. Адолатсизликлар ҳақида биринчи гапиришлари лозимлиги ҳолда, сукут сақламоқда. Уларнинг ўрнига ҳам тадбиркор, тожир, дехқон, умуман оддий халқ гапирмоқда. Табиийки оддий халқнинг гапи узоққа бормайди. Сарой уламосининг битта адолатли таклифи билан бутун халқнинг муроди ҳосил бўлди. Қўрқаманки, шу қўрқоқликлари биздан кейинги авлодларда ҳам давом этмасайди. Ишқилиб уларнинг Холиқдан эмас маҳлуқдан қўрқуви ортидан минглаб оддий халқ жабр кўрмасайди. Аллоҳим Ўзинг асра ва уларга инсоф, шижаот бергин.

Одобсиз олим билан учрашмаганимга шукр қиласман

Бир куни Мисрга илми баланд бир олим зот келганин эшишиб қолдик. Абдуллоҳ унинг одоби хусусида сўраттирди. Жавоби келганида эса таби тирриқ бўлди. У одам сал одобсизроқ экан. Шунда у бизни хайрон қолдирадиган гап айтди.

-Агар шаҳарга дунёнинг илмини жамлаган олим келиби, аммо одоби сал камроқ экан, деб эшишиб қолсан ўша одам билан учрашмаганимга шукр қиласман. Аксинча бир одабли ода шаҳарга келди. Илми озроқ бўлса ҳам, аммо одоби севдирадиган даражা экан, деб эшитсан, ўша одам билан учрашмаганимга надомат қиласман. Чунки мен одобни ўттиз йил, илмни йигирма йил ўргандим. Қани ишларингизни қилинг. Ҳадемай карвон келади.

Унинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Шу чоққача унинг одоб учун ўттиз йил сарфлаганини ё сезмаганман ё билмаганман. Ўзимча илм ортидан ундаги одоб шаклланиб қолган деб юрардим. Аслида одоб машаққатли меҳнатлар эвазига келишини у икки оғиз гапида исботлади қўйди. Ростдан ҳам Абдуллоҳ одобни минглаб шайхлардан ўрганганд. Юқорида тўрт минг шайх билан суҳбатлашганини айтгандим. Унинг ўзини тутиши, халимлиги ўзига ром этарди. Ёш болаларга ҳам салом беради. Доим унга йўлиққанимзда биздан олдин салом беради. Ўзидан каттанинг йўлини кесиш у ёқда турсин, йўлда ҳатто ундан олдинга ўтиб кетмайди. Ота – онасини қаттиқ хурматлайди. Айтган хизматларини бажони дил қилган. Савдо ишида ҳам жуда чиройли муомала қиласми. **Харидорлар ундан газлама эмас унинг муомаласини сотиб олади.** Тадбиркорлар билан музокарани ҳам жуда ажойиб тарзда ўтказади. Бироннинг гапини бўлмайди. Мен уни мақтамаяпман. Умуман мақташ ниятим ҳам йўқ. Фақат Аллоҳ берган илми ва ўзининг шижаоти орқали эришган ютуқлари ҳақида айтяпман.

Одоби йўқнинг ҳеч нарсаси йўқлиги ҳақида устозлар таълим берган. Аммо унинг моҳиятини бугунгичалик ангаламагандим. Илм олишдан эринмаган одам, аввало одобни ўрганишни биринчи бошлиши керак. Шунда мурод тезроқ ҳосил бўлди.

Умр ҳам тугаяпти

Абдуллоҳнинг саҳийлиги шу қадарки, агар қўлида тишлаган нони бўлса-ю, кимдир сўраб қолса, ўша нонини бериб юбораверади. Ҳиммати шу қадарки, ўз уйини дўстига бўшатиб беради. Ёшимиз олтмишдан ошганидан буён унинг пул сарфи кўпайиб

қолган. Бир ҳафта олдин бир аёл келиб арз қилиб қолди. Арзга Абдуллоҳ ноодатий жавоб берди.

-Хазрат, ўғлим даргогингизда етти йил илм таҳсил қилди. Шу вақт оралиғида мен анча кексайиб қолдим. Фақат ўқиши учун гилам түқиб, пул етказиб турдим. Энди эса пул ишлаб топишга мадорим кам. Шу пайтда ўғлим китоб ёзишга киришган. Ишлагин десам, “китоб ёzsам нариги дунёда иккимизга ҳам савоби бориб туради” дейди. Орада бир икки марта бир қўшнимизнинг ишларини қилиб пул олиб келди. Тежамкорлик билан ишлатяпмиз, аммо унинг бу маблағи бир ҳафтага ҳам етмайди. Насиҳат қилинг. Ишласин. Олдин оилани обод қилиб, кейин китоб ёzsин.

-Синглим ойлик харажатларингизга қанча кетади?

-Юз дирхам.

-Мен сизга икки юз дирхам ҳар ой жўнатиб тураман. Ўғлингиз китоб ёzsин. Унинг илми баланд. Зеҳнини тирикчилик учун сарфламасин. Яна бошқа ёрдам керак бўлса тортичмай айтаверинг.

Аёл бундай бўлишини кутмаганми ё ҳаяжонданми пулни олганидан кейин ҳам бир нима деёлмади. У гапиргунича Абдуллоҳ ичкарига кириб кетди. Орадан бир фурсат ўтгач, у йиғлаб дуо қила бошлади. Менинг ҳам кўнглим эриб кетди. Оҳирги тўққиз ойда етмиш талабага қирқ минг дирхам хайрия қилди. Ўттиз олимга саксон минг дирхам ёрдам қилди. Уч уйсизга уй қуриб берди ва уларни иш билан таъминлади. Олтмиш кишини ҳажга жўнатди. Марв шаҳрида текинга китоб тарқатди. Йигирма кишини уйлантириди ва танишларига айтиб иш билан таъминлади. Яна бир қанча ёшларга ўз тадбиркорликларини бошлашлари учун икки юз динор ажратди. Хуллас яна бир қанча эҳсонлари борки, уларнинг ҳаммаси эсласак, гап чўзилиб кетади.

Бугун айниқса роса қизиқ воқеа бўлди. Биз тадбиркорлик, савдо иши билан бўлиб, кўп пул топдик. Кейин шу пулларга анча меҳр ҳам қўйибмиз. Аммо Абдуллоҳда ундей эмас экан. У пуллари кўпайгани сари эҳсонни, ёрдамни кўпайтиради. Шунинг ҳисобига Аллоҳим барака бераверарди. У ойлик даромаднинг ўн фоизини хайрияга сарфларди. Аммо сўнги пайтлар хайрияси фойдадан ўтиб, сармоягача келяпти. Табиийки биз хавотирдамиз. Содик ҳам безовта...

Эрталаб етмишларни қоралаган нариги маҳаллалик Паҳлавон ака ташвишли кириб келди. Биз ҳовлида эдик. Салом бердида Абдуллоҳни сўради. Абдуллоҳ унинг овозини эшишиб чиқиб келди. Салом берди. Кейин озроқ сухбатлашишиди.

-Абу Абдураҳмон мени танийсан. Икки кун олдин молларим жарга қулаб тушди. Улар ўнта эди. Қирқдан ошиб кўрган ёлғиз ўғлим боқиб юрарди. Жар ёқалаб ҳайдаб келаётганда тупроқ ўпирилиб, ҳаммаси тушиб кетибди. Ўғлим ҳам сирпанган, аммо икки ханжарини ерга суқиб омон қолган. Уйга бир аҳволда кириб келди. Молларни ўлдириб қўйганидан қаттиқ изтиробда. Унга қаттиқ гапиролмайман. Шу молларга қараб тургандик. Сал семирса, сотиб ўғлимни уйламоқчи, қолганига қўй олиб боқмоқчи эдим. Насиб қилмаган экан. Сендан қарз сўраб келдим. Менга йигирма динор бериб турсанг. Бир йилга қолмай қайтараман. Яна мол сотиб оламан, боқаман. Бир қисмига ўғлимни уйлантираман.

-Оға кўп ғам қилманг. Ўғлингизни танийман. Мендан уч йил дарс олган. Одобли йигит. Қуръонни ёд билади. Унинг кўнглига хавотир ораласа, илми озайиб қолади. Зехни ўтмаслашади. Мен сизга қарз эмас шундай эллик динор бераман. Ўғлингизни уйлантиринг ва савдо иши учун пул беринг. Қўй сотиб олинг. Бу пулларни Аллоҳ ризоси учун беряпман. Менда пул борки, Аллоҳим муҳтожни жўнатиб сўраттиради. Хизмат бўлса доимо бош устига. Ўғлингизга салом айтинг.

Содик Паҳлавон акага пулни бергач, Абдуллоҳнинг олдига келиб, минг ҳижолатда бир гап айтди. Жавоби нафақат уни балки мени ҳам танг аҳволга солиб қўйди.

... -Устоз, сиз сармоядан ҳам пул олиб бериб юборяпсиз. Пулимиз тугаяпти.

Хавотир олма Содик умр ҳам тугаяпти.

Содик жавобни эшитганидан кейин ялт этиб Абдуллоҳга қаради. Мен ҳам беихтиёр унга қарадим. Олдимда тик қоматли, кенг елқали, ўқтам, аммо соқоллариға оқ оралаган. Кўзлари ўсмир йигитларнидек ёниб турган басавлат одам турарди. Унинг умри тугашига ишонгинг келмайди. Аммо муҳлат тугаса не – не забардастлару, қанча ёшлар чин дунёга сафар бошлайди. Демак ўтган умр сарғисоб қилиниб, қолган умр яхшиликларни кўпайтириш керак. Абдуллоҳ сезмаса гапирмайди. Ибодатлари орқали Аллоҳга яқинлашган банданинг дилига рост ҳаёллар келади. Шундай экан йўл тайёргарлигини янада қаттиқроқ қиласвериш керак. Мен ҳам қолган умримни яхшиликлар қилиш учун режалаб қўйишим керак (қанча яшашимни билмайман, аммо хайрли ишларга муддат белгилаб қўявераман). **Умр ҳам тугаяпти.** Бу гап қалбимда шундай асар қолдирди, олтин-кумушлар бир арзимас матога айланди. Шу ҳаёллар билан омборга бориб қолибман. Қарасам Содик бир четда йифлаб ўтирибди. Унга халақит қилмадим. Унга ҳам осон эмас. Шунча йил хизмат қилиб, бир ёмонлик кўрмаган, эркаликларини оғринмай кўтарган инсонидан айрилиш чинданда оғир. Менга эса минг карра оғир. Ёзсан дафтар ёниб кетса керак дардимдан. Ҳалитдан уни соғинмокдаман. Ё Роббим, унинг умрини зиёда қилгин. Илмидан одамларни киёматгача баҳралантир. Ўзи эккан саҳийлик дарахтларини ҳеч қачон куритма, қовжиратма.

Абдуллоҳ абадий талаба

Абдуллоҳ доимо изланишда эди. Доим ўқир, дарс берарди. У доимо ўқиган нарсаларини бирорга ўргатган киши тезроқ олим бўлиши ҳақида эслатиб турарди. Унинг шижаоти шу олтмишдан ўтганида ҳам ўн саккиз ёшлиларнидек зиёд эди. Одамлар ундан:

-Сиз қачонгача илм талаб қиласиз?, -деб сўраганларида,

-Мен ўлгунимча толиби илм бўлмоқчиман. Талабага барча нарса истигфор айтади, ҳаттоқи сувдаги балиқлар ҳам, дейилган. Шундай экан уни ташлаб бўладими?- деб жавоб берарди.

Абдуллоҳ Шом соҳилидаги Тарсус, Масиса ёки Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара шаҳарлариға қилган узоқ муддатли сафарларида у ердаги мусулмон ахлига Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳадис муборакларини устозларидан қандай эшитган бўлса, шундай етказар эди. Шунингдек, у ўзининг Куфа, Басра, Шом, Хурросон, Макка ва Мадинага қилган сафарлари чоғида одамларга савдо сирларидан дарслар ўтар, уларни тижорат, ўз хусусий

ишларини бошлашга кўмаклашар ва йўл-йўриқ кўрсатарди. Унинг ёрдами билан юзлаб инсонлар савдо билан шуғуллана бошлади. Касб қилди, илм олди, тирикчилик ташвишидан кутулиб китоб ёзди.

Бир сафар Марвга келганимизда кўпчиликнинг талаби асосида ўз уйида савдо сири ва савдодаги ҳалоллик ҳақида маъруза қилди. Маъруза жуда ажойиб бўлди. Айниқса, муҳтоҷлиги учун молини сотадиганлардан фойдаланмаслик, асл нархини билмасдан мол олиб чиққан одамлардан инсоф билан харид қилиш, қарзи эвазига уйидаги молини, қўйини, отини паст баҳода келишиб олиш, мавсум келганида нархни кўтариб ҳалқни қийнамаслик, маҳсулотни ўтказиш учун қасам ичмаслик, қайтиб келган маҳсулотни харидорни қийнамасдан қайтариб олиш ва пулинни бериш, вақтга эгалик қилиш учун намозлар орасидан фойдаланиш, молиявий мустақиллик учун катта таваккал қилиш ва тушган даромаддан жамғаривор бориши, ота-онага пул бериб туришнинг ишлардаги баракаси, ўз қасби бўйича тинимсиз китоблар ўқиши ва бошқа масалалар юзасидан батафсил тўхталди. Одамлар шу даражада маҳлиё бўлиб эшишиб ўтиради, ҳовлида сал тиқ этган товуш эшитиларди. Маърузадан сўнг саволларга навбат келди. Одамлар бирин кетин саволлар бера бошлади.

-Савдоингиз нима учун доимо кенгайиб боради?

-Намозларни вақтида ўқийман ва савдо ҳақидаги илмларни ўрганишдан тўхтамайман, Аллоҳдан умид қиласераман. Доимо ўқиб, ўрганаман.

-Мен ҳам сиздек савдогар бўла оламанми?

-Ҳа Азаматим. Бўла оласан. Агар ўз устингда ишласанг, устоз тутсанг, намозларинг орасидаги вақтларга ишларингни режаласанг ва оғишмай мақсад сари интилсанг, Аллоҳдан доимо умидвор бўлсанг, менданда буюкроқ тижратчи бўласан Аллоҳ хоҳласа.

-Тижорат учун камида қанча сармоя керак?

-Тижорат учун аввало кучли хоҳиш керак. Аниқ мақсад ва пухта режа керак. Агар шу айтилганлар бўлса, сармоя сени узоқ куттирмайди, шундай олдингдан чиқади.

-Мол кўпайтириб қандай тижорат қилса бўлади?

-Сутини сотасан. Ёғини шаҳарга бориб, айланиб сотсанг ва доимо етказиб бериб турсанг, одамлар сенга ўрганади ва сендан бошқасидан олмайди. Рақобатда ютишинг учун нархини тушириб турасан. Терисини ошлаб сотасан, ичакларини этиқдўз усталарга пуллайсан. Гўштини қуритиб қўйсанг, сафарга чиқадиган карвонларга яхшигина нархда ўтказасан.

-Кўпчилик бойлика меҳр қўйма дейди. Ҳатто имомлар ҳар жума маърузасида бойлар камбағаллардан кейин жаннатга киради, агар киролса дейишади. Бойлик қалбни ўлдиради, олтинлар йўлдан оздиради, қабилидаги гаплар билан қўрқитади. Сиз нима дейсиз?

-Ўғлим, ёшинг ўн бешларда чамаси. Сен уларнинг гапларини эшиту, аммо ўйлаб кўр. Агар қалбингда ишонч, сахийлик ва хотиржамликни жойлассанг, улар айтаётган гапларга ўйланма. Аллоҳ наздига қувватли мўмин қувватсиз мўминдан афзалдир. Қувват илмда,

бойлиқда, кучда бўлади. Намоздан бўш вақтларинг тижорат билан жиддий шуғуллан.

-Мен дангасалиқдан қутулолмаяпман. Ишлайман деганда турли сабаблар билан иш қолиб кетади. Эшишишмча сиз кам ухлар экансиз. Кам уйқулик омад калитими?

-Йўқ, Арслоним. Кам уйқулик агар гуноҳга, танани қийнашга ва бошқаларни безовта қилишга сабаб бўлса омадсизликдир. Сенинг ёшингда кечанинг аввалида тўлиқ ухлаш, охирида туриб намоз ўқиш ва илм олиш. Сўнг тирикчилик билан жиддий машғул бўлиш керак. Дангасалиқдан қутулиш учун иш билан машғул бўлишинг керак. Қирқ кунда сенда янги одат шаклланиб, ўз-ўзидан содир бўлади. Одатларингни ўзгартирсанг ҳаётинг ўзгаради.

-Хотиним нуқул нолийди. Кам топяпсиз, қўшнилар ундай, қариндошлар бундай. Сиз дангасасиз. Нима қилсам олтин ўрталиқни топаман?

-Ўғлим сен фикр қил. Буюк эрлар ортида буюк аёллар туради. Устозим Абу Ханифа раҳматуллоҳи алайҳининг ортида фазилатли аёли бор эди. Кийимлари тоза, таоми покиза, ётоқ жойи озода эди. Аёли узтозимни қаттиқ хурмат қилар ва ҳаммадан қўра кўпроқ ишонарди. Кучига, иқтидорига, илмига шубха қилмас ва доимо яхши ишларга тарғиб қиласарди. Шундай вақтлар бўлганки, устоз унутсалар ҳам аёли биз каби талабаларни унумас, ўғиллари орқали динор, дирхам, кийим-кечак бердириб юборарди. Аёлингни тушун ва тушунтири, сенга ишонсин ва мадад бўлсин. Эр – хотин қўш хўқиз дегани иккиси баравар ишласин дегани эмас, эр топармон, аёл тутармон бўлиб рўзғорни обод қилиши демакдир. Эр кўчадан ризқ топади, аёл уни исроф қилмайди. Эр пул топади, аёл бола тарбиялайди. Қолганини ўзинг тафаккур қил ва оқил оила бошлиғи бўл. Роса қирқ кун жанжал қилмасдан, намозларни ўқиб бўлиб, оилани тартиблаш, топганингни режали сарфлаш, аёлингга чиройли муомала қилиш ва фарзандларингга эътиборни узлуксиз қилсанг, Аллоҳ хоҳласа муродинга етасан.

-Устоз инсон қандай ишни қилса чарчамайди?

-Ўзгаларга ва ўзига манфаати кўп ишни қилган инсон чарчамайди.

-Кўп ишлаш учун нима қилиш керак?

-Сен кўп ишлаганинга эмас қандай натижа олганингга қара. Агар кўп ишлаб оз натижа олаётган бўлсанг, демак вақтингни ва ишингни тартибга солишишинг керак. Агар оз ишлаб оз натижа олаётган бўлсанг, дангасаликни бас қилиб, кўпроқ ишлашинг лозим. Савол сал ноаниқроқлиги учун жавоб ҳам шундай бўлиб қолмасин. Қулоқ сол! Иш устида сарфлаган вақтингга эмас нима иш қилганингга боқ. Баъзилар “ўх бир кун ишладим”, дейди, аммо қилган иши бир пора тиловат қилганчалик вақтга teng. Шунинг учун доимо натижага эътибор бергин.

Саволларнинг кети йўқ эди. Аммо вақт чегараланган. Пешин намозига аzon айтилди ва одамлар масжидга шоша бошлади. Биз ҳам ибодатга ошиқдик. Ўша куни ҳамма хурсанд, олган илмлари яқин бир неча йил учун яхшигина дастак, қўлланма бўларди. Мен ҳам муҳим жойларини ёзиб қўйдим. Келажакда бир китоб ёзиш учун...

Ховли эмас, қўшни оляпсизлар

Абдуллоҳ қўшничилик ҳаққини ҳам жуда яхши биларди. Унинг насроний, яхудий қўшнилари ҳам бор эди. Уларни ҳайит байрамларида таом, совға – салом билан хурсанд қиласарди. Улар уни яхши кўрар, ҳол-аҳвол сўраб туарди. Бир куни яхудий қўшниси ҳовлисини сотмоқчи бўлиб эълон берди. Сувли жой, боғи ҳам бор. Табиийки харидорлар кўп бўлди. Бир куни савдога гувоҳлик учун мен билан Содикни чақирди. Бордик. Харидорга нархни айтди.

-Икки минг динор, - ҳайратини яшиrolмай қолди харидор. – Ахир ҳовли минг динор туради нари борса. Намунча нархи осмон?

-Тўғри, -деди у кулиб. – Аммо сизлар ҳовли эмас қўшни оляпсизлар. Мен Абдуллоҳ ибн Муборак билан қўзўниман. Шундай қўшни шарафига нархни яна минг динор қўттардим. Истасанг сотиб ол, истамасанг ўзинг биласан.

Харидор узоқ ўйланмади. Айтилган нархни беришга рози бўлди. Ҳозирча ярмини қолганини уч кундан сўнг беришини айтди.

Яхудий рози бўлди. Биз унинг сотувчилик қобилятига қойил қолдик. Кимнинг хаёлига кепти дейсиз шундай усул билан бойлик ортириш. Тағинам у савдогар эмас, агар тижоратчи бўлсайди, Абдуллоҳнинг қўшничилигини айтиб ҳар қандай молини икки баравар қимматига сотармиди. Хуллас ўша куни биз муҳим тажриба ўргандик. Аммо одамларни қийнаб, бундай тажрибаларни оммалаштириш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадик. Афсуски ушбу воқеани эшитган одамлар ҳовлисини, уловини, боғини пуллашда ўша одамнинг усулини қўллай бошлади. Энди олимлар, моҳир таржимонлар, катта тожирлар, энг зўр ҳунармандлар, одам гавжум жойлар, уйлар, боғлар, уловлар нархи кўтарилиб кетди.

Бу аҳвол бизнинг ишларни қайта кўриб чиқиши, нархларни яхшилаб назорат қилиш, қимматчи чайқовчиларга мол сотмаслик каби чораларни қўллашимизга сабаб бўлди.

Абдуллоҳнинг сафардаги ҳамроҳлиги

Бир куни Абдуллоҳ Тусдан Марвга қайтаётганида унга соқчи бошимиш ҳамроҳ бўлди. Уларга оқ йўл тилаб жўнатдик. Икки ойдан сўнг улар билан қайта кўришдик. Шунда соқчибоши менга бўлган воқеаларни айтиб берди.

-Устоз билан етти кун тўхтовсиз йўл юрдик. Мендан кўра жисмонан чиниқсанроқ ва кучлироқ экан. Чарчаган бўлсамда, айттолмадим. Саккизинчи куни бир водийдан ўта бошладик. Шунда мендан сўради:

- Сен бошлиқ бўласанми ёки мен бўлайми?

-Мен ходимингизман. Сиз бошлиқ бўла қолинг, -дедим хурмат юзасидан.

-Унда айтганимга сўзсиз итоат этасан, деди.

Кейин йўлга тушдик. Пешин намозини ўртacha ўқишдек вакт юрдик. Тунашга жой хозирлаб бошлаганимизда бирдан ёмғир ёға бошлади. Устоз бир кийимни олиб тонг отгунча мени ёмғирдан пана қилиб чиқди. Ўша кеча ухломадим. Бундан кўра ўлганим

яхшийди, деб ўйлаб чиқдим. Ёмғир тиниб, йўлга чиқаётганимизда шундай деди.

-Ўғлим, сафарга чиққанингда яхши ҳамсафар бўлгин. Токи ҳамроҳинг сендан азият чекмасин.

Мен ҳеч нима деёлмадим. Ўзимни жуда ноқулай сездим. Мана ортга қайтаётганимизда ўзим бошлиқ бўлдим ва хизматларини бекаму кўст адо этишга уриндим. Бу ҳақда бутун карвондагиларга, дўстларимга айтиб бераман.

Мен диққат ва ҳайрат билан эшитдим. Айниқса, Абу Абдураҳмоннинг сафардаги ҳамроҳилиги ҳақидаги гаплар мени йифлатди. Ўйласам, ғўрлигим ёки одобсизлигимдан Абдуллоҳнинг кўп эътибор ва ғамхўрликларини ҳатто сезмай қолган эканман.

Дори сотсанг, зехн пасайиб кетади

Абдуллоҳ жуда соғлом инсон бўлиб, жанг санъати билан кун ора шугулланар, камондан ўқ узишни ҳар куни машқ қиласарди. Унга хасталик унга бегона эди. Аллоҳ таоло дард берса шифосини ўзи билан беради. Агар у бемор бўлса, шартта рўза тута бошлар, узоги уч кунда дард чекинарди. Рўза тутган пайтлари овқатдан тийилар, сахарликда сув ичиб, ифторликда сув билан озгина хурмо ерди. Унинг наздида рўздан рўздан қўра тезроқ даво йўқ эди.

Бир куни бир савдогар бозорда гиёҳ сотиб юрганини кўриб қолдик. Абдуллоҳ у билан сухбатлашди.

-Қандай дори сотяпсиз?

-Овқатни тез хазм қилдирадиган.

-Қаердан олиб келдинг?

-Бу савдо сири.

-Жуда соз. Қанчадан бери шу гиёҳни сотяпсан?

-Икки йилдан буён. Яшаб турган мамлакатимнинг солиқчилари бор будимни тортиб олишга, чайқовчилик қилдим. Кейин бир табиб билан танишиб унинг дориларини сота бошладим.

-Илгари нима иш қиласардинг?

-Тўқув устахонам бор эди. Ўнта ишчи ишлатардим. Бозордаги сотувчим, бир солиқчига йигирма газ матони текинга бермагани учун дўкондаги барча молларни тортиб олган. Устидан арз қилгандим, уйимгача тортиб олиб қўйди. Арзимни ҳеч ким эшитмади.

-Агар сенга Марвдан шундай устахона очиб берсам, ишлайсанми?

-Ишлайман. Аммо оиласини боқишим учун табибининг дориларини сотмасам бўлмайди.

-Шу дори сотувидан йилига қанча даромад қиласан?

-Юз динор.

-Устахонанг фойда келтиргунча, сенга пул бериб тураман. Кейин ҳар ой қилган фойдангнинг ўндан икки қисмини менга бериб турасан. Сен билан шерик бўламиз. Бор сармояни мен тикаман. Тўкув учун керакли маҳсулотларни ҳам ўзим етказиб бераман. Эвазига мана шу хазм қилдирадиган дорингни сотмайсан. Бу ерда одамлар илм олади, Куръон ёдлайди, савдогарлик билан шуғулланади. Агар хазм қилдирадиган гиёҳдан сотиб ола бошласалар, кўп овқат ейишни бошлайди. Илм қалбга кирмайди, дангасаликлари зиёда бўлади, савдоларидаги тиришқоқликлари йўқолади, зехнлари пасайиб кетади. Шунинг учун сотишни бугуноқ тўхтат. Мана сенга олдиндан ўн динор. Агар ушбу дорини сендан бошқаси сотишни бошласа, менга хабар бер.

Қўлидаги олтинларга қараб туриб, у одам йиғлаб юборди. Бегона юртда, бегона одамдан ўз юртида кўрмаган яхшиликни кўриб тургач, қандай ҳам кўз ёш тўкмасин?!

Энди Абдуллоҳнинг музораба (шерикчилик) си ҳақида ҳам айтмасам бўлмас. Ёшимиз олтмишдан ошгач, Абдуллоҳнинг тижорати мислсиз кенгайиб кетди. Шу қадарки, карvonсаройларда унинг карвони бўлмаган вақт кам бўларди. Унинг маблағи ортгач, қўлидан иш келадиган одамлар билан шерикчилик қила бошлади. Бутун сармояни у тикади. Шериги иш қилади. Мана шундай шерикчиликлари ортидан турли мамлакатларда ўндан ортиқ тўкув ва тикув устахоналари, мўйна дўконлари, деҳқончилик ерлари, хурмозорлари, тери ошлаш корхоналари, этиқдўзлик устахоналари ва бошқалар иш бошлади. У шерикчиликдан кўп улуш олмасди. Энг кўпи ўндан тўрт қисми бўлиб, у мўйна сотувидан келарди. Қолганлари ўнтан уч, ўндан икки қисмга шерикчилик эди. Шу тариқа у одамларни иш билан таъминлар, турли маҳсулотларнинг нархларини ҳам халқ учун қулай қилиб қўярди.

Кўпчилик, тушган пулларни нима қиласди деб, ўйлаши мумкин. У ҳеч қачон қўлида катта микдорда пулни ушлаб турмасди. Тепада айтиб ўтганимдек, илм ахлига, китоб ёзадиганларга, муҳтожларга, беваларга, масжид қурилишига, мадрасага, янги кутубхоналар ташкил этишга (китоб нархи жуда баланд бўлиб, бир кичик кутубхона очишга кетган пул ўртacha тадбиркорнинг икки йиллик даромадидан кўпга тушарди) ва бошқа ишларга сарфларди.

У билан шерикчилик қилганлардан айримлари, хиёнат ҳам қиласди. Бир куни илгари соқчилик қилган, қайсиdir айби билан ишдан четлатилган одам билан савдода музораба қилди. Олти ой ўтгач, у касод бўлаётганини айтиб, фойдадан пул ажратмай қўйди. Абдуллоҳ одам жўнатиб, ҳақиқатни билгач, ўзи олдига борди. Босиклиқда шерик билан гаплашди.

-Мен сен билан узоқ йиллар бирга ишлашни ният қилганман. Муаммоингни айтсанг, биргаллашиб ҳал қиласми.

-Касод бўляпман, бу иш менга тўғри келмас экан. Берган пулингизга рози бўлинг, мен меҳнатимга розиман.

-Пулимга рози бўлишдан олдин ҳақиқатни билишим керак.

-Яна қандай ҳақиқат? Менга ишонмаяпсизми? Ишонмасангиз нега шериклик

қилдингиз?

-Шериклик таклифи сендан чиққанди. Чегарадан чиқма. Иззатингни билгин. Суриштирдим, фойданг яхши, аммо менга бергинг йўқ.

-Хали ортимдан жосуслик қилиб юрибсизми? Аллоҳдан уялмайсизми?

Шу гапи ортиқча бўлди. У гапини тугатмасидан кўксига тушган муштдан ағанаб кетди. Қайтиб қўл кўтармоқчи эди, биқинига тушган тепкидан инқиллаб қолди. Яна туриб, яқинлашмоқчи эди, Абдуллоҳ беш – олти марта мушт туширди. Ерга ётиб қолди. Аввал соқчи бўлгани учун қўполлик ва қўрслик одати қолмаган экан, акс ҳолда бетамизлик қилмасди.

Абдуллоҳ ёқасидан тутиб ўрнидан турғазди ва берадиган пул миқдорини ҳозироқ тўлашини талаб қилди. У кексароқ одамдан бунчалик важоҳат, жангдаги моҳирликни кутмагани учун ғурурга берилганди. Юввош тортиб, дўконидан пул олиб чиқди. Шериклик тутатилди.

Абдуллоҳ хотиржам ортига қайтди. У ортиқча асабийлашмас, табассум билан енгарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди...

Хуллас, шундай ҳолатлар ҳам бўларди. Аммо бу ишлар унинг фаолиятига жиддий таъсир этмас, сахийлик, хайру эҳсондан тўсмасди. Ёши етмишни қоралаб қолганида айниқса, шамолдек сахий бўлиб кетди у. Унинг сахийлиги ҳақида ҳали авлодлар томлаб китоб ёзса ажабмас.

Абдуллоҳнинг вафоти

Абдуллоҳ жуда ғайратли инсон эди. Жанг санъатидан яхши хабардорлиги учун баъзан чегара худудларида жангларда ҳам иштирок этарди. Мен унинг бирор марта қаттиқ жароҳат олганини кўрмаганман. Сабаби, у жангни аввало келишув асосида тўхтатишга эришарди. Шундай пайлар бўлганки, агар уруш чегарадан мол олиб ўтиш, савдодаги тўсиқлар туфайли келиб чиқадиган бўлса, ўша муаммоларни тинчлик йўли билан ҳал этар, бунинг учун олтинларини аямасди. Шу тариқа кўп урушларнинг олди олинган.

Бир куни эрта тонгда у мени олдига чақирди. Ўша пайтда биз Ироқда эдик. Олдига кирдим. Кўзлари ҳамон ўткир, сукути маъноли, бардам эди. Менга тикилиб туриб, табассум қилди. Кейин секин гап бошлади.

-Абдусалом биз сен билан салкам олтмиш йил елкама-елка меҳнат қилдик. Китоб ёзик, савдо қилиб ўз обрўмизни сақладик, пасткашга муҳтоҷ бўлмадик, сultonлар эшиги тагида турмадик. Сен менга бир умр ёрдам бердинг. Оиланг билан мендек кўчиб юрдинг. Машақкатларга сабр қилдинг. Энди айтчи, мендан бирор шикоятинг борми?

-Йўқ, -дедим қисқагина.

У гапида давом этди.

-Чиққан қуёш бир кун ботади. Туғилган инсоннинг ўлмоғи аниқ. Олиб турган нафасларимиз бир кун қайтиб чиқмаслиги ҳам равшан. Бугун умримнинг охирлаб қолгани

менга аён бўляпти. Шу тунгача етиб боролмасам керак. Мендан рози бўл. Менинг ишимни ўғлимга кўмаклашган ҳолда ўзинг юритгин. Бошлиган ишларимни ниҳоясига етказ. Кеча Содик қарздорлар дафтарини олиб кирганди. От сотувчидан бошқаларникини кечдим. Бугуноқ шу ҳақда билдирил уларга. Кутубхона очаётгандик, шу ишни ҳам охирига етказ.

-Абдуллоҳ ҳали айтган ишларингни бирга тугатамиз, сен узоқ яшайсан, -дея қўз ёшимни яширолмасдан гапира бошладим. -Дўстим мени ҳеч қачон ходимдек кўрмагансан, ходимларингга зулм қилмагансан, уларни пастга урмагансан. Қул ишлатмагансан, уларни озод қиласдинг доим. Бу не ҳолки, ўлимдан гапириб, мени маҳзун қиласпсан.

-Дўстим ташвишланма, чин дунёда ҳам бирга бўламиз. Аммо мени ҳеч мақтамасдинг, шу сафар ноўрин муболаға қилдинг. Мен Аллоҳнинг қулиман, қул эса ўзини муносиб тутиши керак. У бошқа бандаларни ўзидек билиши ва шунга яраша муомала қилиши айни бандалик. Гапларим рост қадрдоним. Ўлим соатим яқин. Ишқилиб авлодларимиз бизни унутмаса бас. Яна бир гап: йиғилишларни энди ўғлим бошқаради, лекин сен унга ёрдам бермасанг эплолмайди. Султонларнинг бозорга аралашуви, нарх-наво ва чайқовчиларнинг ўйини, солиқчиларнинг хийлаларидан хавотирдаман. Халқни улар қашшоқлаштириб юборади. Ёшлар фаол бўлса, йиғилиш самарали ишласа, одамлар ҳаққини таниса, тадбиркорларга султонлар ҳам, халқ ҳам кўмак берса, минг йилар ўтсада, мусулмон диёрига номусулмонларнинг макрлари ораламайди. Ислом ҳақоратланмайди. Қиз-аёллар хўрланмайди. Кейин сипоҳлар, қўриқчиларни ҳам қаттиқ назоратда ушлаш керак. Бу ҳақда султонга хат ҳам ёзгандим. Агар улар ҳаддидан ошса, жамият издан чиқади. Порахўрлик авж олиб, халқ давлатга ишонмай қўяди. Ўз давлатига ишонмаган халқ эса, фаровонлиқдан умидини узади. Султон эса халқнинг лаънатига учрайди. Ўғлимга ҳам айтиб қўйдим, сенга ҳам айтай. Амалдорларга паст кетманлар. Энди тиловат қиласман. Ҳаммомни тайёрлаб қўйишса, ғусл қилиб, намоз ўқийман. Аллоҳимга юзлашиш вақтлари яқин.

-Хўп, мен сени тушундим. Айтганларингни Аллоҳ ҳоҳласа, албатта бажараман.

Унинг олдидан дилим вайрон бўлиб чиқдим. Кўз ўнгимда ўтган йиллар, у билан килаётган ишлар гавдаланди. Шунчалик бой хотиралар, келажак учун режалар бор эканки, Абдуллоҳ бўлмаса, бу дунё бўшаб қоларкан. Агар у кетса, аксар илм ахли етим қолади. Олам мунғайиб қолади. Шу ҳаёллар билан ҳаммомни ҳозирлатдим. Қарздорларнинг қарзидан кечилганини маълум қилдим. Кейин айтган гаплари эсимдан чиқмаслиги учун қофозга ёзиб қўйдим.

Абдуллоҳ тўлиқ уч пора қироат қилди. Кейин ғусл қилди. Намоз ўқиди. Узоқ дуо қилди. Сўнг мени чақириб, бир энли қофоз узатди. Савол назари билан қараб турганимни пайқаб гап бошлади.

-Меърос масаласидаги васиятимни сенга берганимга бир ҳафта бўлганди. Бу ердаги васият бутун мусулмонларга, авлодларимга. Уни кўпайтириб тарқат, китоб ёзсанг албатта васиятимни ҳам кирит. Энди оиласми чакир. Дўстларимга ҳам хабар бер.

Мен югуриб бориб оила аъзоларини чақирдим. Дўстларимизга одам юбордим. Кейин васиятни очиб ўқидим.

“Бутун мусулмонларга васиятим: ҳеч қачон Аллоҳдан ўзгасига муҳтоҷ бўлманг.

Намозларга эътиборли бўлинг, баъзи ишларни баҳона қилиб намозни сурсангиз, ишингиз ҳам орқага сурилаверади. Қаттиқ ишланг, изланинг, илм олинг, бой бўлинг. Султонларга ҳам шу гап. Агар халқ ва султон бирикса, давлат бой бўлса, бошқа мамлакатнинг хоҳиш иродасига бўйин эгмайди. Мусулмонлар бир тану бир жон бўлса, ҳеч қачон ислом дини таҳқирланмайди. Илмдан, янгилик яратишдан, бировга муҳтож бўлмай, доимо ёрдам қиладиган даражада бой бўлишдан, жанг санъатини пухта эгаллашдан эринманг. Сизнинг бирлигингиз, бойлигингиз, илмингиз, кучингиз мусулмонларни эзилишлардан қиёматгача асрайди. Агар акси бўлса, ислом дини оёқ ости бўлади. Мусулмонлар бутун оламга ёмонотлиқ бўлади. Васиятимни ҳурмат қилишларингизни ва амал қилишларингизни қаттиқ илтимос қиласан.”.

Кўзларимда ёш билан ўқиб чиқдим. Ўзи вафот эта туриб ҳам ўзгаларни ўйлайдиган одамга Аллоҳ раҳматини кенг қилсин. Уни дўзахига туширмасин. Шу ўйлар билан яна унинг олдига бордим. Дўстларимиз ҳам келди. Ҳамма билан рози-ризолик қилди. Дўстлар ҳовлига чиққач, ўзи намозга турди. Шундагина унинг дармони камайганини, қуввати кетаётганини ҳис қилдим. Намоздан сўнг дуо қилди ва ўтирган ҳолида чин дунёга сафар қилди.

Жанозасини ўқиб, дил тўла фарёд билан дағн қилдик. Ҳамманинг кўзи тўла ёш. Яқин кунларда на Ироқда, на шомда, на Марвда мусулмонлар кулмаса керак...

У вафот этган Ироқнинг Ҳийт деган шаҳарчаси Фрот дарёсининг ёқасида жойлашган бўлиб, қабри шаҳардаги кўзга ташланадиган, кўпчиликка маълум жойда.

Абдуллоҳнинг вафоти кўпчиликни чуқур қайфуга солди. У ҳақда ҳақиқатда таъсирли гаплар айтилди.

Бир дарвеш киши келиб, унинг ҳаётда қолиши учун жонини ўйланмасдан фидо қилишини айтганида, йигилганлар “воҳ”, деб юборди. Чунки ҳаммамиз ўз жонимизни лаҳза ҳам ўйламасдан беришга тайёр эдик. У дилимиздагини тилига чиқарган, қалбимиздаги фарёдни изхор қилганди.

Орадан уч кун ўтгач, Абдуллоҳнинг савдодаги сирлар, қоидалар ёзилган дафтарини топиб олдим. Мана ундаги ёзувларни ўқияпман.

Мен илк савдога киришганимда жуда содда ва ғўр эдим. Таржимонлик қилиб, энди бозорга кирган вақтим ҳаётим бунчалик ўзгариб кетади деб ўйламагандим. Савдони отам айтганидек обрўйимни сақлаш, оиласми мухтож қилмаслик ва илмлиларга яхшилик қилиш учун қилишни ният қилгандим. Туя бир тилла қани бир тилла? Туя минг тилла мана минг тилла. Ҳа, вақтида биттагина қизил туям бўлишини орзу қилардим. Бугун юзлаб қизил туяларим бор. Сафар учун яхши айғирим бўлишини истардим. Бугунга келиб беш юздан зиёд отим сафарда юрибди. Ўз уйим бўлишини, унга минглаб одамлар сифишини Аллоҳдан сўрагандим. Мана ўндан ортиқ мамлакатда ана шундай катта ҳовлиларим бор. Олдимга мухтожлигидан пул сўраб келганни қайтармасам деб, орзуланардим, Аллоҳга шукр хузуримдан биров ноумид бўлиб қайтаётгани йўқ. Мен узоқ йиллик тажрибаларимдан баъзиларини келажак авлодим учун тавсия қиласан. Бутун савдо тизими ҳақидаги ёзганларим йўқолиб кетмаса, алоҳида китоб бўлиб дарслик сифатида ўтилар. Демак қисқагина тавсияларимдан бироз айтиб ўтсан.

1. Асл баҳосида сотиб олишда барака бор

Мен илк сафарга чиққанимда бир аёл эри хаста ва болалари ёш бўлгани сабаб, муҳтоҷлигидан отини сотаётганига гувоҳ бўлганман. Ўшанда инсоғиз савдогар яrim баҳосида даллол билан келишиб, аёлга жабр қилганди. Аммо қўпчилик гувоҳлар унга ёрдам бериб, ўз молларидан оз-оздан берган, бир табиб айниқса эри учун дори-дармонларни саралаб қўлига тутқазганди. Орадан икки йилча вақт ўтиб, ўша савдогарнинг абгор бўлиб юрганинини эшилдим. Ўша воқеадан сўнг доим молни муҳтоҷлиқдан сотаётган одамлардан ўз баҳосида сотиб оладиган бўлдим. Улар нархни билмасди, аммо мен қалбимга қулоқ солардим ва бозор нархида сотиб олардим. Ана шундан кейин ишларим шу қадар тез ривожлана бошладики, бирдан ишчилар ёллашимга тўғри келди. Ҳатто бир сафар бир одам бир тўнлик матога бераётган дирхамларимни рад этган. Чунки у матонинг нархи қимматлигини билмасди. Аммо тушунтирганимдан сўнг кўнганди.

2. Сармоя чўнтакда бўлмайди

Мисерда таржимонлик қилишимдан олдин яқин дўстим Абдусалом менга сармоя бўлмаса бозорга кириб бўлмаслигини айтганди. Аммо сармоясиз бозорга кирдим. Ишларим гуркираб кетди. Тушундимки, сармоя чўнтакда эмас экан. Агар ақлингизни ишлатсангиз ва ҳаракатдан тўхтамассангиз, сармоя сизни узоқ куттирмас экан. Таржимонлик қилиб топган пулларимдан жамғариб, газлама савдосини бошладим. Ўшанда топадиган олтинларимнинг ҳатто ярмидан қўпроғини тежардим. Ўзимни сармоя билан таъминлаш учун анча вақтгача таржимон бўлиб ишлашимга тўғри келган. Агар иш бошламоқчи бўлсангизу, аммо пулингиз бўлмаса, ақлингизни ишлатинг. Пул ишлаб топиш қобилятингиздан фойдаланинг. Кимнинг қанча пул ишлаб топишига қараб, унинг пул ишлаш қобилятига баҳо бериш мумкин. Бугундан пул ишлаб топиш қобилятингизни ўстиринг. Катта сармояга аввало тайёр бўлинг. Динору, дирхамларларни ишлата билган кунингдан бошлаб сармоядорга айланасан.

3. Ҳақгўй шерик яrim йўлни босиб ўтганинг демак

Мен устозим Аллоҳ раҳматига олсин Абу Ҳанифанинг хузурига борганимда бир воқеанинг гувоҳи бўлгандим. Устознинг шериги бир матони бир неча баравар қимматга пуллаган, устоз ўша харидорни топтириб келиб, ортиқча пулини қайтарган ва ўша газламалардан келган пулларни тўлиқ эҳсон қилиш билан бирга шериги билан ишни тўхтатганди. Ўшанда агар бирга ишлашга тўғри келса шерик танлашда пухтароқ бўлиш кераклигини тушунгандим. Абдусалом менинг энг яқин дўстим ва ишларимда шеригим бўлди. Шу вақтгача ундан хиёнат кўрмадим. У менга фойда деб берган пулимга розилигини айтганида, рости кўзимга ёш келганди. Чунки бу қалбга ҳавола, виждонга баҳо эди. Ҳа, ўшандан бери бирор марта фойда тақсимотида уникини кам қилмадим. Ҳар сафар олтинларни бўлаётганимда унинг гапи қулоғим остида жарангларди: **foyda deb bergan**

пулингга розиман. Мана шундай шерик билан ярим йўлни аввал бошданоқ босиб ўтгандим. Шерикли ишда ҳисоб-китобни жуда аниқ олиб бориш керак. Бу зеҳнни кўп банд қилгани учун бир ҳисобчи ёллаган яхши. Ҳисобчилар одатда ҳар бир чақанин назардан четда қолдирмайди. Мана шундай аниқлик – тижоратнинг гуллашига сабаб бўлади.

4. Режалар намозлар орасига қўйилади.

Устоз билан учраштирган Аллоҳга шукр. Илк учрашувдан буён ҳаётимда туб бурилишлар бўлди. Қилган насиҳатлари қулоқларим остида доимо жаранглаб туради. Устоз менга ишларни намозлар орасига қўйишни буюрганди. Тавсияга амал қила бошлаган илк кунимдан катта фойдасини сезгандим. Шунинг учун ишларни беш вақт намоз орасига жойлашни одат қилган одамнинг муваффақияти аниқ кафолатланган бўлади. Намоздан кейин дуолар қабул, мақсадлар ҳосил бўлади. Бенамозлик иллат. Баъзилар ишларини, пулларини, учрашувларини битириб олиш учун намозни ортга суради, билмайдики сурилган ёки ўқилмаган намозлар билан ишлари ҳам ортга сурилаверади, ўнгидан келмай тураверади.

5. Яхшилиқдан суюниб, ёмонликдан қуюниб кетма

Бу қоида менга устозим билан учрашганимдан таниш. Устознинг савдо карвони ҳақидаги икки хил хабарга хазратимнинг жавобларидан лол қолгандим. Орадан йиллар ўтсада мен ўша воқеани эсимдан чиқармадим. Ақлни шоширадиган даражадаги олтинлар топсамда, қаттиқ суюниб ақлимни йўқотмадим. Оғир кўнгилсизликлар келса-да, қуюниб ёқа йиртмадим. Бир қуни фақат ўзим биладиган бир кўнгилсизлик бўлди. Одатда мен касодга учраганларимни умуман айтмайман. Аммо дафтаримга ёзиб қўяман. Хуллас бир қуни бозорда олиб сотар билан учрашиб қолдим. У менга катта миқдорда тери ва чилвир буюртма қилди. Пулини молни олгач, беришини айтди. Ишондим (чунки лафз инсоннинг тирклигидир, белафз инсоннинг ўлиқдан фарқи йўқ). Орадан икки ой ўтиб айтган молини етказдим. Теричиликни тушунмаганим учун уларга озгина шикаст етган экан. Аммо сифати қаттиқ бузилмаган. У молни олди. Пулини бир қун ўтиб беришини айтди. Мен асосий сармоямни ўша молларга тиккандим. Эртаси қуни ундан жавоб бўлмади. Газлама ва мўйна олиб келишим керак, мижозлар бетоқатлана бошлаганди. Агар вақтида етказиб бермасам, бошқа савдогар мижозларимни оғдириб олиши мумкин эди. Аммо чайқовчидан ҳа деганда жавоб бўлавермади. Мен газлама олиб келиш учун бир танишимдан катта миқдорда қарз олдим. Муддатни бир ой деб белгиладик. Тери буюртирган одам узоғи йигирма қунда пулимни қайтаришга вада берди. Мен савдо карвоним билан қайтиб келганимда роса бир ой ўтганди. Қарзимни қайтариш учун чайқовчидан пул сўрадим, у яна муддат сўради. Қарзининг ўндан бир қисмини қайтарди. Шу қадар жахлим чиқдик, жисмоний имкониятимдан фойдаланиб уни ўлдириб қўйишим ёки ўласи қилиб калтаклашимга оз қолди. Аммо устозимнинг насиҳатларини эслаб фикримдан қайтдим. Унга охирги муддатни бердимда, танишимнинг олдига бориб узр сўрадим. Аммо танишимга пул жуда

зарур экан. Мен икки кун ичида молни ярим баҳосида сотиб, қарзни бердим. Касодга учрадим. Яқин бир йил ичида на газлама, на мўйна олиб кела оладиган даражада сармоясиз қолдим. Аммо пули бор одамларни ахтардим, тўхтаб қолмадим. Бир сармоядор чиқди. У бир неча йилдан буён олтин йигар, аммо ишлатмас экан. Ундан қарз сўрадим бермади. Кейин фойданинг ўндан уч қисмига шерикликка кўндиридим. Менга бир марта мол олиб келиш кифоя қиласди. Бир ярим ойда янги моллар олиб келдим ва яхши фойда қилдим. Қарзимни ва фойдадан улушни қайтардим. У яна шерикчилик қилиш истагини билдириди, аммо зарурати бўлмагани учун рози бўлмадим. Мол оладиган одамларга бир вакилдан хат жўнатиш ва пулинни кейинги мол олишда бериш шарти билан ишни бошлаб юбордим. Ишончга кирдим. Чайқовчи вадасини бажаролмади. Олти ой ўтиб қарзини қайтарди. Жахл қилмадим. Пулни олдим ва қайтиб чайқовчилар билан пулинни олдиндан бермаса ишламасликка аҳд қилдим. Тўкувчи, тикувчи усталар билан ҳар доим қарзга ишлайвераман, чунки уларга ишонаман. Хуллас ортиқча хурсандчилик бўлмағур ғууруга, ортиқча ғам эса омадсизликка сабаб бўларкан. Ўшандан буён ҳечам ғамларга куюнмадим, хурсандчиликларга ортиқча суюнмадим. Ўртacha бўлдим.

6. Омад омадсизлар қилишни истамаган ишларни қилишингдадир

Ҳали тижоратда тажрибам жуда кам пайтда бир ҳолатни бошдан ўтказдим. Қишида жуда қаттиқ совуқ бўлди. Ўн кунча совуқ сабаб дўконни ёпдим, аммо бозор ишлаб турди. Мен уйда ўтирдим. Ўша ўн кун ичида бошқа бир пулдор киши мен олиб келадиган моллардан бозорга олиб кирган ва нархни арzonлаштирган. Келсан, харидорларнинг аксари ундан мол оляпти. Шу билан олти ойда нархни пастлатиш ҳисобига харидорларни кўпайтириб олдим. Шу орада устоз билан учрашиб қолдик. Ҳазрат бизга хурмо боғларини кўрсата туриб, кўшни хурмозорлар билан ҳам таништириди. Бир хил сув ичадиган, бир хил ўғит солинадиган жойдаги дараҳтлар уч хил кўринишида эди. Мехнатнинг самарасини, яъни қишини қиши, ёзни ёз демай қилинган меҳнат натижасини кўрдик у ерда. Энг серҳосил хурмозорнинг эгаси авал қашшоқ бўлгани, меҳнати ортидан фаровонликка эришганини айтиб берди устозим. Мевасиз боғнинг эгаси ўртаҳол бўлгани, аммо дангасалиги сабаб ҳозирда мардикор бўлиб қолганини ҳам билиб олдик. Устознинг боғи ўртacha ҳосил берар, назорат камлиги ва устознинг оз аралашуви сабаб шундай бўлган экан. Ўша кун англадимки, илмда ҳам, тижоратда ҳам қулай фурсат кутилмас экан. Ҳар кун, ҳар соат, ҳар лаҳза қулай имконият, қулай фурсат бўларкан. Ходимларимга ҳам бутун умр шу қоидани ўргатиб келдим. Шу оддий қоидани ўзлаштирганимдан сўнг имкониятлар эшиги ланг очилиб кетди.

Ростдан ҳам дангасалик иллат. Аллоҳ таоло ҳам шижаотли бандаларини яхши кўради. Шижаотли одамларда барака ҳам бўлади. Улар чиройли гумон билан яшайди.

7.Ишга қабул қилиш қоидаси

Устозим менга доим “Оилаға чақалоқ ўз ризқи билан келганидек, ходим ҳам иш берувчига ўз ризқи билан келади”, дерди. Мен шу вақтгача у зотнинг сўзларига шубҳа билан қарамаганман. Аммо баъзан ходимга эҳтиёжим бўлади-ю, тўлов имкониятим етарли бўлмай қоларди. Таваккал қилиб ходим олсам, унга лойиқ маошдан ташқари фойда ҳам келарди. Узоқ йил савдо қилиб, кўп одамлар билан ишлаб тажрибалар орттиридим. Ходимларни секин ишга қабул қилиб, тез бўшатиш кераклигини англашим. Қирқ кун синов билан ишга оламан. Шу вақт ичида маош бермайман деб айтаман, аммо муддат тутагач, қўлига ишига яраша ҳақ бераман. Ходимларни уч марта огоҳлантираман. Биринчиси иш боши тарафидан, иккинчиси қўшимча иш юклаш билан (хатосини англағач, қўшимча ишни олиб ташлайман), учинчиси жарима соламан. Шунда ҳам талабимга жавоб бермаса хайрлашаман. Бўшатиш жараёни ҳам роса қирқ кун давом этади. Мана шундай қоидалар асосида ҳисобчини ишга олганмиз. Лекин унинг синов муддати икки йил бўлган. Шу муддат ичида уни бир дўстимнинг қўлида ишлашини таъминладим. Тажрибасини оширгач, ёнимга олдим. Мана бирор марта менга панд бергани йўқ. Тартиб билан ишлаши натижасида ишларимнинг ярмини ўзимдан соқит қилдим. Кўпроқ ўйлашга, китоб ёзишга, ўқишига вақтим бўлди. Авлодларимга комил ишонч билан айтаманки, ходимни ишга олдингизми, албатт ўз ризқи билан келади. Фам қилманг.

8. Чиройли сўраш - илмнинг ярми

Отам менга доим “Чиройли сўраш - илмнинг ярми”, деб айтарди. Бу ҳақда ҳадисларда ҳам келтирилган. Аммо мағзини тўлиқ чақамаган эканман. Бозорга илк қадам қўйганимда, газлама савдосини бошлиётган вақтларимда ўша ҳикматнинг асл маъносини англағаб етдим.

Инсон чиройли сўраб, ўзига керак бўлган илм, тажрибаларни олиши мумкин. Абдусалом билан бир тўп мато сотувчисидан то газлама ишлаб чиқарувчигача етиб борганимиз ҳақиқий исбот бўлди. Биз оддийгина хийла қилдик. Озгина моли бор одамдан кўп молни қисқа фурсатда топиб беришини талаб қилдик. Оқибат ҳар бир тожир ўзидан йирикроқ савдогарнинг олдига жўната верди. Нихоят ишлаб чиқарувчининг олдига бордик. У билан суҳбатлашдик. **Бу орқали икки енгилликка эришдик. Биринчиси арzon нарҳда сотиб оламиз, иккинчиси чайқовчидан азият чеккан халқقا арzon нарҳда сота оламиз.** Натижада харидорларимиз кўпайиб, бозорни эгаллай бошладик. Мен ҳар бир илм оловчига, ҳар бир савдо қилгувчига чиройли сўрашни маслаҳат бераман. Ниятни ҳолис қилиб, инсонлар манфаатини биринчи ўринга кўйган ҳолда, халққа осонлаштириш йўлини қидириш керак. Бугун бир инсонга осон қилсак, эртага авлодларимиз бутун халқ юкини енгил қиласди. Инсоф билан ишлаб, чиройли сўрасак, барака ҳеч қачон аримайди. **Чиройли сўраш нафақат илмнинг, балки тижоратдаги фойданинг ҳам ярмидир.**

9. Сахийлик бойлик гарови

Онам менга саҳийликнинг ҳар бир шоҳи жаннатга олиб кириши ҳақидаги ҳадисни айтиб берарди. Ёшлигимдан қизғанчиқлик ҳиссидан йироқ ўсдим. Ота-онамнинг меҳнатлари эвазига саҳийликни ўргандим. Болалигимдаги соддагина ҳаётимда ота-онам мени кўп имтиҳон қиласиди. Бир куни камонбозлик мусобақасидан келсан (ўшанда ўн ёшларда эдим), онам дастурхон ёзаётган экан.

-Кел ўғлим овқатланиб ол, - деб дастурхонга чақирди.

Дастурхонда яримтагина нон бор экан. Қорним жуда оч. Отам боғда ишлайпти. Онам нонни қўйиб, ишга чалғиди. Айни тушлик маҳали. Биз доимо бирга овқатланардик. Негадир улар келмади. Шу вақт тиланчи кеп қолди. Югуриб чиқсан, нон сўраб турибди. Дастурхондаги яримта нонни бериб юбордим. Бир муддат онамнинг овқат сузиб келтиришини кутдим. Аммо таомдан дарак йўқ. Онамдан қачон тушлик тайёр бўлишини сўрадим. Жавобидан йиғлаб юбордим.

-Ўғлим бугун тушлик тайёрлолмадим. Уйимиизда боя сен тиланчига берган нондан бўлак ейишга ҳеч вақо йўқ эди. Биз ҳам туз тотмадик. Ўша нонни сен учун асраб қўйгандим.

Мен нима дейишни билмай қолдим. Югуриб кўчага чиқдим. Узоқ ўйланмай бозор томонга юра бошладим. Шу вақтгача нон уйга қаердан келишини билмас эканман. Илм олиб, жанг санъати билан шуғулланиб юраверган эканман. Энди ишлайман. Ҳар куни ишлайман. Бозорга бориб, каттароқ бир дўконга кирдим. Хўжайинидан иш сўрадим. Иш сўрайпману, негадир уяляпман. Хижолат бўляпман. Савдогар инсофли экан. Менга бутун дўконни тозалашни, буюмларни тартиблашни эвазига яхшигина пул беришини айтди. Камида беш пора тиловат қилгунча вақт сарфлаб ишни битирдим. Менга бир дирхам берди. Тангани олдимда, нон растасига бордим. Улар пулни олиб нон берди ва қайтимини ҳам унутмади. Қайтимиға мева сотиб олдим. Қорним оч ва қаттиқ чарчаган бўлсам-да, жуда хурсанд эдим. Ота-онам учун нон олиб бораётганимдан шод эдим. Ҳовлига кириб боришим билан онамни чақирдим. Югуриб олдимга келди. Қўлимдаги нарсаларга қаради. Кейин саволлар берди, мен хурсанд жавоб бердим.

-Ўғлим қўлингдаги нарсаларни қаердан олдинг?

-Ишладим она.

-Қаерда ишладинг?

-Бозордаги бир дўконни тозаладим, буюмларни тартибладим. Эвазига бир дирхам берди. Ўша пулга нон ва мева сотиб олдим.

-Вой ўзимнинг арслоним. Ўғлоним, азamatим.

Онам йиғлаб юборди. Шу пайт қўшни чиқиб қолди. Уйига шошилинч меҳмон келганини, нон сўраб келганини айтди. Беихтиёр нонни қўксимга босибман. Онам қўлимдаги нон ва меваларни қўшнига шартта бериб юборди. Ичим узилди, аммо бир сўз айттолмадим. Индамай сўрига чиқдим. Ҳали ўйлаб улгурмасимдан онам иссиқ овқат, нон-чой олиб келди. Отамни чақирди. Мен тушунолмай хайрон эдим. Онам кулиб отамга қаради. Отам табассум билан бошимни силаб гап бошлади.

-Ўғлим, биз сендаги сахийлик, ишчанлик, тез қарор қабул қилишни синаб кўрдик. Аллоҳга шукр ҳеч кимга муҳтож эмасмиз. Сен катта йигит бўлиб қолдинг. Сахийлик узоқ машқлар эвазига пайдо бўлади. Сен имтиҳондан ўтдинг. Гайратинг, сахийлигинг, меҳнатдан уялмаслигинг сенинг улкан ютуфингдир. Сен иккиланмай чарчашингга қарамай биз учун нон топишга уриндинг. Бу жасорат, ҳақиқий сахийлиқдир. Унутма сахий инсон бой бўлади. Сахийлик фақат олтин-кумушлар билан эмас, кимдир илмидан, кимдир тажрибасидан, бирор кучидан, бирор меҳридан сахийлик қиласди. **Берган қўл олган қўлдан хайрлидир**, дейилган ҳадисларда. Ҳа, ўғлим, Мухаммад соллоллоҳу алайхи васалламнинг ўйтлари қиёматгача бандалар учун ҳаётий қўлланма бўлади.

10.Мижоз ҳар доим ҳақ. Уларга “йўқ” деган сўзни ишлатмаслик керак.

Мен устозимнинг савдосини узоқ вақт кузатиб бирор марта у зотнинг “йўқ”, деган сўзни ишлатганини кўрмадим. Харидор сўраган нархга “йўқ” дейилмас, сўраган нарсаси бўлмаса, бошқа мол таклиф қилинар, ёқмаса, мижозга шошилинч бўлмаса, олиб келиб беришарди. Шундай воқеалар гувоҳи бўлганманки, устознинг дўконида йўқ матони бир камбағал киши сўради, аммо ундан мол йўқ эди. Устозим кутиб туришини айтиб, чиқиб кетди. Анча вақтдан сўнг олиб келди ва харидор сўраган нархда сотди. Харидор хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Олиб келинган мато метрлаб сотилмас, тўплаб савдога қўйиларди. У одам ялинса ҳам берилмасди. Кейин бидимки, Абу Ҳанифа хазратим бир тўп матони сотиб олиб, керакли миқдорини қирқиб сотган экан.

Устозим менга “харидор доимо ҳақ”, деб кўп айтарди. Баъзан харидорларнинг минг бир инжиқликлариға чидашга тўғри келади. Савдога кирган одам ҳамма қийинчиликларни бўйнига олади. Чунки савдосини одамлар гуллатади. Харидор бўлмаса, унинг дўкони ҳам, моли ҳам арзимас бир мато холос. Шу сабаб тортиша-тортиша мол олмайдиган, обдон дўкон айланиб, матоларни титкилаб ҳатто кийиб кўриб ҳам айниб қоладиган, паст баҳо бериб кетадиган, жанжал кўтаргиси келиб қолса, қўполлашадиган олармонларга фақат сабр билан муомала қиласман. Чунки дўконда шунинг учун ўтирибман. Мен олармонларнинг ходимиман. Бу хуносаларим, узоқ тажриба ва устознинг маشاқкатли дарслари самарасидир. Харидор ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақ. Ҳатто ноҳақ бўлса ҳам, у билан қаттиқ тортишиш яхши эмас. Агар унда нотўғри фикр шаклланса, кўрган – билганига сиз ҳақингизда, савдоингиз ҳақида нолойиқ сўзларни айтиб юради. Савдони касод қиласди. “Мана мол, истасанг ол бўлмаса йўқ” ёки “Олмасанг тегинма”, “ўзи ақчангиз борми?”, “олмасангиз нега мени оввора қилдингиз молни титкилаб” каби муомала харидорни бездиради. Қайтиб ўша дўконнинг яқинига йўламайди. Чиройли муомала ва сабр савдони ривожлантиради. Шунинг учун ҳар куни раҳбар (харидорлар сотувчиларнинг раҳбари) га муносиб хизмат қилиш, қўнглини олиш ва хурсанд қилишни ўйлаш керак. Ноҳақлигини билиб турсангиз ҳам ортиқча тортишманг. Аксинча “агар нархлар ёки моллар маҳъқул келмаётган бўлса, бозорни кўринг ўзингиз истаган нархларда топишингиз мумкин”

қабилида жавоб қилиш кифоя. Шунда тортишувнинг олди олинади. Молингизнинг сифатига ишониб айтган гапингизнинг исботини харидор қайтиб келганида кўрасиз. Агар тортиша-тортиша кетиб қолган ва яна қайтиб келган мижозга ҳам яна яхши муомала қиласерсангиз, нархни ошириб олмасангиз, у доимо сиздан харид қилади. Хулласи калом доимо харидорнинг манфаатини кўзланг, ўшанда бой бўласиз.

11. Ўзгаларнинг иложсизлиги имконият эмас.

Устозим менга доим ўзгаларнинг иложсизлиги қулай имконият эмаслигини айтарди. Шунинг учун ноиложлигидан бирор нимасини сотаётган ёки қарзини узиш учун молини ярим нархда беришга тайёрлардан фойдаланмадим. Бир куни бир одам мендан кўп миқдорда мол олди. Белгиланган муддатда қайтаролмади. Кейин яхши чопағон отини олиб келиб, ярим нархида қарзи эвазига бермоқчи бўлди. Аммо мен ундан асл баҳосида сотиб олдим. Қарзидан ортган пулини қайтариб бердим. Жуда хурсанд бўлди. Унинг юзидағи розилик, кўзларидағи қувончни кўриб, муҳтожнинг муҳтожлигидан фойдаланмасликка яна бир бор аҳд қилдим. Кўпчилик баракасини ўзи қочиради. Бозорда ҳар – хил савдогар бор. Қарз бўлиб қолган одамдан бирор арзигулик нарсасини қарзидан ортиқ нархда турса-да, инсофисизлик қилиб, қарзи эвазига олади. Натижада барака кетади. Ёки бирон кимса азбаройи муҳтожлигидан бирор нарсасини сотмоқчи бўлади. Унга ақча зарурлигини билган олармон ерга уриб сотиб олади ва икки баравар қимматига сотади. Бу иш қароқчилик билан баробарлигини, ҳақиқий судхўрликдан ошиб тушишини устозим кўп таъкидларди. Ҳалол савдо – илм. Уни яхшилаб ўрганиш ва ўзлаштириш керак. Агар шариатни тушунмай савдога киришилса, фоизга (рибо, судхрликка) аралашиб қолиш ҳеч гап эмас.

Инсонларнинг иложсизлиги имконият эмас.

12. Қалб бойлиги

Айримлар бойликни аввал бошда мен тушунгандек идрок қилади. Мен бойликни қўлим ҳамма нарсага етиши учун эмас, кўп тилла тангаларни йиғиб қўйиб, кўнгил тусаган нарсани сотиб олиш. Маишатда камчилик бўлмаслиги деб тушунардим. Яна кўпчиликка ўзимни кўрсатиб қўйгим келарди. Кўпчилик эса бойликни ёмон деб ўйлади. Диндан чиқаради, бузади, ҳаловат кетади ҳатто жаннатга киришга тўсқинлик қилади, деб ишонади. Бу оддий ҳалқнинг овунчоқ фикрлари дидир. Агар инсон илмли бўлса, тирикчиликнинг ҳалолини касб қилса, пул билан муомалани яхши қила олса, бойлик ундей одам учун катта баҳт, мислсиз имкониятдир. Чунки берган қўл олган қўлдан хайрли экани ҳақида ҳадис ҳам бор. Кўпчилик имомларга ҳайронман. Одамларни бойликдан нафратлантиради, хорлик сари етаклайди. Бу хато. Аслида мусулмон бой бўлиши керак экан. Кучли бўлиши керак. Акс ҳолда номусулмоннинг, ҳатто илмсиз мусулмонларнинг орасида хор бўлади. Узок

йиллик тажрибамдан тушундимки, инсонларни бойлиқдан құрқитиши, қайтариш яхши эмас. Бойликни обрүни сақлаш, қариндош-уруғга яхшилик қилиш, илм толиблари, олимларга әхсон қилиш, иш билан таъминлаш учун түплаган яхши. Барыбир мусулмон бой бўлса, жамиятда соғлом муҳит шаклланади. Мусулмон бой бўлса, турли фикрлар, четдан кириб келадиган алдамчи ғояларга йўл қўймайди. Мусулмон бойиса дин ҳеч қачон обрўзислантирилмайди. Яна бир муҳим гап: ҳар бир мусулмон албатта жанг санъатларида моҳир бўлиши шарт. Жисмонан бақувват, бой, ақли расо бир мусулмон тадбирсиз, кучсиз минглаб мусулмонлардан алодир.

13. Мақсадсизлар билан ишлаш номаълум йўлга олиб чиқади.

Ҳаётда доимо олий мақсад билан яшаш керак. Мақсади йўқнинг борар йўли ҳам аниқ бўлмайди. У тасодифларга қурбон бўлиб ёки тасодифан ишлари яхши бўлиб кетишидан умидвор бўлиб юраверади. Мен савдо қилиб, илм олиб шунга амин бўлдимки, мақсадсизликдан кўра оғирроқ хасталик йўқ экан. Отам менга мақсадсизлар билан юриш номаълум томонга олиб бориши ҳақида айтганида ҳақ экан. Мана ҳар бир кунимда ҳамон ўша гапнинг тўғри эканига амин бўламан.

Инсон мақсадларини, режаларини албатта ёзиб қўйиши ва вақт белгилаб, қучига баҳо бериши керак. Шунда ўсиш бўлади. Режали юришни Аллоҳ таоло бизга ўргатиб қўйган. Мана беш вақт намоз мусулмоннинг кунлик режаси. Белгиланган. Бажарса яхшиликка эришади, бажармаса халокатга учрайди. Демак ожиз банда ҳам кунлик режаларини, ойлик, йиллик режаларини тузиб юриши керак. Шунда мақсадини топади. Ҳаётида маъно пайдо бўлади.

Луқмони Ҳаким ҳазратлари ўғлига ёмон ўодамлар билан дўстлашмасликни айтиб, огоҳлантирганида, ўғли имони бақувватю, ақли оқ-қорани ажрата оладиган бўлганини Э, ёмонларга қўшилса ҳам хулқи ўзгармаслигини айтганида табассум қилиб қўяди. Мевалар пишган вақтда, ўғли сал қуртлаган олмаларни ажратиб алоҳида қопга солаётганини қўради. Ўғлига: “ҳаммасини бир қопга солавер”, дейди. Орадан анча вақт ўтгач, улар қопни очиб кўрганларида ҳамма мевалар ириб кетганди. Ҳаким ўғлига маъноли қараб қўяди.

Мана шу ҳикоят бемақсадликдан ахлоқи бузукларга қўшилиб, охири номаълум томонларга кетиб қолишнинг олдини олиш учун кифоя. Халқ учун яхшиликлар улашадиган даражадаги олий мақсадлари, жилла курса ўзини яхши томонга буриш мақсади борлар билан дўстлаши керак. Ана шунда мурод ҳосил бўлади.

14. Тадбиркорлар эркин рақобат қиласа ва бирлашса, халққа енгиллик бўлади.

Тадбиркорлар бирлашиб, халққа енгиллик яратиш тарафдори бўлишлари керак. Агар улар нархни кўтариб ўйин қилиш учун бирлашса, ахвол оғир бўлади. Орамизда катта

тожирлар келишиб бир хил нархни белгилаб, халқдан арzon сотиб оладида, бошқа мамлакатга қимматга сотади. Халқ дардини кимга ҳам айтсин?! Мен ҳали ёш вақтимда шу ўйинларга гувоҳ бўлганман. Бошқа мамлакатга мол сотиб, уёқдан мол олиб ўз мамлакатига сотадиганларнинг ўйинларини кўрганман. Улар нарх белгилашда халқнинг манфаатини кўзламайди. Орадан йиллар ўтиб, улғайдим, тижоратим мислсиз кенгайди. Орзуим ушалди. Бой бўлдим. Ва ниҳоят тадбиркорлар йигинини ташкил қилдим. Биз тожирлар жамоаси келишиб, халқни қийнаётган чайқовчиларга мол сотмайдиган, қаҳатчилик пайтлари ҳам қиммат бўлмаган нархларда мол сотадиган, энг муҳими – одамларни иш билан таъминлайдиган бўлдик. Хуллас бир жамоа йиғилса, албатта халқнинг фойдасини кўзлаши, инсонларга манфаатли ишларни маслаҳатлашиши энг яхши ишдир. Аллоҳ таоло ҳам тақво йўлида бирлашишни таълим берган. **Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!** (Моида сураси 2 оят Аловиддин Мансур тафсири)

15.Абадий талаба бўлинг

Одамлар мендан қачонгacha ўқишим мумкинлигини сўрайди. Менда ҳар доим жавоб битта – абадий ўқийман. Толиби илмга ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор атйтаркан. Сувдаги жонзотларки илм оладиган одамнинг гуноҳи кечирилишини Аллоҳимдан сўраб турса, мен нима учун ўқишни, ўрганишни тўхтатишим керак!? Ахир Ҳабибимиз Муҳаммад алайҳиссалом “**Илм чинда бўлса ҳам олинглар**”, деган маънодаги ўгитларини айтиб турган бўлсалар.

Инсон зоти ўқигани, ўргангани сари юксала боради. Мия ҳам худди мушакка ўхшайди. Мушаклар машқ қилинганида, юк кўтарганида бақувватлашганидек, миямиз ҳам ўқиганида, ўрганганида, ёдлаганида кучаяди. Мен ҳар бир инсонга ўқишдан ҳеч қачон тўхтамасликни тавсия қиласман. Бу менинг тажрибаларим йиғиндиси эмас, бу Аллоҳнинг ҳукми ва Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўгитлари...

Негадир кундалиknинг қолган қисмлари йўқ эди. Балки энди ёза бошлагандир. Чунки савдо ҳақидаги бошқа ҳамма китобларини мен оқقا кўчирганман. Бу китобини яқинда бошлаган эканда. Аллоҳ дўстимни ўз раҳматига олсин. Қиёматгача келадиган умматга яхшиликлар қилиб кетди...

Аҳад ЖУМАНҚУЛОВ

11.12.2017

“Тўғрисўз ва ишончли тижоратчилар набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўладилар”. деган жойни “Ҳам оҳират учун, ҳам дунё учун ҳаракат қилган одам

хайрлидир(аслинин топиб киритаман)”. булимининг бир жойига илдирсангиз бу хам булади (Бахриддин аканинг фикри)

Ем сотаётган ҳалол савдогарнинг ҳикояти. Харидор ўн кило эмас 15 кило олганини ва бопладим деб ўйлаганини бирор жойига киритишим керак.

Мусулмон кенг ҳовлили, маркабли ва яхши хотинли бўлиши кераклиги.

Тижорат

т ахлоқи ёхуд мусулмон тадбиркор учун Қуръон ва Суннатдан 10 олтин қоида.
1-қисм.

Қуръоний қоидалар.

1. Эй мусулмон тижоратчи, тижоратнинг ўзига хос завқи, ҳавоси ва ҳаяжони бор. Яна ҳам кўпроқ фойда олиш ҳирсига берилиб, асло ва асло Аллоҳ таъолони зикр қилишдан, ибодатдан ва закотни адо этишдан қолмаслигинг керак. Келиши ҳақ бўлган ўлимни муттасил хаёлингда тутишинг лозимки, бу ҳолат оёғинг тойиб кетишидан, сени бировлар йўлдан уришидан сақлаб қолади ва ҳамиша тўғри истиқоматда қадам ташлашингни таъминлайди. (Далил: Нур сураси, 37-оят)

2. Эй мусулмон тижоратчи, сен иймон келтирган Парвардигоринг Ўзи истаган бандасининг ризқини кенг қилиб қўйишини, истаганини эса кифоят қиласиган даражада ризқлантиришини ҳеч қачон эсдан чиқарма. (Далил: Исрөъ сураси, 30-оят, Сабаъ сураси, 36-оят). Сенинг вазифанг: ер юзида ризқингни териш учун ғайрат қилиш ва тер тўкишдир. (Далил: Жумъа сураси, 10-оят, Музаммил сураси, 20-оят). Бир инсон сифатида қўлингдан келганини қилишинг, натижасини эса меҳрибон бўлган Парвардигорингга қўйиб беришинг лозим. Бу ишда чегарадан чиқмасдан, исёнга йўл қўймасдан, ризқу насибангга ризо кўрсатишинг керак.

3. Эй мусулмон тижоратчи, сен иймон келтирган Парвардигори олам имтиҳон сабабли ер юзига нозил қилган неъмат ва ризқларининг баъзисини ҳалол, баъзисини ҳаром қилгандир. (Далил: Юнус сураси, 59-оят). Аллоҳ таъоло жорий этган бу чегараларга риоя қилишлик сенинг энг катта вазифанг саналади. Шайтон ва унинг дўстлари сени ҳақ йўлдан тойдириш учун бутун воситаларни ишга солишади, ҳаромларни сенга чиройли ва фойдали қилиб кўрсатишиади. Сен тақво либосига бурканиб олган ҳолда ҳар лаҳзада Ҳақ таъолога юзланиб,

ғафлатдан узоқ, уйғоқ қалб билан бардам туришинг керак. Фақатгина шу йўл орқали ҳисобини беришинг мумкин бўлган ишлар билан шуғулланишинг осонлашади.

4. Эй мусулмон тижоратчи, нима қилишингдан қатъи назар, хоҳ у олди-берди бўлсин, хоҳ қарз олиш ёки шериклик – музораба бўлсин, барча ҳолатларда ёзув-чизув қилиш лозимлигини асло ёддан чиқарма. (Далил: Бақара сураси, 282-оят). Бу мавзу Куръони Каримда энг узун баён қилинган мавзулардан бири эканлигини доимо эсда тутиб, ушбу амри илоҳийнинг шартларига том маънодариоя қилишинг вожибdir. Шунга амал қилсанг, ўртага чиқиш эҳтимоли бўлган барча муаммоларнинг олдини тўса оласан.

5. Эй мусулмон тижоратчи, савдо-сотиқни ўлчов ва тарози асосида юритаётган, яъни, ишда тарози ва бошқа ўлчов воситаларидан фойдаланадиган бўлсанг, тўғрилик ва ҳалолликни асло тарк этмаслигинг керак. Ҳар хил қингирликларнинг қоралангани ва Мадян ҳалқининг бу каби ҳийлакорликлар оқибатида азобга дучор қилинганлигини унутмаслигинг лозим. Тарозида тортиш ва ўлчаш пайтида харидорнинг ҳаққига тажовуз ва хиёнатдан ўзингни тийишлигинг мутлақо шартдирки, эрта қиёматда Ҳақ ҳузурида амал дафтaringни ўнг томондан олиш сенга насиб қилсин.

7. Эй мусулмон тижоратчи, Аллоҳ таъоло савдо-сотиқни ҳалол, фоиз ва судхўрликни ҳаром қилгандир. Судхўрлар қиёмат кунида қабрлардан жин чалган девоналардай туриб чиқадилар. (Далил: Бақара сураси, 275-оят). Ҳалол бўлган фойдангга фоизни аралаштиранг, баракатдан маҳрум бўласан (Бақара сураси, 276-оят). Аллоҳ ва Расулига (солаллоҳу алайҳи васаллам) қарши жанг қилишни хоҳламасанг (Бақара сураси, 279-оят), фоизга яқинлашмаслигинг, уни на олишинг ва на беришинг керак. Бу борадаги диққат ва эътиборингни ҳеч қачон сусайтирмаслигинг лозимки, умумий бир кулфат ҳолига келган бу хасталикдан ўзингни ҳимоя қилишга муваффақ бўлгайсан.

8. Эй мусулмон тижоратчи, сен садоқатни ўзинг учун энг муҳим тамойил қилиб ол. Куръони Каримда сиддиқлар набийлардан кейин, шаҳидлардан эса аввал зикр этилган. (Далил: Нисо сураси, 69-оят). Номуносиб шарт ва муҳитларда садоқатда бардавом бўлиш жуда ҳам оғир ишдир. Шу сабабли содик кишилар билан доимо дўст ва ҳамроҳ бўлиш керак. Ҳар қачон ёнингда ва орқангда садоқатли дўстларинг бўлсинки, янглишган онингда сени огоҳлантирадиган бир тил, йиқилганингда сенга узанадиган бир қўл ҳар замон ёни бошингда эканлигини ҳис этиш баҳтига эришгайсан.

9. Эй мусулмон тижоратчи, яхшилик ва тақвонинг ёйилиши учун қўмаклашмоғинг, ёмонлик ва душманликнинг кўпайишига монеъ бўлишинг

лозим. Ҳар қанча қийин ахволга тушганингда ҳам, гүёки Аллоҳга қарз берәётгандек, Унинг бандалариға ёрдам қўлини узатишинг керак. Унга берилган қарзнинг асло бир йўқотиш эмас, балки кони фойда, битмас-туганмас бойлик эканлигини ҳеч қачон ёдингдан кўтарилемасин. (Далил: Бақара сураси, 245-оят). Яхшиликнинг ёйилиши йўлида яна ҳам кўпроқ жидду жаҳд билан ҳаракат қилгинки, ҳақиқий маънодаги саодатга эришгайсан.

10. Эй мусулмон тижоратчи, қарзларингни тўлаш борасида жуда интизом билан йўл тутишинг, ҳақсизлик қилмаслигинг, ўзаро розилик ҳолатлари бундан мустасно, ҳеч кимни қийин ахволда қолдирмаслигинг шарт. Яхшиликни сўйиистеъмол этиб, инсонлар орасидаги яхшилик томирларини йўқ қиласидиган бўлсанг, ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам маънан ўлдирган бўласан. (Далил: Нисо сураси, 29-оят). Бу хусусда сендан талаб этилган шартларга шундай риоя этгинки, атрофингдагиларни пушаймон қилмагайсан ва охир-оқибатда кимсасиз ва ёлғиз ахволда қолмагайсан.

11. Эй мусулмон тижоратчи, фойданинг қаердан келаётганингни ҳеч қачон унутмаслигинг, молингни закотини тўла-тўқис адo этиш билан бирга инфоқ ва садақа беришни ҳам кўпайтиришинг, кечаю кундуз, яширин ва очиқча Аллоҳ таоъло сенга берган ризқ ва бойликни Унинг йўлида (фисабилиллоҳ) сарфлашинг ва натижада ҳар қандай қўрқув ва хузнлардан эмин қолишлигинг лозим. Аллоҳ таъоло битта яхшиликни етти юз баробар қилиб ўзингга қайтариб турган бир вазиятдаақлли бир тадбиркор сифатида бу каби фойдали тижоратни қандай ҳам рад этишинг мумкин?! Бас шундай экан ўз тижоратингга Аллоҳни шерик қилгинки, олиш учун эмас, балки бериш учун сендан талаб қиласидиган бир шерик ва ҳамкорга эга бўлгайсан, бағишлишдан, инъом этишдан ва эҳсон қилишдан асло тўймайдиган ва толмайдиган бир хилқатга айлангайсан.

2-қисм.

Сунний қоидалар.

1. Эй мусулмон тижоратчи, Раззоқ зот бўлган Аллоҳ таъоло ҳузуридан сенга битилган тақдирга рози бўлишинг, бу йўлда таваккулингни комил бир тарзда бино этишинг лозимки, имонингга ярашадиган бир мақомга эга бўлгайсан.

Ҳадис: “Агар сиз ҳақиқатан ҳам том иймон ила Аллоҳга таваккул қилганингизда эди, тонгда оч чиқиб, оқшомда тўқ ҳолда уясиға қайтадиган кушларни ризқлантиргани мисоли Аллоҳ сизни ҳам мутлақо ризқдан насибадор қилган бўларди”.

2. Эй мусулмон тижоратчи, Аллоҳ таъоло жорий этган ҳалол ва ҳаром чегараларига риоят қилишинг, шубҳали нарсалардан юз ўгиришинг керакки, токим номус ва ҳайсиятингга доф туширмагайсан.

3. Эй мусулмон тижоратчи, ризқ талабида эрта тонгдан ҳаракат қилиб, уйингдан чиқишинг, устингда қуёш бош кўтармасдан, сен қуёшнинг устида бош кўтаришинг (яъни, қуёшдан аввал уйғонишинг) лозимки, баракатга ноил бўлгайсан.

Ҳадис: Ҳазрати Али розийаллоҳу анҳу айтадилар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Аллоҳим, умматим учун эрта тонгни баракатли қил”, деб дуо қилганларини эшитдим”.

4. Эй мусулмон тижоратчи, олишда ва сотища, қарз беришда ва олишда доимо осонлик ва қулайликни асос қилиб олки, тижоратингни хотиржам бир тарзда амалга оширган ҳолда Аллоҳнинг раҳматига эришгайсан.

5. Эй мусулмон тижоратчи, сатаётган молингнинг сифатини туширадиган ва қийматини камайтирадиган бир қусур мавжуд бўлса, буни харидорга очиқчасига айтгингки, акс ҳолда фойдангга ҳаром аралашиб, ўзинг бирорларнинг лаънатига қолиб кетишингга сабаб бўлмасин.

Ҳадис: “Кимки, қусури бор молини сатаётганида бу ҳақда харидорни воқиф этмаса, доимо Аллоҳнинг ғазаби ва фаришталарнинг лаънати остида бўлади”.

6. Эй мусулмон тижоратчи, фоиз борасида жуда хушёр бўлишинг, фоиз олмаслигинг ва бермаслигинг, фоиз аралашган жойда турмаслигинг ва бу хусусда ғоятда эҳтиёт билан йўл тутишинг лозимки, Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг уйилган қовоқлари ва оғир танбехларига рўбарў қолмагайсан.

Ҳадис: Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам фоиз берганни, уни олганни, буни қайд этган котибни (яъни, униқоғозга туширувчи кишини) ва бунга гувоҳлик қилган шоҳидларни лаънатладилар ва уларнинг барчаси бу гуноҳга тенг шериқдир, дедилар”. (Имом Муслим, “Мусоқот”, 106. Имом Насойи, “Зийнат”, 25.)

7. Эй мусулмон тижоратчи, қиладиган ишингни сабот ила бажармоғинг, сабрли бўлишинг ва ҳисоб-китобда яқин замонни эмас, балки узоқни кўзлаб ҳаракат қилмоғинг лозимки, натижада муваффақиятга эришгайсан.

Ҳадис: Ойиша розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Аллоҳ таъоло сизлардан бир киши учун бир томонни (нарсани) ризққа сабаб қилиб қўйса, бу ўзгаргунча ёки қийинлашгунча уни тарқ этмасин (яъни, ундан воз кечиб кетмасин).

8. Эй мусулмон тижоратчи, дунё моли кўзни қамаштирувчи ва ёқимли эканлигини, аммо Аллоҳ таъоло ҳузурида фоний ва қийматсизлигини ҳеч қачон унутмаки, ҳирс ва тамаъгирилик домига тушиб, дунё талабида ҳаддан ошмагайсан.

9. Эй мусулмон тижоратчи, молингни лойиқ бўлган баҳодан ошириб сотиш учун нотўғри йўлларга кириб қолмаслигинг ва харидорларни асло алдамаслигинг лозимки, токим Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий уммати бўлиш баҳтини қўлдан чиқармагайсан.

Ҳадис: “Алдаган киши биздан эмасдир”.

10. Эй мусулмон тижоратчи, ўз ишинг ва тижоратингни тўғрилик асоси устида бино этишинг ва ҳеч қачон ҳақиқатдан айрилмаслигинг лозимки, жаннатда энг яхши дўстлар билан қўшни бўлиш саодатига эришгайсан.

“Тўғрисўз ва ишончли тижоратчилар набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўладилар”.

Туплади Бахриддин, таржимон Зариф ГОФУРОВ.